

400
401


Ўттиз тўртинчи йил чиқиши
Жумодул-аввал ва жумодус соний 1441х
январ ва феврал 2020м



Кенг кўламли,
фикрий, сақофий журнал

Ал-Вақоӣ

**Ислондаги бошқарув низоми билан демократик бошқарув
низоми ўртасидаги қарама-қаршилиқ**



- Ғарб урушлари: бу урушлардан кўзланган мақсадлар ва уларга қарши курашиш йўли
- Фитна тарқамаслиги учун ҳукмдорларга қарши чиқиб бўлмади, деган нарсга адаштириш ва Аллоҳнинг динини ўзгартиришдир
- Ҳизб ут-Таҳрир аъзоси Муҳаммад Муҳаззиб Ҳаффоф бугунги кундаги фидоий авлоднинг ёрқин намунаси



400
401

Ўттиз тўртинчи
йил чиқиши
Жумодул-аввал ва
жумодус-соний1441ҳ
Январ ва
феврал 2019м

Ливан 1000 лира

Яман 30 риёл

Туркия 1 доллар

Покистон 1 доллар

Австралия 2,5 доллар

Америка 2,5 доллар

Канада 2,5 доллар

Германия 2,5 евро

Швеция 15 крон


Бельгия 1 евро

Швейцария 2 франк

Австрия 1 евро

Дания 15 крон

Ушбу сонда

- **Ал-Ваъй сўзи:** Исломдаги бошқарув низоми билан демократик бошқарув низоми ўртасидаги қарама-қаршилик 3
- **Ғарб урушлари:** бу урушлардан кўзланган мақсадлар ва уларга қарши курашиш йўли 10
- **Аллоҳ Таоло мусулмонларга Исломга асосланган сиёсий хизмлар ташкил қилини фарз қилган (2)..... 17**
- **Фитна тарқамаслиги учун ҳукмдорларга қарши чиқиб бўлмади, деган нарса адаштириш ва Аллоҳнинг динини ўзгартиришдир..... 29**
- **Катта бадр ғазоти «фонида» ғолиб кўшиннинг сифатлари 38**
- **Хизб ут-Таҳрир аъзоси Муҳаммад Муҳаззиб Ҳаффоф бугунги кундаги фидоий авлоднинг ёрқин намунасидир 54**
- **Олам мусулмонлари хабарлари 64**
- **Қуръони Карим суҳбатида 69**
- **Жаннат боғлари 76**
- **Уларнинг ҳидоятларига эргашинг:** Осим ибн Собит  79
- **Сўнги сўз:** Таймс: «Иккинчи араб баҳори» репрессия босқичига кириб, миллионлаб мигрантларни келтириб чиқаришидан олдин, Европа уни қўллаб-қувватлаши лозим 83
- **Эрдоган «миллий армия» жангчиларини ёлланма жангчи сифатида Ливияга жўнатиш орқали Сурияни яна бир бор улардан бўшатмоқда 84**

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

ИСЛОМДАГИ БОШҚАРУВ НИЗОМИ БИЛАН ДЕМОКРАТИК БОШҚАРУВ НИЗОМИ ЎРТАСИДАГИ ҚАРАМА-ҚАРШИЛИК

Демократик низом асосда ҳамда асосий ва иккинчи даражали масалаларда ислом низомига қарама-қаршидир. Айрим иккинчи даражали масалалардаги ўхшашлик бу иккисини қориштириб юбориш учун сабаб бўла олмайди. Чунки демократия куфр, Ислом эса имондир. Ислом давлати ўн уч асрдан кўпроқ вақт Ислом низомини татбиқ қилган бўлса, на демократия калимаси ва на унинг маъносини қўллаган.

Ислом низоми ҳаёт майдонида йўқ бўлиб қолгач, одамлар мустабид режимлар қаршисида демократик низомни кўришди. Табиийки, одамлар мустабидликдан кўра демократияни афзал деб билишади. Ҳолбуки, иккиси ҳам куфр низомидир. Биз демократияни инкор қилар эканмиз, бу – мустабидликни танлаймиз дегани эмас. Балки бу – меҳрибон ва раҳмли зот томонидан бутун оламга раҳмат бўлиши учун юборилган Исломни танлаймиз деганидир.

Исломда халифанинг сайлов ва байъат орқали танланиши... Демократияда ҳам ҳокимнинг сайлов орқали танланиши... Шунингдек, Исломда ҳам, демократияда ҳам халқ вакилларининг сайлов қутилари орқали танланиши... Исломда ҳам, демократияда ҳам шўронинг мавжудлиги... Исломда ҳам, демократияда ҳам ҳокимнинг халқ томонидан муҳосаба қилиниши каби иккинчи даражали масалалар одамларга тушунарсиз бўлиб келаётган масалалардир. Шунинг учун фикри саёз кишилар демократия Исломдан ёки Ислом демократиядир деб ўйлайдилар.

Қуйидаги икки низом ҳақидаги қисқача хулоса уларнинг ўртасидаги қарама-қаршиликни ойдинлаштириб беради:

1 – Демократик низомни одамлар ўйлаб топган, унда қонун чиқариш салоҳияти Аллоҳга эмас, балки инсонга берилган. Исломда эса бошқарув низоми Аллоҳдан ваҳий орқали келган ва қонун чиқариш фақат Яратувчи Аллоҳнинг ҳаққидир.

2 – Демократияда бошқарув низоми ёки республика низоми ёки киролик низоми бўлади. Унда кироликдан республикага ўтиши

ёки бунинг акси ҳам бўлиши мумкин. Айни пайтда Исломдаги бошқарув низоми Халифаликдир ва унда меросхўрлик йўқ. Шунингдек, унда Халифаликдан республика ёки қироликка ўтиб бўлмайди.

3 – Демократик бошқарув қуйидагиларга асосланади:

- а) Хўжайинлик халқники.
- б) Халқ салтанат манбаи.

Демократияда бошқарув жиҳози учта ҳокимиятдан ташкил топади ва улар қонунларни ишлаб чиқиб, ижро қилади.

- а) Ижро қилувчи ҳокимият;
- б) Қонун чиқарувчи ҳокимият (парламент);
- в) Суд ҳокимияти.

Уларга армия, давлат хавфсизлиги ва ички хавфсизлик ҳамда бошқа идоралар ёрдам беради.

Исломдаги бошқарув низоми эса қуйидагиларга асосланади:

- а) Хўжайинлик халқники эмас, балки шариатникидир;
- б) Салтанат халқники бўлиб, у шариатни татбиқ қиладиган ва ижро қиладиган кишиларни ўзидан вакил қилади.

Исломдаги бошқарув жиҳози қуйидагича:

- а) Халифа;
- б) Тафвиз муовини;
- в) Танфиз муовини;
- г) Жиҳод амири (у армия ҳамда ташқи ва ички ишлар ва саноатни бошқаради);
- е) Волийлар;
- ж) Суд;
- з) Давлат манфаатлари;
- и) Уммат мажлиси.

4 – Демократияда хўжайинлик халқники бўлгани учун у қонунларни ўзи чиқаради. Исломда эса, қонун чиқариш манбаи ёлғиз ваҳийдир. Шунингдек, халқ ўзига шариатни татбиқ қиладиган кишини ўзи танлайди.

5 – Демократия низомида суд фуқаролик суди бўлади, Исломда эса, суд шаръий суд бўлади.

6 – Демократия низомида ташқи сиёсат давлатлар ўртасидаги чегаралар ва регионал сувлар дахлсизлигига асосланади. Чунки демократия одамлар ўз тузумлари, қонунлари ва ҳокимларини танлашда эркин бўлишини муқаддас иш деб билади. Исломий бошқарув низомида эса ташқи сиёсат Исломни ёйишдаги жиҳодга боғлиқдир. Демак, у одамларни одамларга ибодат қилишдан

одамларнинг Роббисига ибодат қилишга олиб чиқиш учун моддий тўсик ва чегараларни парчалайди.

7 – Демократия низоми ажралиш ва давлатчаларга бўлиниш ёки мустақилликни муқаддас иш деб билади. Халифалик низоми эса, исломий юртлар ўртасидаги чегараларни ҳам, уларнинг бири-биридан мустақил бўлишини ҳам тан олмайди. Чунки Уммат, қўшин, байроқ ва молия биттадир... Демократик режимлар миллатчилик, иркчилик ва жоҳилият низоларини қўллаб-қувватлайди ва ривожлантиради.

8 – Исломий бошқарув низоми миллатчилик, иркчилик ва қабилачилик устидан назорат ўрнатиб, уларни Ислом қолипига солади.

9 – Демократия низомида ҳоким 4 йилдан 6 йилгача сайланади. Халифа эса, модомики тўғри йўлда ва ишларни амалга оширишга кодир экан, бир умрга сайланади.

10 – Демократияда ҳокимга қарши исён қилиш, намойиш ўтказиш ва итоат қилишдан бош тортиш мумкин. Исломда эса, фақат битта ҳолат, яъни халифа очик куфрга буюрсагина унга қарши чиқилади ва итоат қилишдан бош тортилади.

11 – Демократияда жамият хайрихоҳ ва муҳолафатга бўлинади. Исломда эса, жамият иккига бўлинмайди, балки халқ ёки Уммат кенгаши ҳокимни муҳосаба қилади. Агар ҳоким шаръан четлатилишга лойиқ бўлса, мазолим маҳкамаси уни кўриб чиқади. Сўнгра ё муҳосаба орқали унга итоат қилинади, ёки четлатилади.

12 – Демократия қобилияти ёки шахсий сифатлари ёки динидан қатъий назар ҳар бир шахсни ҳокимлик мансабига ўтириш учун беллашишига руҳсат беради. Ҳатто у артист бўлса ҳам фарқи йўқ. Ислом эса, ушбу мансабга ўз номзодини қўяётган шахс эркак, мусулмон, балоғатга етган, ақли расо (жинни эмас), хур (қул эмас), адолатли (фосиқ эмас) бўлишини шарт қилади. Бундан ташқари мужтаҳид бўлиши каби афзаллик шартлари ҳам бор.

13 – Демократия шўро эмас, демократия бошқарув тарикати бўлиб, унинг ўзига хос куллиёт ва жузъиётлари мавжуд. Демократия ҳаётнинг барча ишларини муайян дунёқараш асосида юргизади. Шунингдек, у шариатдан келиб чиқмаган ва шўро каби шаръий ҳукм эмас. Айни пайтда, Исломдаги шўро куллиёт ва жузъиётларга эга бошқарув низоми эмас. Балки у фақат фикр олиш бўлиб, айрим ҳолатларда уни олиш шарт бўлса, айрим ҳолатларда шарт эмас. Шўро демократия каби инсонлар ўйлаб топган нарса эмас, балки у шаръий ҳукмдир.

14 – Демократия ақидага, ҳазоратга ва шаръий ҳукмларга алоқадор фикрлар олинадиган асосга эътибор бермайди. Ислому эса, мусулмонларга Исломуни ақида, ҳазорат ва шаръий ҳукм учун асос сифатида ушлашни буюради. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَمَا آتَانِكُمُ الرَّسُولُ فَخُذُوهُ وَمَا نَهَاكُمْ عَنْهُ فَانْتَهُوا﴾

«Пайгамбар ўзи сизларга ато этган нарсани олинглар, у зот сизларни қайтарган нарсадан қайтинглар» [Ҳашр 7]

﴿يُرِيدُونَ أَن يُتَحَاكَمُوا إِلَى الظُّلُمَاتِ وَقَدْ أُمِرُوا أَن يَكْفُرُوا بِهِ﴾

«Улар шайтонга ҳукм сўраб боришни истайдилар. Ҳолбуки, уларга унга ишонмаслик буюрилган эди» [Нисо 60]

﴿فَلَا وَرَبِّكَ لَا يُؤْمِنُونَ حَتَّىٰ يُحَكِّمُوكَ فِيمَا شَجَرَ بَيْنَهُمْ﴾

«Йўқ, Парвардигорингизга қасамки, то улар ўз ўрталарида чиққан келишмовчиликларда сизни ҳакам қилмагунларича зинҳор мўмин бўла олмайдилар» [Нисо 65]

Росулуллоҳ ﷺ айтадилар:

«كُلُّ عَمَلٍ لَيْسَ عَلَيْهِ أَمْرُنَا فَهُوَ رَدٌّ»

«Биз унга буюрмаган ҳар бир амал рад этилади». Шунинг учун Ғарб фикрлари, унинг капиталистик ақидаси, ҳазорати ва дунёқарашини олиш ҳаромдир.

15 – Демократия динни давлатдан ва барча ҳаёт ишларидан ажратадиган капиталистик ақидадан келиб чиққан. Шунинг учун улар: «Подшоҳникини подшоҳга, Аллоҳникини Аллоҳга бер», дейишади. Айни пайтда Исломуий давлат дин билан давлат ва дин билан ҳаётнинг ўртасини ажратмайдиган исломий ақидага асосланади. Балки у ҳаёт ва давлатни Аллоҳнинг буйруқ ва қайтариқлари билан, бошқача айтганда шаръий ҳукмлар билан юргизишни вожиб қилади.

16 – Демократик низомда илмонийлик ҳукм суради, исломий бошқарув низомида эса, шариат ҳукм суради.

17 – Демократик ҳаёт соф фойдага асосланадиган ва моддий қийматдан бошқасига эътибор бермайдиган ҳазоратнинг маҳсулидир. Айни пайтда исломий ҳазорат Аллоҳга бўлган имон бўлмиш руҳий асосга қурилади. Шунингдек, у ҳаётдаги барча ишларга ҳалол ва ҳаромни ўлчов қилади.

18 – Демократлар бахт-саодат деганда ўткинчи жисмоний лаззатларга имкон қадар кўпроқ эришишни тушунишади. Мусулмонлар ва исломий ҳазорат эса, бахт-саодат деганда Аллоҳ Таолонинг розилигига етишни тушунишади.

19 – Демократияда бошқарув кўпчиликни, гарчи улар ботил устида бўлсалар ҳам. Кўпчилик деганда қуйидагилар тушунилади:

- а) Референдумдаги кўпчилик одамлар;
- б) Қонун лойиҳасини овозга қўйишда депутатларнинг кўпчилиги;
- в) Қонун лойиҳасини қабул қилиш ёки муайян сиёсатни ижро қилишда кўпчилик вазирлар;
- г) Касаба уюшмалари ёки жамиятларнинг кўпчилиги;
- д) Вазирликка ишонч билдирувчи ёки унга қарши кўпчилик;
- е) Парламент ва вазирликларнинг кўпчилик овоз билан қабул қилган барча қарорлари ижро қилинади.

Ваҳоланки, Исломда бошқарув шариатникидир, гарчи энг кичик сондаги озчилик у томонида бўлса ҳам. Буни қуйидаги шаклда баён қилиш мумкин:

- а) Шаръий ҳукми ижро ва татбиқ қилишда кўпчилик фикри олинмайди;
- б) Илм-фан, мутахассислик ва тажрибада кўпчилик фикри шарт эмас;
- в) Кўпчиликнинг фикри олинмаган ёлғиз ҳолат мавжуд бўлиб, у бир мубоҳ амални қилиш ёки қилмаслик ҳақида кўпчилик фикри олинади. Масалан, Пайғамбаримиз ﷺ Уҳуд ғазотида кофирларга йўлиқиш учун Мадинадан ташқарига чиқиш тўғрисидаги кўпчиликнинг фикрини олганлари каби.

20 – Демократия эркинликларни муқаддас деб билади. Ғарбнинг тушунчасига кўра, эркинликлар инсонни кулликдан озод қилиш эмас. Чунки қуллар мавжуд эмас. Уларнинг тушунчасига кўра, эркинлик мустамлакадан озод бўлиш ҳам эмас. Балки Ғарб ўзи халқларни мустамлака қилади. Бирор киши Ғарб эркинликлари мустамлакага қарши, деб ўйламайди. Улар эркинликларни қуйидагича тушунадилар:

Биринчи: эътиқод-ақида эркинлиги: инсон босим ва мажбурлашсиз хоҳлаган ақидани қабул қилиши мумкин. Шунингдек, янги ақида ва динни қабул қилиш учун ўз ақидаси ва динини тарк этиши мумкин. Уларнинг тушунчасига кўра, мусулмон насроний ёки яҳудийлик ёки бутпарастлик ёки коммунизмга эркин ўтиб кетиши мумкин.

Иккинчи: фикр эркинлиги: Демократияда шахс хоҳлаган фикрни ва раъйни кўтариши, айтиши ва унга чақирishi ҳамда хоҳлаган услубда уни изоҳлаши мумкин. На давлат ва на шахслар инсонни бундан қайтара олмайди. Балки уларни ҳимоя қиладиган қонунлар ишлаб чиқилади. Шунингдек, динга қарши ҳамда дин,

пайғамбарлар ва росулларга хужум қиладиган фикрлар ҳимоя қилинади. Бунга малъун Салмон Рушдий ва ундан бошқа Ислонни, Қуръон ҳамда Росулulloҳ ﷺни танқид қилган ғарбликларнинг ҳимояга олинганини мисол қилиш мумкин.

Учинчи: Мулк эркинлиги: У иқтисодда капиталистик низомни пайдо қилди. Ортдан одамларни мустамлака қилиш ва бойликларини талон-торож қилиш бошланди. Бу эркинлик инсонга ўғрилиқ, рибо, монополия, алдаш, қимор, тарозидан уриш, зино, лўттибозлик, танани сотиш, маст қилувчи ичимликларни ишлаб чиқариш ва уни сотиш орқали бойлик орттиришга рухсат беради.

Тўртинчи: Шахсий эркинлик: У демократик низомда барча чекловлардан эркин бўлиш деганидир. Яъни руҳий, ахлоқий ва инсоний қийматлардан озод бўлишдир. Бу эркинлик йигит ва қизларга барчанинг кўзи олдида, яширинми ёки ошкорами турли ахлоқсиз ишларни амалга оширишига рухсат беради. Жинсий бошбошдоқлик, маст қилувчи ичимликлар ичиш ва шахсий эркинликни ҳужжат қилиб ота-оналарига қарши чиқиш каби ишларга рухсат беради. Бугунги кунда улар орасида кенг тарқалаётган спид ва бошқа касалликлар ушбу эркинликнинг аччиқ меваларидир.

Ислому Ғарб тушунчасидаги эркинликларни ҳаром ва шариатга хилоф деб билади. Исломиёй тушунчада инсониятнинг қулликдан озод бўлишдан бошқа эркинлик йўқ. Қулдорлик эса, бугун мавжуд эмас. Шунинг учун бугун эркинлик Ғарбча эркинликдан бошқа нарсани англатмайди. Мусулмон киши эса, ўзининг Аллоҳ Таолога бўлган қуллигидан фахрланади ва бу мусулмоннинг энг афзал сифатларидандир. Исломда банда ўз маъбудининг буйруқларига тўла итоат қилади. Пайғамбаримиз ﷺ айтадилар:

«مَنْ بَدَّلَ دِينَهُ فَاقْتُلُوهُ»

«Ким ўз динини алмаштира, уни ўлдиришлар». Уларнинг эркинликлари ҳақидаги Исломининг позицияси шундан иборат:

Биринчи: ақида эркинлиги: мусулмон киши ёлғиз бўладими ёки жамоат бўлибми динини тарк этиб, бошқасини қабул қилиши жоиз эмас.

Иккинчи: фикр эркинлиги: Исломда фикр билдириш эркин эмас, балки шаръий ҳукмлар билан чекланган. Улар қуйидагича ифодаланади:

а) Ҳаром фикрлар: Улар ғийбат, бўҳтон, покиза аёлларга бўҳтон қилиш ва Ислонни таҳқирлаш каби ишлардир.

б) Фарз бўлган фикрлар: Улар маъруфга буюриш ва мункардан қайтариш ва ҳокимларни муҳосаба қилиш каби ишлардир.

в) Мубоҳ фикрлар бўлиб, уларни айтиш ёки айтмаслик ихтиёрийдир.

Учинчи: Мулк эркинлиги: Исломда мулкка эгалик қилиш шариат билан чекланган бўлиб, инсон хоҳлаганидек, ҳалол ёки ҳаром билан мулкка эгалик қилиши жоиз эмас. Балки эгалик қилишнинг шаръий сабабларини адо этиши шарт. Масалан меҳнат қилиш (тижорат, ишлаб чиқариш, зироат ва хизмат), мерос олиш, совға ва васият орқали мулкка эгалик қилади.

Тўртинчи: Шахсий эркинлик: Ислом шахсий эркинлик номли чегарадан чиқишни ҳаром қилади. Чунки шахс шахсий эркинликни ҳужжат қилиб, ўзига азоб бериши, ёки ўз жонига қасд қилиши, ёки зино қилиши, ёки лўттибозлик билан шуғулланиши мумкин эмас. Шунингдек, шахсий эркинликни ҳужжат қилиб, қариган ота-онасига нафақа беришдан қочиши ёки йигит-қизлар барчанинг кўз ўнгида турли ахлоқсиз ишларни қилиши мумкин эмас. Ислом йигитни катта кўчада қиз болага тегажоғлик қилиш ёки ҳурматини тўкадиган сўзларни гапиришдан қайтаради. Шунингдек, эркак ўз жуфтини одамлар кўз ўнгида ўпишига рухсат бермайди.

Ушбу қисқача тушунтиришдан кейин айтамызки, улар қайси демократия ҳақида гапирмоқдалар?! Шунча гап-сўздан кейин демократия Исломдан дейишлари ажабланарлидир. Ҳатто айримлари – демократия бизнинг йўқотган нарсамиз эди, у яна ўзимизга қайтди, деб айтмоқдалар! Бу – Аллоҳнинг динига қарши журъат ва ҳақни яширишдан бошқа нарсаси эмас. Аллоҳ ўз китобида нақадар тўғри сўзлагандир:

﴿وَمَنْ أَضَلُّ مِمَّنِ اتَّبَعَ هَوَاهُ بِغَيْرِ هُدًى مِّنَ اللَّهِ﴾

«Аллоҳ томонидан ҳидоятланмаган ҳолда ўз ҳавои нафсига эргашган кимсадан ҳам йўлдан озганроқ ким бор?! Албатта Аллоҳ бундай золим қавмни ҳидоят қилмас» [Қасос 50] □

ҒАРБ УРУШЛАРИ: БУ УРУШЛАРДАН КЎЗЛАНГАН МАҚСАДЛАР ВА УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ ЙЎЛИ

Сулаймон Муҳожирий – Яман

Бу саволга жавоб беришдан олдин, Аллоҳ Таоло:

﴿كُنْتُمْ خَيْرَ أُمَّةٍ أُخْرِجَتْ لِلنَّاسِ تَأْمُرُونَ بِالْمَعْرُوفِ وَتَنْهَوْنَ عَنِ الْمُنْكَرِ وَتُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ﴾

«Сизлар одамлар учун чиқарилган умматларнинг энг яхшиси бўлдингиз. Зеро, сизлар маъруфга буюриб, мункардан қайтарасизлар ва Аллоҳга имон келтирасизлар» [Оли Имрон 110]

деб сифатлаган Исломий Уммат билан капиталистик мабда етакчиси бўлган мустамлакачи кофир Ғарб ўртасидаги кураш воқесини англаш лозим. Шунда бугунги кураш коинот, инсон ва ҳаётнинг яратувчиси томонидан нозил бўлган Раббоний мабдани кўтарган Уммат билан инсонлар ўйлаб топган мабдани кўтарган халқ ўртасида бўлаётгани аён бўлади. Бошқача айтганда, кураш икки ҳазорат-дунёқараш, яъни исломий ҳазорат билан Ғарб ҳазорати ўртасида бўлаётгани аён бўлади. Кураш икки ҳазорат ўртасида бўлар экан, демак у аввало фикрий курашдир. У ҳаётнинг барча соҳалари; сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларини ўз ичига олади... Ҳар бир мабданинг татбиқ қилиниши кўзда тутилган фикрати ва шу фикратни татбиқ қилишда асос бўладиган тариқати мавжуддир.

Биз қатъий айта оламизки, капиталистик мабда кулаш арафасида. Чунки у башарият муаммоларини муолажа қилишда тўла муваффақиятсизликка учради. У Ислом билан фикрий ва ҳазорий курашга қодир эмас. Бугун капиталистик давлатлар қўлида барча моддий имкониятлар бўлишига қарамай, улар Исломни йўқ қила олмади. Чунки бугун Исломга қарши ёвуз урушлар давом этаётган бўлса-да, Ислом бутун оламда мавжуддир. Ислом уни қабул қилган халқлар қалбида тирик давом этмоқда. Холис ва онгли мусулмонлар уни рошид Халифалик давлатини тиклаш орқали оламшумул мабда шаклида ҳаётга қайтариш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Капиталистик мабда эса, мустабидликка ва мустамлакачиликка асосланган давлатлар орқали одамларга сиёсат юргизишда муваффақиятсизликка учради. Бунга сабаб – унинг суянган асоси, кўтарган фикрлари ва ҳаёт ҳақидаги тушунчаларининг хатолиги ҳамда янги муаммоларга тўғри ечим бера олмаслигидир. Ғарб юртларидаги ва исломий юртларидаги бир қатор муфаккир ва

сиёсатчилар буни тушуниб етишди. Улар бугун инсоният ҳаётнинг турли соҳаларида бошдан кечираётган муаммоларга капиталистик мабда татбиқ этилиши сабабчи эканини тушунишди.

Ҳа, ушбу мабда тарафдорлари, Ғарб давлатларидаги унинг бошқарувчилари, хусусан ушбу яроқсиз мабда билан бутун дунёга раҳнамолик қилаётган ва дунёда биринчи давлат ҳисобланган Америка, шунингдек, Европадаги сиёсатчилар одамларнинг Ислом сари интилаётганини тушуниб етишди. Улар Исломнинг ақлга асосланган, фитратга мос келадиган ва инсонлар яратувчиси томонидан ваҳий қилинган тўғри мабда эканини ҳам тушуниб етишди. Ғарб англаб етдики, Исломий Уммат уйғониш ҳолатида бўлиб, у Ислом асосидаги туб ўзгаришни истамоқда. Шунингдек, рошид Халифаликни барпо қилиш орқали исломий ҳаётни қайта тиклашни ўзининг тақдирий масаласи қилиб олган Ҳизб ут-Тахрир динни ҳокимиятга олиб келиш лозимлигини қандай тушунган бўлса, Исломий Уммат ҳам буни шундай тушуниб узоқ йиллардан бери бунга ҳаракат қилиб келмоқда. Буни англаб етиш Ғарбни исломий ҳаётнинг қайта тикланишига тўсиқ қўйиш, ўзгаришнинг олдини олиш ҳамда ўзгартиришга ҳаракат қилаётганлар йўналишини буриб юбориш учун олдиндан режалар ишлаб чиқишга мажбур қилди. Ушбу режаларини амалга ошириш учун турли восита ва услубларни ишга солди. Исломий юртлардаги бевосита урушлар ва Америка амалга ошираётган билвосита урушлар шулар жумласидандир. Улар бу урушлар орқали ўз манфаатларини рўёбга чиқариш, олам узра ҳукмронлик қилиш ва мусулмонларни фойдасиз нарсалар билан чалғитишга ҳаракат қилишмоқда. Америка бу урушларда мусулмонлардаги мавжуд жиҳод руҳидан фойдаланмоқда. У Афғонистонда ўз манфаатини рўёбга чиқариш ва Совет Иттифоқига зарба беришда ўша руҳдан фойдаланди. Америка бу ишларни оламда ягона ҳукмрон давлат бўлиш учун қилди ва шундай бўлди ҳам. Америка бошида Ал-Қоиданинг мавжуд бўлиб туришига сукут қилди, балки Саудия каби малай давлатларга уни қўллаб-қувватлашини буюрди. Аммо Ал-Қоиданинг ўзига қарши бўй чўза бошлаганини кўргач, Совет Иттифоқини Афғонистондан қувиб чиққанидан кейин унга қарши уруш бошлади. Америка элчихонасида бир неча портлашлар уюштирилди. 2001 йил 11 сентябрда Америкада портлашлар бўлди. Совет Иттифоқи парчаланиб, коммунистик ҳазорат қулагач, Ислом Американинг янги ҳазорий душманига айланди. Америка энди мусулмон юртларни қайта тақсимлашга киришди. Шунингдек, мусулмон юртлари узра ҳукмрон бўлиш ва уларни

битта исломий давлатда бирлаштирмаслик учун уларнинг ўртасида қонли тоифачилик чегараларини пайдо қилишга киришди.

Ушбу бевосита урушлардан бири Ироқ уруши бўлиб, у Британия ўз малайи Саддам Хусайнни Қувайтга киришга буюрганидан кейин бошланди. Америка фурсатдан фойдаланиб, бир неча давлатлар билан бирга Ироққа уруш бошлади. Айтиш мумкинки, Америка минтақани шерикларсиз ўзи танҳо мустамлака қилиш, уни ёлғиз ўзи тақсимлаш ва Исломнинг бошқарувга келишини олдини олиш мақсадида бу ишдан фойдаланди.

Кузатган кишига шу нарса аён бўладики, бирор ҳолат юз берса, ёки Исломга ва жиҳодга чақирадиган кўзғолон бўлса, исломий юртлардаги барча мусулмонлар Аллоҳнинг калимасини олий қилиш учун Ислом ва жиҳодга талпинадилар ва хайрихоҳлик киладилар. Натижада бир-бирини қўллаш учун намоишлар бошланади, бу йўлга инфоқ-эҳсонлар қилинади ҳамда ўша жойдаги биродарларига ёрдам бериш учун кўнгиллилар отланадилар... Чунки Исломнинг ҳаёт майдонига қайтиш умиди ҳар қандай ҳолатга қарамай, ортиб бормоқда.

Америка ва Ғарб иш борган сари кучайиб ва қийинлашиб бораётганини кўргач, оқибати ёмон бўлишидан кўрқиб, бошқа услубга кўчди. Америка етакчилигидаги мустамлакачи кофир Ғарб ҳақиқий мақсаддан чалғитиш учун адаштириш ва алдаш сиёсатини қўллай бошлади. Обама ҳукуматга келгач, оламни бошқаришда бевосита босиб олиш ва куч ишлатишга асосланган бир кутблик сиёсати режасидан қайтганини расман эълон қилди... Шунингдек, у малайларни ёллаш ва сотиб олиш, фитналар кўзғаш, нотинчликларни пайдо қилиш ва сохта кўзғолонларни уюштиришда разведка ишларига асосланган сиёсатни қўллашга ўтганини эълон қилди. Бошқача айтганда, Америка Исломга қарши курашда фақат услубни ўзгартирди, лекин у курашни тўхтатмади. Айни пайтда Америка қўллаётган услуб ва воситалар куйидагилардир:

Терроризмга қарши уруш

Ғарбнинг Исломий оламга нисбатан душманона позициясида туришини ҳар бир мусулмон ёрқин тушуниши керак. Айниқса, исломий юртларда Исломий Халифаликни тиклаш учун исломий ақида асосида ўзгартириш яшаш йўлида ҳаракат қилаётганлар бунга яхши тушуниши лозим. Ғарб айнан мана шундан кўрқмоқда. Шунинг учун Америка етакчилигидаги барча давлатлар турли услуб ва воситалар орқали ва шафқатсиз шаклда мана шу йўналишга зарба беришга киришишди. Ғарб Халифаликни тиклаш

учун бўладиган ҳар қандай Ислом асосидаги ўзгартириш муваффақиятга эришмаслиги учун террорга қарши оламшумул кураш номли нарсани ўйлаб топди. Аммо курашиш лозим бўлган террор саҳналари босиб олинган минтақалар ва Ғарб ўзи пайдо қилган низо ва нотинчлик марказларида сезиларли, таъсирли ва мунтазам шаклда ёйилмоқда ва ривожланмоқда. Бунга Афғонистон, Покистон, Ироқ, Миср, Тунис, Яман, Сурия ва Ливанни мисол қилса бўлади... Бошқача айтганда, Ғарбнинг режаси остига тушган жойлар ва Ғарб давлатлари нуфуз талашаётган минтақаларда террор амалиётлари кучайган. Демак, бу саҳналарнинг ривожланишига асосий сабаб ушбу давлатларнинг сиёсати ва режаларидир. Ғарб бу саҳналарни ўзи пайдо қилаётгани, режалаштираётгани, пул билан таъминлаётгани ва йўллаётганини айтмаса ҳам бўлади.

Ҳа, бугунги кунда қарши курашилаётгани фараз қилинаётган терроризм инсон эҳтиёжларини қондириш учун тўғри муолажа ва ечимлар бера олмаган омадсиз капиталистик мабда сиёсатининг натижасидир. Ғарб мусулмон юртларини босиб олиш учун минглаб километр масофани босиб ўтди, Халифалик давлатини қулатди. Мусулмон юртларни парчалади ва (Исроил)ни пайдо қилди. Шунингдек, Ғарб Уммат бойликларини талон-торож қилмоқда ва унинг тепасига зolim миршаб ҳокимларни тикламоқдаки, улар Умматга азоб бериб қийнамоқда. Шунинг учун Ғарбнинг ўзи жиноятчи ҳамда унинг ваҳший сиёсати халқаро жирканч террор рамзидир. Аммо ИШИД ва унинг вакиллари Халифалик номи остида қилаётган қотиллик, ўғирлаб кетиш, портлатиш, ўт қўйиш, кўчириб юбориш ва қувғин қилиш каби ишлар Исломни ёмон кўрсатиш ва таҳқирлаш учун қилинмоқда. Бу ишлар Ғарб сиёсати фойдасига хизмат қилади. Ғарб улардан одамлар олдида ўзининг жирканч сиёсатини оқлашда ҳамда мусулмонларнинг ишларига аралашини ва ҳукмронлик қилишини танқид қилаётган овозларни ўчиришда фойдаланмоқда. Шунингдек, улардан Халифаликка чақираётганларни жиноятчига чиқариш ва уларни ҳаддидан ошган қилиб кўрсатиш учун халқаро ва маҳаллий қонунлар ишлаб чиқишда фойдаланмоқда.

Обама даври, яъни мусулмон юртларда режимларни қулатишни талаб қилиб чиққан кўзғолонлар бошланган даврда Америка ва Ғарб давлатлари Умматнинг улар пайдо қилган режимларни қулатиб, ўрнига Халифалик тиклашни истаётганини кўрди. Шунинг учун улар бу кўзғолонларга мана шу асос, яъни Буш даврида қўллаган (террорга қарши уруш) номи остида муносабат

билдиришди. Бундай ҳазоратлар кураши айниқса Сурияда яққол кўринди. Зеро, у ерда мусулмонларда фақат Халифалик давлатини тиклашни истайдиган йўналиш пайдо бўлди.

Шунинг учун Америка етакчилигидаги барча олам давлатлари мана шу йўналишга шафқатсиз зарба беришга келишишди. Улар бу ишни ҳар қандай инсоний ва ахлоқий қийматлар ҳамда ҳар қандай мантиқдан ҳоли ҳайвоний ва жинояткорона шаклда амалга оширмоқда. Ғарб ҳақида қайси мантиқни гапириш мумкин, зеро Ғарб ўз халқининг қотили Башар Асадни қўллаб-қувватлаётган ҳамда уни қулашини олдини олаётган ва ҳокимиятда қолишини хоҳлаётган бўлса. Уларнинг қайси бирини террорчи деб атаймиз? Режимни ўзгартиришни талаб қилиб, кўзғолонга чиққан Сурия халқиними? Ёки уларга кимёвий бомбаларни ташлаётган Башарними? Сизларга нима бўлди?! Қандай ҳукм чиқармоқдасизлар-а?! Бу нарса Ғарб ҳазоратининг қулагани ҳамда фикрий ва ҳазорий жиҳатдан банкрот бўлганини кўрсатмоқда. Шундай экан, Ғарб мусулмонлар ва уларнинг динига нисбатан амалга ошираётган жиноятлари орқали мусулмонларни бўйсундира оладими? Йўқ албатта, Ғарб бу ишни олдин ҳам қила олмаган, Аллоҳнинг изни билан келажақда ҳам қила олмайди. Чунки бу Уммат тирик, унинг дини ҳам тирик. Зарбалар эса, уни кучайтиради ва қувватини оширади. Ғарбнинг муваффақиятсиз ҳаракатлари Умматни ўзгартиришга бўлган истагини оширади ва Ғарбнинг қулашини тезлаштиради.

Сиёсий музокаралар ва жиловлаш сиёсати

Бу ишлар араб баҳори кўзғолонлари бошланганда кўзга яққол ташланди. Зеро, бу кўзғолонлар барчани саросимага солиб қўйди ва ишларни остин-устин қилиб юборди. Шунингдек, улар Ғарбни у ўзи истамайдиган ечимларни қабул қилишига мажбурлади. Ғарб узоқ вақтлар қурган биносини бузишга мажбур бўлди. Натижада мустамлакачи кофир Ғарб ўзи, мабдаси ва манфаатларини ҳимоя қила бошлади. Тунис ва Мисрда бўлгани каби кўзғолонларни жиловлаш ҳамда малайлари ва сиёсий воситалари орқали кўзғолонларни ўз йўлидан буриш учун фитналар ўйлаб топди. Баъзида Ливияда бўлганидек, ҳарбий аралашув ва товламачилик сиёсати орқали, баъзида Яманда бўлганидек музокаралар, ташаббуслар ва конференциялар орқали, баъзида эса Сурияда бўлгани каби ишни жиноят ва макрга тўла ҳарбий ечим билан ечиш учун қотил БААС партиясига яшил чирокни ёқиш орқали мазкур ишларни амалга оширди.

Ғарбнинг Исломга қарши медиа ва психологик уруши

Бу уруш ҳамон давом этмоқда ҳамда у ҳақида китоб ва мақолалар ёзилмоқда. Шунингдек, тадқиқот марказлари ишламоқда ҳамда ўз фаолиятини давом эттирмоқда. Бу урушдан мақсад одамларга мағлубиятни тан олдириш ва уларни ноумид қилишдир. Қуйида шу ҳақда мисоллар келтирамиз:

Мисол учун, Фрэнсис Фукуяманинг «Тарих якуни ва охириги инсон» китобининг кенг тарқатилиши. Шунингдек, ушбу тил бириктирувларга яна бир далил мағлубиятни тан олдириш учун китоблар ёзилмоқда, тадқиқотлар олиб борилмоқда, конференция ва форумлар ўтказилмоқда ва чексиз мақолалар ёзилмоқда. Буларнинг барчаси ушбу адаштирувчилар таъбирига кўра, Ислом ва исломчиларнинг муваффақиятсизликка юз тутгани ҳамда илмонийлик альтернатив экани борасида бўлмоқда. РАНД ва бошқа муассасалар каби машҳур тадқиқот марказлари ҳамда араб тилидаги тадқиқот марказларида ва матбуотда ишлайдиган журналистлар ва тадқиқотчилар бу ишни янада ривожлантирмоқда... Уларнинг барчаси шу борада китоб ёзмоқда, мақолалар чоп қилмоқда ва изланишлар олиб бормоқда. Шунинг ҳам унутмаслик лозимки, бу каби чалғитиш ва адаштиришлар аксар араб юртларида ва Индонезия, Малайзия, Покистон, Туркия ва Эрон каби исломий юртларда жиддий ва кенг тарзда амалга оширилмоқда.

Бу каби ҳарбий, фикрий, иқтисодий ва бошқа турдаги урушлар ҳамда Америка етакчилигидаги мустамлакачи кофир Ғарб ва уларнинг жиноятчи хоин ҳокимлардан иборат малайлари қўллаётган жирканч услуб ва воситалар, буларнинг барчасидан мақсад сиёсий Ислом ва унинг йўлида ихлос ва жидди-жаҳд билан фаолият қилаётганларга қарши курашдир.

Албатта Исломга қарши кураш оламшумул тарзда бўлмоқда ва уни мутахассислар олиб бормоқда. Шунинг учун унга қарши курашда имкониятдаги барча кучни сарфлаш лозимдир. Бу эса, ушбу урушнинг барча жабҳалари ва режаларини мусулмонларга фош қилиш орқали бўлади.

Тўғри, Ғарб ҳарбий ва моддий урушда малакаси баланд, лекин фикрий ва ҳазорий курашда Ислом устунлик қилади. Ғарб қуламоқда ва банкрот бўлмоқда. Кимки Ғарб ғалаба қозонди деб гумон қилса хато қилади, чунки Ғарб фақат Ислом ғалабасини кечиктирмоқда. Фикрий ва ҳазорий кураш ушбу буюк дин фойдасига ҳал бўлмагунича Ғарбнинг ҳарбий кураши тўхтамайди. Шунинг учун Ғарб Ислом ва мусулмонларга қарши ҳужум қилар экан, у ўз ҳазоратининг қулашидан кўрқиб ва заифлик

позициясидан туриб ҳужум қилади. Агар у ҳақиқатларни сохталаштириш ва ўзини ғолиб деб тасвирлашга ҳаракат қилса, мусулмонлар унга ишониши хатарли ишдир.

Демак, Ғарб ва мусулмонлар ўртасидаги уруш уларнинг исломий лойиҳалари яъни Халифаликни тиклаш борасида кечади.

Шунинг учун Ғарб Халифалик тикланишини олдини олиш учун амалга ошираётган жиддий ва жинояткорона ҳаракатидан мақсад аввало Халифаликни тиклаш учун фаолият олиб бораётганларни йўқ қилишдир. Айниқса, мана шу мақсад учун ҳаракат қилаётган Ҳизб ут-Таҳрирни йўқ қилишдир. Бунга қарши ўлароқ Ҳизб ушбу қарши курашга етакчилик қилиши ва шу йўлда Умматни етаклаши лозим. Чунки Халифаликни тиклаш лойиҳаси Ҳизбнинг ҳал қилувчи лойиҳаси бўлиб, Аллоҳ Таоло шу туфайли уни афзал ва ҳурматли қилиб қўйгандир. □

АЛЛОҲ ТАОЛО МУСУЛМОНЛАРГА ИСЛОМГА АСОСЛАНГАН СИЁСИЙ ҲИЗБЛАР ТАШКИЛ ҚИЛИШНИ ФАРЗ ҚИЛГАН (2)

Сулаймон Муҳожирий – Яман

Ал-Ваъйнинг аввалги сонидида Исломга асосланган сиёсий ҳизблар ташкил қилиш фарзлиги тўғрисида Аллоҳнинг Китобидан далиллар келтириб ўтган эдик. Ушбу сонда эса, Росулulloҳ ﷺ саҳобаи киромларидан ташкил топган уюшма орқали ўша оятни қандай татбиқ қилганлиги тўғрисида мисоллар келтириш билан ҳамда Ҳизб ут-Таҳрирнинг Ислом давлатини барпо қилиш фаолиятида Пайғамбар ﷺ тариқатига эргашганини ёритиш билан мавзуга яқун ясаймиз.

Росулulloҳ ﷺга Пайғамбарлик бошланиб, вазифа юкланиши биланоқ Аллоҳ Таолодан одамларни огоҳ этишга буйруқ келди:

﴿قُمْ فَأَنْذِرْ﴾

«**Туринг, огоҳлантинг**»

[Муддассир 2]

Аммо бундай огоҳлантирган киши рад қилиш, инкор этиш ва бўйин товлаш каби қаршиликларга учраши муқаррар. Шунинг учун

﴿وَلِرَبِّكَ فَاصْبِرْ﴾

«**Роббингиз учун сабр қилинг**»

[Муддассир 7]

деди. Яъни, уларнинг озорларига ёлғиз Роббингиз Азза ва Жалланинг ризоси учун сабр қилинг. Амалда шундай бўлди ҳам. Зеро, Росулulloҳ ﷺ Парвардигори йўлига даъват қилиб, огоҳлантирдилар. Бунга эса, тўсқинлик қилиш, қаршилик кўрсатиш, рад этиш ва бўйин товлаш каби реакция билдирилди. Сўнг у зотдан сабр қилиш талаб қилинди.

Кейин Қуръони Карим Қурайш зодагонларидан бири – лаънатуллоҳи алайҳи – Валид ибн Муғйра Махзумийнинг Росулulloҳ ﷺга қилган қаршилиги ва даъватларига нисбатан позициясини зикр қилиб, бундай деди:

﴿ذَرْنِي وَمَنْ خَلَقْتُ وَحِيدًا ﴿۱﴾ وَجَعَلْتُ لَهُ مَالًا مَمْدُودًا ﴿۲﴾ وَبَيْنَ يَدَيْهِ شُهُودًا ﴿۳﴾ وَمَهَّدْتُ لَهُ وَ تَمْهِيدًا ﴿۴﴾ ثُمَّ يَطْمَعُ أَنْ أَزِيدَ ﴿۵﴾ كَلَّا إِنَّهُ كَانَ لِآيَاتِنَا عَنِيدًا ﴿۶﴾ سَأَرْهُقُهُ صُعُودًا ﴿۷﴾ إِنَّهُ فَكَّرَ وَقَدَّرَ ﴿۸﴾ فَقَتِلَ كَيْفَ قَدَّرَ ﴿۹﴾ ثُمَّ قَتِلَ كَيْفَ قَدَّرَ ﴿۱۰﴾ ثُمَّ نَظَرَ ﴿۱۱﴾ ثُمَّ عَبَسَ وَبَسَرَ ﴿۱۲﴾ ثُمَّ أَدْبَرَ وَاسْتَكْبَرَ ﴿۱۳﴾ فَكَالَ إِنَّ هَذَا إِلَّا سِحْرٌ يُؤْتَرُ ﴿۱۴﴾ إِنَّ هَذَا إِلَّا قَوْلُ الْبَشَرِ ﴿۱۵﴾ سَأُصْلِيهِ سَقَرَ ﴿۱۶﴾ وَمَا أَدْرَاكَ مَا سَقَرٌ ﴿۱۷﴾ لَا تُبْقَى وَلَا تُدْرِكُ﴾

«(Эй Муҳаммад), Мен сўққабош ҳолида яратганим кимсани Ўзимга қўйиб беринг! Мен унга кенг-мўл мол-давлат ва (доимо ёнида) ҳозир у нозир ўгилларни (ато) қилдим. Яна унга (ҳаётнинг барча неъматларини) қулай-осон қилиб қўйдим. Сўнгра у яна зиёда қилишимни тамаъ қиляпти. Йўқ, (унинг тамаъси беҳудадир)! Чунки у Бизнинг оятларимизга қаршилик қилгувчидир. Яқинда Мен уни бир харсанг тошга (яъни ўтиб бўлмас тўсиққа) дучор қилажакман! Чунки у (Қуръонни эшитгач, бу илоҳий Китобга қандай тухмат қилиш тўғрисида) ўйлади, режа тузди. Ҳалок қилингур, қандай режа тузди-я?! Яна ҳалок қилингур, қандай режа тузди-я?! Сўнгра у (ўйлаган режаларига) қаради. Сўнгра (Қуръондан бирон айб топа олмагач, пешонасини) тириштирди ва (афтини) буриштирди. Сўнгра (Ҳақдан) юз ўгирди ва кибр-ҳаво қилди. Бас, у: «бу (Қуръон Аллоҳнинг сўзи эмас, балки) фақат (аввалгилардан нақл қилинаётган) бир сеҳрдир, бу фақат башарнинг сўзидир», деди. Яқинда Мен уни Сақарга (жаҳаннамга) киритажакман! (Эй Муҳаммад), Сақарнинг нима эканлигини сиз қаердан ҳам билар эдингиз. У (бирон кофирни) қолдирмас-қўймас (балки куйдириб ҳалок қилур)!» [Муддассир 11-28]

Ушбу оятлар Қуръони Каримда илк нозил бўлган оятлардан саналади ва уларда кофирларнинг ушбу даъватга қилган илк қаршиликлари тасвирланган. Қаршилик эса, Қурайшнинг энг юқори мартабадаги зодагонлари (Абу Жаҳл ва Валид ибн Муғира)дан бошланган. Кейин воқеа-ҳодисалар содир бўлишда ва оятлар Росулulloҳ ﷺга бўлган қаршиликларни ҳикоя қилишда давом этди. Росулulloҳ ўзига эргашган мўминлар билан биргаликда аниқ ишонч-билим билан ҳаракат қилдилар. Аллоҳ Таолонинг ўзи Росулulloҳнинг Маккада ваҳи илми билан ҳаракат қилганларини, яъни даъватни ўзлари томонидан бир услуб сифатида эмас, ваҳи асосида қилганларини тасдиқламоқда. Бундан англашилмоқдаки, даъват Росулulloҳ ﷺ билан бирга ул зотга эргашган кишиларни бирлаштирган. Чунки Росулulloҳ ﷺга эргашганлар Аллоҳга даъват қилиш йўлида ул зот билан бир уюшмада бирлашдилар. Бу Аллоҳ Таолонинг ушбу каломида яққол кўриниб турибди:

﴿قُلْ هَذِهِ سَبِيلِي أَدْعُو إِلَى اللَّهِ عَلَىٰ بَصِيرَةٍ أَنَا وَمَنِ اتَّبَعَنِي ۖ وَسُبْحَانَ اللَّهِ وَمَا أَنَا مِنَ الْمُشْرِكِينَ﴾

«Айтинг: «Менинг йўлим шудир. Мен Аллоҳга даъват қиламан. Мен ва менга эргашган кишилар аниқ ҳужжатга-ишончга эгамиз. (Ҳар қандай шерикдан) Аллоҳни поклайман. (Зеро) мен мушриклардан эмасман»» [Юсуф 108]

Таъкидлаш жоизки, Росулulloҳ ﷺнинг сийратлари ҳам бизга (Хадича бинти Хувайлид, Абу Бакр, Усмон, Али, Зайд ибн Ҳориса, Зубайр, Абдурроҳман ибн Авф, Саъд ибн Абу Ваққос ва Утба ибн Ғазвон) каби биринчи имон келтирганлар ҳақида ҳикоя қилган. Ушбу сийрат яна шуларни ҳам айтиб бермоқдаки, Росулulloҳ ﷺга имон келтирганлар ҳам ул зот яшаган қайноқ даъват муҳотида у зот билан бирга яшаганлар ва улар битта ҳолатни гавдалантирганлар. Бу ҳолат биринчи ва иккинчи босқичга бўлинади. Биринчи сакофатлаш босқичи. Унда Росулulloҳ ﷺ шундай бир мўминлар уюшмасини тузадиларки, улар чуқур ва ёрқин имонлари, тоза диллари, Аллоҳга итоатда яшашга нафсларини чиниқтиришлари, ўзларидаги ушбу эзгуликни бошқаларга ҳам илинишлари ва даъватни очиқ қилган пайтда учрайдиган озорларга сабр қилишлари билан ҳаммадан ажраб турдилар. Даъватнинг иккинчи босқичида ушбу уюшма даъватни очиқ қилди, қаршиликка учради ҳамда озорлар, ёлғонга чиқаришлар, қийноқлар ва бадном қилишлар...га сабр қилди. Бу саҳобаи киромлар Росулulloҳ ﷺнинг уюшмаси ва Ҳизби бўлди. Улар Росулulloҳ билан бир ғамда бўлдилар, уларни бир ҳизб бирлаштирди, ҳаммалари кофирларга бир бўлиб қарши турдилар. Кофирлар ҳам уларга битта назарда, Муҳаммад ва у билан бўлган мўминлар, деган назарда қарашди. Бизга сийратда нақл қилинишича, кофирлар Росулulloҳ ﷺга даъватни кўйиб, ундан воз кечишга мажбурлаш учун қаттиқ босим қилишган. Бироқ ул зот қаттиқ туриб, Аллоҳ буюрган ишдан қилча оғишмай, кофирларни турли куфр ақидалари, ботил фикрлари, хато тушунчалари ва аждодларидан қолган одатларига биринчи бўлиб қарши чиқдилар, бу нарсаларнинг сохталигини фош этиб, уларга қарши курашдилар. У зот одамлар устидан ҳукмронлик қилаётган ва уларни куфр ақидаларига амал қилишга мажбурлаётган кимсаларга қарши турдилар. Дарҳақиқат, Росулulloҳ ﷺ ишнинг бошланишида Аллоҳ Таолонинг

﴿قُمْ فَأَنْذِرْ﴾

«Туринг, одамларни огоҳлантиринг» [Муддассир 2]
деган амирига бўйсунган ҳолда, одамларни бирма-бир уйларини айландилар. Уларга ўзининг динини таклиф қилар ва шу дин

асосида ул зотнинг атрофига яширинча (масалан, дараларда, бир-бирларининг уйларида ва Арқам ибн Абу Арқам ҳовлисида) уюшар эдилар. Росули акрам шу зайл уч йил мусулмонларга сақофат беришда давом этдилар. Намоз ўқиш ва тиловат қилиш билан уларда руҳий-маънавийликни кўзгадилар. Аллоҳнинг оятлари тўғрисида фикрлаш ва махлуқотлари ҳақида мулоҳаза қилишга ундадилар. Ақллари Қуръон маънолари ва сўзлари, Ислом тушунчалари ва фикрлари билан бойитдилар. Озорларга сабр қилишга ўргатиб, тоат ва бўйсунушга чиниктирдилар... ва ниҳоят уюшмадаги мўминлар ҳар нарсадан олий ва ҳар ишга қодир Аллоҳга холис бандаларга айландилар.

Набий ﷺ ва ул зот билан бўлган мўминлар шу йўсинда Арқам ибн Абу Арқам ҳовлисида яширин даъват қилаётган бир пайтда,

﴿فَأَصْدَعُ بِمَا تُؤْمَرُ وَأَعْرِضُ عَنِ الْمُشْرِكِينَ﴾

«Бас, сиз ўзингизга буюрилган ишни (яъни, Ҳақ динга даъват қилишни) ошкор қилинг ва мушриклардан юз ўгиринг!» [Ҳижр 94] ояти нозил бўлди. Росулulloҳ ﷺ пайғамбар бўлган кундан бошлаб, даъватни ошкор қилиш ҳақидаги ушбу буйруқ келгунга қадар мўминлар сони қириқтадан ошди. Улар Росулulloҳ ﷺга имон келтирдилар, ёнларидан айрилмадилар ва даъватни биргаликда етказдилар. Даъватни ошкор қилиш ҳақидаги ушбу оят нозил бўлганда саҳобаи киромлар сақофатда пишиб етилиб, уч йил ичида ақлиялари исломий ақлияга, нафслари исломий нафсияга айланиб бўлди. Уларнинг Аллоҳ билан бўлган алоқалари амалларида очиқ намоён бўлди ва бундан Росули акрамнинг кўнгиллари тўлиб кўп хурсанд бўлдилар. Чунки мусулмонлар уюшмаси кучли ва бутун жамиятга қарши тура оладиган уюшмага айланди, шу боис, Росулulloҳ Аллоҳ буюрган пайтда уни ошкор қилдилар.

Шунингдек, ушбу оят Маккадаги одамлар янги даъватни ҳис этганларидан ва мўминларнинг борлигини билганларидан сўнг нозил бўлди. Қаерда тўпланишаётганини ва кимлардан иборатлигини билишмаса-да, аммо даъват ва мўминларни сезиб-ҳис қилишганди. Бироқ Ҳамза ибн Абдулмутталиб Исломга кириб, уч кундан сўнг Умар ибн Ҳаттоб Исломни қабул қилгач эса, мусулмонлар билаги кучга тўлди ва Росулulloҳ ﷺга ушбу ошкор айтиш ояти нозил бўлди. Росулulloҳ ﷺ Аллоҳнинг амрини очиқ қилдилар ва уюшманинг фаолиятини ҳамма одамларга ошкор этдилар. Шу билан Росулulloҳ ﷺ асҳоблари билан махфийлик босқичидан, ошкоралик босқичига кўчдилар. У зот даъватни қабул

қилишга тайёр, деб ҳисобланган одамлар билан бошланиш давридан, барча одамларга хитоб қилиш даврига ўтдилар. Шу билан жамиятда имон билан куфр ўртасида тўқнашув, соғлом фикрлар билан бузуқ фикрлар ўртасида жанг бошланди. Таъсир ўтказиш ва курашиш босқичи бошланди. Кофирлар даъватга қарши чиқиб, Росулulloҳ ﷺ билан барча асҳобларига турли азоблар беришни бошлашди. Мусулмонлар таҳдидларга учраб, озор-азиятлар чекар эдилар. Ҳар бир қабила ўзидаги мусулмонни топиб, қийноққа солиб, динидан қайтаришга уринди. Аммо мусулмонлар Аллоҳ Таолонинг ризосини умид қилиб, бу каби азоб-укубатларга сабр қилдилар. Кофирлар ушбу даъватнинг ўзларига не чоғли хавfli эканини сезиб, Росулulloҳ ﷺга қарши чиқиш, ул зотни душман деб билиш ва ул зотга қарши курашишга иттифоқ қилишди. Кураш бошида Росули акрам ﷺни обрўсизлантириш ва даъво қилаётган пайғамбарлигини ёлғонга чиқариш билан курашиш керак, деб ҳисоблашди. Ул зотни ва даъватларини мазаҳ қилишадиган бўлишди, кўп вақт кишининг асабига тегадиган қилиқлар қилишди... Бироқ бу Росули акрам ﷺни даъватдан воз кечтиролмади, аксинча, ул зот одамларни Аллоҳнинг динига чақиришни тўхтатмадилар. Бутларни айблаб, маломатладилар, шу бутларга сиғинаётган ақлларнинг аҳмоқлигини, уларни улуғлаётган хаёлларнинг пуч эканини очиқ айтдилар. Бу иш кофирларни қийнаб юборди, ул зотни даъватидан қайтариш учун ҳамма услубларни қўллашди, лекин фойда бермади. Улар ушбу даъватга қарши қўллаган услуб-воситалар, асосан, учта бўлди: қийноққа солиш, ички ва ташқи қарши ташвиқот ва бойкот қилиб, дараларда оч кўйиш. Бироқ Росулulloҳ ﷺ уларга ҳужум қилиш, хато фикрларига қарши курашиш ва бузуқ ақидаларини вайрон этишни тўхтатмай, даъватни ёйиш йўлида жиход қилавердилар. Қурайшдан турли озорларга учрашларига қарамай, Исломга очиқ даъват қилар, улар билан келишмас ва уларга ялтоқлик қилмас эдилар. Ўзлари эса, ёлғиз эдилар, на курол-яроғи бор эди, на қўлловчи-ёрдамчиси ва на тайёргарлик. Аммо шунга қарамай, даъватни очиқ-ойдин ва курашчанлик билан етказдилар, Аллоҳнинг динига шу қадар куч билан ва имон билан чақирардиларки, бу имон даъват вазифаларини бажаролмай ёки унинг оғир юқларини кўтаролмай қолиш мумкин, деган бирор заифлик ораламаган имон эди. Шунинг учун, мана шуларнинг барчаси Қурайшнинг Росулulloҳ ﷺнинг олдига қўйган машаққат деворларини енгиб-ошиб ўтишларида катта роль ўйнади ва ул зот одамларга чиқиб, уларга даъватни етказишга қодир бўлдилар.

Натижада, одамлар ҳам Аллоҳнинг динига иқбол қилдилар ва Ислом нури кундан-кунга араблар орасига зиё сочаверди.

Росулуллоҳ ﷺнинг Маккада даъватни кенг ёйишлари, Қурайшнинг ул зот ва асҳобларига озорларни кучайтириши ортидан мусулмонларга дунё тор бўлиб кетди. Ана шунда ул зот Тоифга чиқдилар ва у ердаги Сақиф қабиласидан нусрат-ёрдам сўрадилар, Исломни қабул қилишларига умид қилдилар. Лекин сақифликлар ул зотни жуда ёмон қарши олишди... Росулуллоҳ ﷺ қаттиқ қийналиб, қўлларини самога чўздилар ва Аллоҳга шикоят қилдилар... Бу шикоят Аллоҳга чексиз равишда интилиниб, розилигини қаттиқ талаб қилинаётган ҳамда азоб-уқубатлар қаттиқ келаётган бир ҳолатда бўлди. Росулуллоҳ ﷺ Роббисига бундай дуо қилдилар:

«اللَّهُمَّ إِلَيْكَ أَشْكُو ضَعْفَ قُوَّتِي وَفَلَّةَ حِيلَتِي وَهَوَايَ عَلَى النَّاسِ، يَا أَرْحَمَ الرَّاحِمِينَ، أَنْتَ رَبُّ الْمُسْتَضْعِفِينَ وَأَنْتَ رَبِّي، إِلَى مَنْ تَكَلَّمْتُ، إِلَى بَعِيدٍ يَتَجَهَّمُنِي، أَمْ إِلَى عَدُوِّ مَلَكَتُهُ أَمْرِي، إِنْ لَمْ يَكُنْ بِكَ عَلَيَّ غَضَبٌ فَلَا أَبَالِي، وَلَكِنَّ عَافِيَتَكَ هِيَ أَوْسَعُ لِي. أَعُوذُ بِنُورِ وَجْهِكَ الَّذِي أَشْرَقَتْ لَهُ الظُّلُمَاتُ، وَصَلَحَ عَلَيْهِ أَمْرُ الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ، مِنْ أَنْ تَنْزِلَ بِي غَضَبَكَ، أَوْ يَحُلَّ عَلَيَّ سَخَطُكَ، لَكَ الْعُتْبَى حَتَّى تَرْضَى، وَلَا حَوْلَ وَلَا قُوَّةَ إِلَّا بِكَ»

«Эй Аллоҳим! Ўзингга қувватим заифлигидан, чорам озлигидан, одамлар олдида ожизлигимдан шикоят қилурман! Эй раҳмлиларнинг раҳмиси, Сен заифҳолларнинг Парвардигорисан! Сен Парвардигоримсан! Мени кимларга топшириб қўйдинг?! Мени ёқтирмайдиган нотанишларгами?! Ёки ишимни душманга топширдингми?! Агар менга ғазаб қилмаган бўлсанг, буларга эътибор бермайман! Фақат Сенинг офиятнинг мен учун кенгдир. Еру осмонлар зиё таратишига, зулматлар ёришишига, дунё ва охираат ишлари ислоҳ бўлишига сабаб бўладиган юзинг нури ила, менга ғазабинг нозил бўлишидан ва қаҳринг тушишидан паноҳ тилайман. Токи рози бўлгунингча узримни айтаман. Фақат Аллоҳдагина имкон ва қувват бордир».

Кейин Росулуллоҳ ﷺ Мутъим ибн Адий химоясида Маккага қайтдилар. Қурайш Муҳаммад ﷺ билан Тоифда бўлган воқеани билди, билгани учун ҳам озорни кучайтириб, одамларга ул зотга кулоқ солишни тақиқлади. Аммо бу ҳам ул зотни даъватдан қайтаролмади, балки ҳаж мавсумларида ўзларини араб қабиаларига рўпара қилиб, химояга олишларини тақлиф

қилдилар, Исломни қабул қилишга чақирдилар. Ўзларининг Аллоҳ томонидан юборилган росул эканликларини хабар қилдилар ва буни тасдиқлашларини сўрадилар. Шундай қилиб, Макка ҳам Исломдан юз ўгирди, Тоиф ҳам Росулulloҳ ﷺ дан юз бурди. Қабилалар ул зотнинг даъватини рад қилишди. Маккага ҳаж қилиш учун келган қабилалар Муҳаммад ﷺ ва асҳобларининг нақадар ёлғиз эканликларини кўришгач, улар ҳам ёрдам беришдан бош тортишди. Қурайшнинг Росулulloҳга ҳар томондан душманлик қилаётганини кўрган қабилалар ул зотнинг душманига, душманининг дўстига айланишди. Макка жамиятининг куфрда, саркашликда жуда қаттиқ экани аён бўлди ва бу нарса қабилаларга нисбатан умидни заифлаштирди. Буларнинг барчасидан аён бўлмоқдаки, Росулulloҳ ﷺ Маккада қатор икки босқични босиб ўтдилар:

Таълим ва сақофат бериш, фикрий ва руҳий тайёрлаш босқичи. Бу босқичда Ислом фикрлари тушунилиб, у шахсларда гавдаланади ва шахслар шу фикрлар атрофида уюшади. Яъни, бу даъватдаги яширин уюшиш босқичидир.

Даъватни ёйиш ва курашиш босқичи. Бу босқичда Ислом фикрлари нуфузли бир кудрат эгаларига етказилиб, айтиш фикрларни ҳаётда татбиқ этишга уларни ундалади.

Ҳа, Росулulloҳ ﷺ ушбу икки босқичда ҳам муваффақият қозондилар. Зеро, ул зот билан келажакда йўлиқиладиган қаршиликлар, ёлғончига чиқаришлар, қийноқлар ва қувиб чиқаришларга бардош беришга қодир, сабрли, пишиб етилган уюшма юзага келди. Сўнг Росули ақрам ﷺ иккинчи босқичга ўтиб, Аллоҳнинг амрини ошқор этгач, уларни барча қаршиликлар олдида собит турувчи уюшмага айлантира олдилар. Ҳатто Росулulloҳнинг даъватлари Макка ичкараси ва ташқарисидаги мавзуга айланди. Ушбу муваффақиятлари эса, Қурайшни даъватни бўғиб ташлаш учун жуда-жуда қаттиқ қаршилик кўрсатишга ундади. Росулulloҳ Қурайшдан бундай муносабатни кўргач ва унинг одамларидан эмас, зодагонларидан ҳафсалалари пир бўлгач, ташқаридан нусрат талаб қилишга ўтдилар. Бундай нусрат талаб қилиш Маккадаги даъватдан кўзланган ғояга, яъни, Ислом давлатини барпо этиш ғоясига етишга қаратилган эди. Хусусан, бунга қадар Росули ақрам ўзлари билан бирга бўлган мўминлар уюшмасини етиштиришда муваффақият қозондилар ҳамда даъватлари орқали Макка ва унинг ташқарисига ўз таъсирини ўткази олдилар. Макка раҳбарлари ва уларнинг ушбу уюшмани

тақиқлаш учун етарли бўлган куч ва имкониятлари ушбу уюшма олдидаги тўсиққа айланди.

Шундай қилиб, биз шуларга гувоҳ бўлдикки, демак, Росулulloх ﷺнинг қилган ишлари даъватни етказиш ва давлат барпо этиш учун нусрат талаб қилишдан иборат бўлди ва ишнинг ниҳоясида Ясрибнинг Асъад ибн Зурора, Саъд ибн Муоз ва Саъд ибн Уббода дохил раҳбарлари ул зотга нусрат бердилар. Бу нусрат натижасида, одамларда ва уларнинг етакчиларида Исломга имон келтиришлари учун Ислом ҳақида афкори омма вужудга келди, улкан моддий қудрат ана шу мўминлар қўлига ўтиб, Маккада рўёбга чиқмаган иш Мадинада рўёбга чиқди. Яъни, Росулulloх ﷺ қилган мана шу ишларнинг барчаси натижасида Мадинада давлат барпо бўлди ва шундай сўнг даъват йўналиши ўзгарди. Шунингдек, давлат арконларини мустаҳкамлашда ва яҳудийлар, мунофиқлар ва мушриклардан иборат душманлардан мудофаа қилишда ушбу нусратнинг таъсири катта бўлди. Биз айни мавзумиз билан боғлиқ бир нарсани ҳам эсламоғимиз даркор. Гап шундаки, Мадина аҳлининг бу нусрати Росулulloх ﷺнинг уюшмасидаги катта саҳобалардан бири Мусъаб ибн Умайр رضي الله عنه билан боғлиқдир. Шу билан бирга, Саъд ибн Муознинг ҳам уюшмага аъзо бўлганидан сўнг давлат барпо этилишида, кейинчалик давлатни ҳимоя қилишда ва Росулulloх ﷺ билан биргаликда даъватни ёйишда ҳам катта хизмат қилганига гувоҳ бўлдик. У тутган мавқелари эвазига Роббиси ҳузурида улкан иззат-икромга сазовор бўлди. Зотан, у шаҳид бўлган пайтда Росулulloх ﷺ «Саъд ибн Муознинг вафотидан Раҳмоннинг арши ларзага келди», дедилар. Муознинг фахрланиши учун мана шу сўзнинг ўзи кифоя. Биз саҳобий Асъад ибн Зурора, Усайд ибн Ҳузайр ва бошқа Росулulloхнинг уюшмасини ташкил қилган кўплаб саҳобалар эгаллаган мавқеларни ҳам асло унутмаймиз, уларнинг барчаси Росулulloх ﷺ билан битта иш устида бўлдилар.

Росулulloх ﷺнинг Маккадаги даъватлари шундай бўлди, яъни, улар муайян мақсадга қаратилган ишлар билан шуғулланиб, саҳоба رضي الله عنهمлар уюшмасини туздилар ва бу уюшма даъватнинг Ислом давлати барпо этилгунча бўлган йўлида улкан роль ўйнади. Кейинчалик ҳам даъват рошидин халифалар етакчилигида ушбу уюшма орқали давом этди.

Ушбу буюк ишни адо этиш учун Росулulloх ﷺ тузган саҳобалар уюшмаси мана шудир. Ул зот бу ишни Парвардигори амрига мувофиқ қилдилар, у кишини йўллаб турган нарса Аллохнинг буйруғи эди, бу борада битта қадамни ҳам ўзича

ташлаганлари йўқ. Шунинг учун, бугунги кунда ҳам худди Росулulloҳ ﷺ Маккада тузган уюшма каби бир уюшма тузишнинг қанчалар муҳим экани кўриниб турибди. Мақсад, айна уюшма ҳам Росулulloҳ ﷺнинг уюшмаси бажарган ролни бажарсин ва у рўёбга чиқарган нарсани рўёбга чиқарсин. Яъни, худди Росулulloҳ ﷺ бизга қолдирган унга қулоқ солиб итоат қилишни васият қилган биринчи рошид Халифалик давлати каби, иккинчи рошид Халифалик давлати тиклансин. Ушбу қулоқ солиб итоат қилиш ҳақида Росулulloҳ ﷺнинг бундай ҳадислари бор: Абу Нажиъ Ирбоз ибн Сория رضي الله عنه бундай ривоят қилади: «Бизга Росулulloҳ ﷺ шундай мавъиза қилдиларки, ундан қалблар титраб, кўзлардан ёш қуйилди. Биз – ё Росулulloҳ, бу худди видолашиш мавъизасига ўхшаяпти, шунинг учун бизга васият қилинг, дедик. Ул зот бундай дедилар:

«أَوْصِيكُمْ بِتَقْوَى اللَّهِ، وَالسَّمْعِ وَالطَّاعَةِ وَإِنْ تَأَمَّرَ عَلَيْكُمْ عَبْدٌ، فَإِنَّهُ مَنْ يَعِشْ مِنْكُمْ فَسَيَرَىٰ اخْتِلَافًا كَثِيرًا، فَعَلَيْكُمْ بِسُنَّتِي وَسُنَّةِ الْخُلَفَاءِ الرَّاشِدِينَ الْمَهْدِيِّينَ، عَضُّوا عَلَيْهَا بِالنَّوَاجِدِ، وَإِيَّاكُمْ وَمُحَدَّثَاتِ الْأُمُورِ؛ فَإِنَّ كُلَّ بِدْعَةٍ ضَلَالَةٌ»

«Сизларга Аллоҳдан тақво қилишни, тепангизда бир қул амирлик қилса ҳам, унга қулоқ солиб итоат қилишни васият қиламан. Чунки кимингиз яшаса, кўп ихтилофларни кўражак. Шунинг учун менинг суннат-йўлимни ва ҳидоятдаги рошид халифалар суннاتини маҳкам тутиб, оғиз тишларингиз билан маҳкам тишланглар. Янгиллик ишлардан сақланинг, чунки ҳар бир бидъат залолатдир». (Буни Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган, Термизий уни саҳиҳ ҳасан, деган).

Шунга асосан, шариатга маҳкам чекланиб, Росулulloҳ ﷺнинг ўзгартиришдаги тариқатларига эргашган ҳолда Ҳизб ут-Таҳрир уюшмаси ташкил топди. Ҳизб мусулмонларнинг давлати йўқлиги жиҳатидан олганда, худди Маккадаги воқеликка ўхшаш бир муҳитда ташкил топиб, Росулulloҳ ﷺнинг давлат барпо қилиш жараёнидаги тариқатларидан ўрнак олган ҳолда Ислом давлатини барпо қилишга ҳаракат қилмоқда. Ҳизб бу йўлдаги ўз фаолиятини икки босқичга бўлди, яъни, худди Росулulloҳ ﷺ каби икки босқич бўйича юрди:

1 – Сақофат бериш ва уюшиш: Ҳизб бу босқичда зарур бўлган барча фикр ва аҳкомлар ҳамда фаолият тариқатини табанний қилиб, уларни ўзининг сақофатининг устунига айлантирди, шунингдек, аъзоларида ислоний шахсияни вужудга келтириш устида ишлади. Бунинг учун уларда шундай ақлия ва нафсияни

бино қилдики, шу орқали уларнинг фикрлаш тариқатлари саҳобаларнинг фикрлаш тариқатидек бўлди. Зотан, барча замон ва макондаги мусулмонларнинг фикрлашлари шундай бўлмоғи даркор. Шунингдек, Ҳизб Аллоҳнинг амрига риоя қилиш, Уни рози қилишга уриниш ва Унинг йўлида ҳалок бўлиш истагини ўз аъзолари дилларига жойлади. Дарс ҳалқалари тизимини табанний қилиб, уларга ўзи табанний қилган сақофатни бир нуқтага қаратилган-муракказ шаклда берди ва уларни шу сақофат билан пиширди. Ҳалқаларга ёши, мақоми, мавқеи, келиб чиқиши ва миллатидан қатъий назар, даъват юқини кўтаришга тайёр, деб кўрилган кишиларни даъват қилди ва уларни яширин уюшмага айлантирди. Кейин Ҳизб ўз аъзоларининг сақофатда пишиб етилганини, фикрлаш ва майлларини қондиришда уларнинг ақлия ва нафсиялари шаклланиганини, воқеликка қарши туришга тайёр бўлганликларини кўрди... Шунингдек, жамиятнинг ушбу фикрнинг борлигини ва уни кўтариб чиқаётган кишиларнинг мавжудлигини ҳис қилганини билди... Мана шуларни кўриб, билгач, иккинчи босқичга кўчди. Ҳа, Ҳизб ут-Таҳрир мана шу учта нарсани кўргач, даъватни эълон қилиш йўлидан қадам ташлади. Бу билан Ҳизбнинг Росулulloҳ ﷺдан ғоят диққат билан ўрнатилган нарсани намоеън бўлмоқда, шу билан бирга, ўзгартириш жараёнида уюшма бўлиши кераклиги ва зарурлиги кўринмоқда.

2 – Таъсир ўтказиш ва очиқ даъват қилиш босқичи. Бу худди Росулulloҳ ﷺ қилганларидек бўлади. Яъни, бу босқичда Ислом фикрларига ёт ҳисобланган ва жамиятда ҳукмрон бўлиб, зўрлаб синдирилган фикрлар, тушунчалар ва тузумларга қарши чиқилади. Ҳизб шуларни қилиб келди ва ҳамон даъват қилишда давом этмоқда. У Ислом мабдаъсидан бошқа ҳеч нарсага эътибор бермай, журъат ва қувват билан барча нарсаларни фош этиб, шармандасини чиқармоқда. Ҳизб буларнинг барчасини ҳукмдор билан халқ ўртасидаги муносабатнинг Исломга асосланган бўлиши ва ҳукмдор бўладими, фуқаро бўладими барчанинг Аллоҳ амрига итоат қилишлари шартлиги нуқтаи назаридан кўриб чиқди. Ҳизб ҳукмдорларнинг туғенини очиб ташлаб, Ғарбга қилаётган малайликларини фош этаётгани учун ҳукмдорлар унга қарши курашишмоқда ҳамда у билан одамлар ўртасига ғов қўйишга уринишмоқда. Буларнинг барчасига қарамай, у ўз даъватида давом этмоқда. Бутун дунёни Халифалик ҳақидаги фикрлар билан тўлдиришга, Ғарбнинг ҳаловатини бузишга ва ҳаёт саҳнига Халифаликнинг қайтишидан хавотирга солиб қўйишга – фақат Аллоҳнинг фазли ила – муваффақ бўлди. Зеро, Ҳизб ўзининг

фаолияти ва ғоясига етишиши учун керак бўлган исломий сақофатни табанний қилишда, аъзоларини етиштиришда, уларни етакчиликка тайёрлашда ҳамда Халифалик давлати ҳақида умумий онгдан балкиб чиққан раъйи омни пайдо қилишда қалбларни хотиржам қиладиган салмоқли ютуққа эриша олди. Шубҳасиз, Халифалик давлати барпо бўлганда – Аллоҳ яқин қилсин – ушбу ютуқлар бир неча баробар ортажак. Бу ютуқни Ғарб ҳам ҳис қиляпти, ундан кўрқяпти, тўхтатиб қолишга жон-жаҳди билан ҳаракат қиляпти. Бироқ, Аллоҳ ўз ишида ғолибдир. Ҳизб муҳтож бўлган фақат бир нарса қоляпти, у ҳам бўлса, нусрат аҳлининг ушбу даъватни қабул қилишидир. Агар уни қабул қилсалар, Ғарб буйруғи билан мавжуд бўлиб турган ювиндихўр давлатларни йиқитиб, Халифалик давлатини барпо этиш орқали Аллоҳ нозил қилган аҳкомлар билан ҳукм юритиши учун ҳокимиятни Ҳизбга берадилар. Ана шунда бошқа ғарбпараст ялоқхўр режимлар ҳам бирин-кетин қулайди. Мана шу жиҳатдан, Иломий Халифалик давлатини барпо қилиш учун фаолият қиладиган уюшма ва ҳизблар бўлишининг муҳимлиги кўриняпти.

Ушбу баён қилинган фикрлардан сўнг ҳам шаръан, ҳам воқеан шу нарса аён бўлмоқдаки, демак, мусулмонлар ҳаётида Илом давлатини барпо қилиш фарздир. Бу давлатсиз Иломни мабда ва ақида сифатида татбиқ этмоқ мумкин эмас. У мавжуд эмас экан, уни барпо қилиш шаръан мусулмонлар зиммасига тушади ва барпо этилмагунча ҳамма гуноҳкор бўлади, фақат уни барпо қилиш учун ҳаракат қилаётган кишилардангина бу гуноҳ соқит бўлади. Бундан аён бўлишича, Илом давлатини барпо этиш бир уюшма-жамоасиз асло имконсиз. Ушбу уюшма Росулulloҳ ﷺ юрган шаръий фаолият йўлидан юрмоғи лозим. Шунингдек, даъват кишиларини ҳамда Аллоҳ нозил қилган аҳкомлар билан бошқарувчи давлат арбобларини етиштириб чиқармоғи даркор. Уларнинг етишиб чиқиши учун эса, ушбу уюшма аъзолари албатта азоб-уқубатларни бошдан кечиришлари керак бўлади ва ана шундагина мард, ростгўй эр кишилари етишиб чиқади. Бу уюшманинг яна бир вазифаси турли юртлардаги мусулмонлар орасида Халифаликни барпо этиш тўғрисида жамоатчилик фикрини тайёрлади. Чунки бир уюшма ташкил топиб, унинг аъзолари бутун дунё бўйлаб тарқалиб, Аллоҳнинг ишига даъват қилмас эканлар, мусулмонлар юртларида Илом ҳақида афкори омма вужудга келиши мумкин эмас. Буларнинг барчаси Аллоҳнинг ишини бажариш учун исломий ҳизб ва уюшмаларнинг бўлиши шартлигини кўрсатмоқда.

Демак, булардан маълум бўляптики, «Аллоҳ ҳизбларни ҳалок қилсин», «Исломда ҳизб йўқ» каби гапларни тарқатиш ёки Аллоҳ Таолонинг

﴿كُلُّ حِزْبٍ بِمَا لَدَيْهِمْ فَرِحُونَ﴾

«Ҳар бир ҳизб ўз олдидаридаги нарса билан хурсанддирлар»

[Мўминун 53]

деган каломини нотўғри тафсир қилиш, ғаддор Ғарб уюштирган ишлардан бўлиб, шу орқали у мусулмонларнинг давлат барпо этишларига йўл қўймасликни, доим уларни ўз ҳукмронлиги остида ушлаб туришни кўзлаган. Бу каби фикрларнинг барчаси Исломга мутлақо алоқаси йўқ. Ким шундай фикрлар асосида ҳаракат қилаётган бўлса, у Ғарб билан бирга ҳаракат қилаётган бўлади. Бунда билиб туриб қилиш билан билмай қилиш ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Зеро, билиб туриб қилган бўлса, Аллоҳнинг Ўзи ҳисоб-китоб қилиб олади. Билмай қилаётган бўлса, бу унга узр бўла олмайди. Сўзимиз ниҳоясида Аллоҳ Таолонинг ушбу каломига даъват қилиб қоламиз:

﴿وَلَتَكُنَّ مِّنكُمْ أُمَّةٌ يَدْعُونَ إِلَى الْخَيْرِ وَيَأْمُرُونَ بِالْمَعْرُوفِ وَيَنْهَوْنَ عَنِ الْمُنْكَرِ وَأُولَٰئِكَ هُمُ الْمُفْلِحُونَ﴾

﴿هُمُ الْمُفْلِحُونَ﴾

«Ораларингиздан яхшиликка даъват қиладиган, маъруфга буюриб, мункардан қайтарадиган бир жамоа бўлсин, ана ўшалар нажот топгувчилардир»

[Оли Имрон 104] □

**ФИТНА ТАРҚАЛМАСЛИГИ УЧУН ХУКМДОРЛАРГА ҚАРШИ
ЧИҚИБ БЎЛМАЙДИ, ДЕГАН НАРСА АДАШТИРИШ ВА
АЛЛОҲНИНГ ДИНИНИ ЎЗГАРТИРИШДИР**

Ҳамд Тобиб – Байтул Мақдис

Исломга қарши фикрий кураш кучайди. Айниқса, мусулмон юртларида йирик халқ қўзғолонлари бошлангандан сўнг ҳамда жамоатчиликда халқлар халоскори Исломдир, деган фикр пайдо бўлиши ортидан кучайгандан кучайди. Ушбу фикрий курашнинг энг қақшатқичи адаштириш бўлди: Масалан, Исломни «халқаро террорчи»ликда айблаш ҳамда Уммат ҳеч қачон оёққа туролмайди, унда тикланиш, курашиш ва давом этишга қодир давлатларнинг ресурслари йўқ, каби захриқотил фикрлар тарқатиш каби. Шунингдек, ҳукмдорларга қарши чиқиш ҳаром, деган уйдирма тўқиб чиқарилиб, бунга фитна чиқиш хавфи бор, мусулмонлар ўртасида жанг келиб чиқиши мумкин, шунингдек, улул амр (ҳукмдорлар)га итоат шарт, орқанга урса ҳам уларга қарши чиқиш ҳаром, деган дастаклар келтириляпти. Дарҳақиқат, бундай адаштирувчи даъволарни кўпгина сарой уламолари қилишяпти, хусусан, Хижоздаги Саудлар уламолари, Азҳардаги Сисий уламолари ва уларга эргашган муридлари. Хўш, бу даъволар қанчалар тўғри? Шариат мезонида буларнинг ҳукми қандай? Бундай даъволарга нисбатан мусулмонлар нима қилмоқлари лозим? Ҳозирги замонда фитна ва ўзаро уруш чиқишидан қўрқиб, ҳукмдорларга қарши чиқмай ўтириш жоизми? Ҳақ Субҳанаҳу ва Таоло огоҳ этган фитна мана шуми?!

Бу саволларга ҳамда уйдирмалар, адаштирувлар ва Аллоҳнинг динини ўзгартиришлар билан боғлиқ бошқа шундай муаммоларга жавоб бериш учун қуйидаги ишларга тўхталмоғимиз даркор:

1 – Умуман, маъруфга буюриб, мункардан қайтариш ҳукми, хусусан, ҳукмдорларни маъруфга буюриб, мункардан қайтариш ҳукми.

2 – Ҳукмдор очиқ куфрни намоён этган пайтда унга қилич кўтариб қарши чиқиш. Очиқ куфрни қайтариш учун қилич кўтариб қарши чиқиш бошқа, ўзгариш йўлида моддий куч ишлатиб, қайта Аллоҳ нозил қилган аҳкомлар билан бошқариш бошқа, булар ўртасидаги фарқ бор.

3 – Ўзни ҳалокатга отмаслик, деган нарса нима-ю, шариат четлашишга буюрган ҳалокат нима?

4 – Мункарни қайтариш ортидан каттароқ мункар келиб чиқади, деган нарсани ҳукмдорларнинг мункар ишларига қиёслаш мумкинми?

5 – Росулulloҳ ﷺнинг Оиша رضي الله عنهاга айтган ушбу ҳадислари тафсири билан боғлиқ гумон:

«يا عائشة، لَوْلَا أَنَّ قَوْمَكَ حَدِيثُو عَهْدٍ بِشْرِكَ، لَهَدَمْتُ الْكَعْبَةَ، فَأَلَزَقْتُهَا بِالْأَرْضِ...»

«Эй Оиша, агар қавминг ширкдан Исломга янги кирган бўлмаганларида эди, Каъбани бузиб, ер билан яксон этган бўлур эдим...». (Имом Муслим ривояти).

Биринчи мавзу, яъни, маъруфга буюриб, мункардан қайтариш ҳукми: Бу ҳақда гап бўлиши мумкин эмас. Чунки бу ҳақда оятларда ва ҳадисларда очиқ-ойдин айтилган, изоҳга ҳожат йўқ. Масалан, Аллоҳ Таоло бундай деди:

﴿وَلَتَكُنَّ مِنَكُمُ أُمَّةٌ يَدْعُونَ إِلَى الْخَيْرِ وَيَأْمُرُونَ بِالْمَعْرُوفِ وَيَنْهَوْنَ عَنِ الْمُنْكَرِ وَأُولَئِكَ هُمُ الْمُفْلِحُونَ﴾

«Ораларингиздан яхшиликка (Исломга) даъват қиладиган, маъруфга буюриб, мункардан қайтарадиган бир жамоат бўлсин. Ана ўшалар нажот топгувчилардир» [Оли Имрон 104]

Росулulloҳ ﷺ марҳамат қиладилар:

«مَنْ رَأَى مِنْكُمْ مُنْكَرًا فَلْيَعِزَّهُ بِيَدِهِ، فَإِنْ لَمْ يَسْتَطِعْ فَبِلِسَانِهِ، فَإِنْ لَمْ يَسْتَطِعْ فَبِقَلْبِهِ، وَذَلِكَ أَوْضَعُ الْإِيمَانِ»

«Сизлардан ким мункарни кўрса, уни қўли билан ўзгартирсин. Агар бунга қодир бўлмаса, тили билан ўзгартирсин. Агар бунга ҳам қодир бўлмаса, қалби билан ўзгартирсин. Бу (қалби билан ўзгартириш) имоннинг энг заифидир». (Имом Муслим ривояти). Бу ва бошқа нусуслар умуман маъруфга буюриб, мункардан қайтаришнинг фарзлигига далолат қилади, бутун Уммат агар бу фарзни адо этишда қосирлик қилса гуноҳкор бўлади, уни бажариш учун ҳаракат қилиб, адо этаётган кишигина бу гуноҳдан халос бўлади.

Иккинчи мавзуга келсак, Аллоҳ Таоло ҳукмдорларни маъруфга буюриб, мункардан қайтаришни алоҳида-кенгроқ доирада фарз қилди. Агар ҳукмдорлар очиқ куфрни намоён этишса, умумий равишда бутун Уммат уларга қарши чиқиши фарздир. Росул ﷺ Уббода ибн Сомит رضي الله عنهнинг «уларга қарши қилич кўтариб чиқмаймизми ё Росулulloҳ?», деган саволига жавобан бундай деганлар:

«لَا، إِلَّا أَنْ تَرَوْا كُفْرًا بَوَاحًا عِنْدَكُمْ فِيهِ مِنَ اللَّهِ بُرْهَانٌ»

«Йўқ, фақат уларда очик куфрни кўрсангизлар ва бунга Аллоҳдан ҳужжат-далилингиз бўлсагина майли». (Муттафақун алайҳи).

Яъни, Уммат орасида ёвуз ҳукмдорлар агар куфрни татбиқ қилишаётган бўлса, бутун Умматнинг бунга сукут қилмоғи асло жоиз эмасдир. Қачон Уммат бунга сукут қилса, бу яширин ва ошкор фитнага олиб боради ҳамда одамларни Аллоҳнинг динидан аста-секин куфрга буриб юборади. Росул ﷺ бундай деганлар:

«وَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ، لَتَأْمُرَنَّ بِالْمَعْرُوفِ وَتَنْهَوْنَ عَنِ الْمُنْكَرِ، أَوْ لَيُوشِكَنَّ اللَّهُ أَنْ يَبْعَثَ عَلَيْكُمْ عِقَابًا مِنْ عِنْدِهِ، ثُمَّ لَتَدْعُنَّهُ فَلَا يُسْتَجَابُ لَكُمْ»

«Жоним кўлида бўлган Зотга қасамки, сизлар албатта маъруфга буюриб, мункардан қайтарасизлар, акс ҳолда Аллоҳ сизларнинг устингизга Ўз даргоҳидан бир жазо юборур, кейин дуо қилаверасизлар (лекин) дуоларингиз ижобат қилинмайди». (Имом Термизий ривояти). Бу ердаги Аллоҳдан келадиган ушбу жазо одамларнинг кофир ҳукмдорларга сукут қилишлари сабабли шу ҳукмдорларнинг одамлар устидан ҳукмрон қилинишларидир. Росулulloҳ ﷺ «қайси жиҳод афзалдир?», деб сўралганларида,

«كَلِمَةُ حَقٍّ عِنْدَ سُلْطَانٍ جَائِرٍ»

«Залим султон олдида айтилган ҳақ сўз», дея жавоб қилганлар. (Имом Насоий ривояти).

Энди, баъзи сарой уламоларининг амирларга қарши чиқиш ножоиздир, дейишларига ва бу гапларига – ортинга урса ҳам, кулоқ солиб, итоат қил, сизларга ҳабаший бир қул амирлик қилса ҳам, унга кулоқ солиб, итоат қилинглр каби мазмундаги баъзи ҳадисларни далил қилишларига келсак, гап шундаки, ушбу ҳадислар, агар саҳиҳ бўлса, улар шаръий байъат асосида итоат қилиш шарт бўлган иш эгасига итоат қилишга далолат қилади. Унга Аллоҳ Азза ва Жаллани рози қилувчи ишларда итоат қилинади, осий бўлинадиган ёки очик куфр бўлган ишларда эмас. Бу ҳақда бошқа ҳадислар ҳам бор, уларни пастда зикр қиламиз. Шунингдек, баъзилар имом Ибн Таймийянинг иш эгаларига қарши чиқиш ҳаром эканига далолат қилувчи фатвосини ҳам келтиришади. У жумладан бундай деган: «... Яхшилаб ўқиб ўрганишдан шу нарса маълум бўлдики, кимдир бу имомларга қарши чиқса, унинг айна қилмиши ортидан содир бўлган нарса, унга ёрдам бериши натижасида содир бўладиган нарсдан ёмонроқ

ва каттароқ бўлади... Кўпинча бундай кишиларнинг ишлари оқибатида қон тўкилиши ва мағлубият келиб чиқади, мабодо ғолиб келишса ҳам, бу узоқ давом этмайди...». Гап шундаки, Ибн Таймийя фикрича, қилич кўтариб қарши чиқиш ножоиз бўлган ҳукмдорлар аввало: улар Умматнинг бир бўлаги бўлиб, Уммат Аллоҳга осийлик бўлмайдиган ишларда уларга қулоқ солиб итоат қилиш асосида байъат қилган бўлади. Шу жиҳатдан, Аллоҳга осийлик бўлмайдиган ишларда уларга итоат қилиш шарт бўлади. Чунки Росулulloҳ ﷺ ушбу ҳадисда бундай демоқдалар:

«عَلَى الْمَرْءِ الْمُسْلِمِ السَّمْعُ وَالطَّاعَةُ فِيمَا أَحَبَّ وَكَرِهَ إِلَّا أَنْ يُؤْمَرَ بِمَعْصِيَةٍ، فَإِنْ أَمَرَ بِمَعْصِيَةٍ فَلَا سَمْعَ وَلَا طَاعَةَ»

«Мусулмон киши ўзи яхши кўрган ва ёмон кўрган ишларида – агар осийликка буюрилмаган ишлардан бўлса – қулоқ солиб итоат қилсин. Агар осийликка буюрилса, бас, қулоқ солиб итоат қилмасин». (Имом Муслим ривояти).

Абу Бакр رضي الله عنه «Менга Аллоҳга итоат қилсам итоат қилинг, Унга осий бўлсам менга итоат қилманг», деганлар. Дарвоқе, Ҳақ Таоло ҳукмдорларга итоат қилишда икки нарсани шарт қилди: Биринчидан, улар ҳақиқатдан ҳам ҳокимиятни шаръий йўл билан олган, Умматнинг истагисиз, мажбуран олмаган ҳукмдор бўлиши шарт. Иккинчидан, улар Аллоҳ ва Росулига итоат қилаётган бўлишлари шарт, АҚШ ёки яҳудий вужудига эмас. Аллоҳ Таоло бундай деди:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا أَطِيعُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا الرَّسُولَ وَأُولِي الْأَمْرِ مِنْكُمْ فَإِنْ تَنَزَعْتُمْ فِي شَيْءٍ فَرُدُّوهُ إِلَى اللَّهِ وَالرَّسُولِ إِنْ كُنْتُمْ تُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ ذَلِكَ خَيْرٌ وَأَحْسَنُ تَأْوِيلًا﴾

«Эй мўминлар, Аллоҳга итоат қилингиз, ва Росулига ҳамда ўзларингиздан бўлган (яъни мусулмон) ҳукмдорларга бўйсунингиз! Бордию бирон нарса ҳақида талашиб қолсангиз, – агар ҳақиқатан Аллоҳга ва охираат кунига ишонсангиз – у нарсани Аллоҳ ва Росулига қайтарингиз! Мана шу яхшироқ ва чиройлироқ ечимдир» [Нисо 59]

Аммо имом Ибн Таймийянинг сўзларига келсак, у айрим мункар ишлар кўринган ва Ибн Таймийянинг замонида бўлган мусулмон ҳукмдорларига тааллуқлидир, бугунги замондаги ҳукмдорлар каби очик куфр кўринган ҳукмдорларга тааллуқли эмас. Дарҳақиқат, Ибн Таймийя ўз замонасидаги салибчилар билан иттифоқчилик қилган ҳукмдорларга қарши жанг қилишга фатво берган. Чунки уларда очик куфр намоён бўлган. Агар бизнинг

замонамизда Ибн Таймийя бўлганда эди, албатта ҳукмдорларга қарши чиқишга буюрган бўлар эди. Масалан, Миср мамлуклари ва Шомдаги фотимийлар каби салибчилар билан иттифок қилганларга қарши жанг қилишга фатво бергани каби.

Бану Исроил ўз ўрталаридаги мункар ишларга сукут қилишгани сабабли Аллоҳ Азза ва Жалла уларни лаънатлади ва бундай деди:

﴿لُعِنَ الَّذِينَ كَفَرُوا مِنْ بَنِي إِسْرَائِيلَ عَلَى لِسَانِ دَاوُدَ وَعِيسَى ابْنِ مَرْيَمَ ذَلِكَ بِمَا عَصَوْا وَكَانُوا يَعْتَدُونَ ٧٨ كَانُوا لَا يَتَنَاهَوْنَ عَنْ مُنْكَرٍ فَعَلُوهُ لَبِئْسَ مَا كَانُوا يَفْعَلُونَ﴾

«Бану Исроил орасидан кофир бўлган кимсалар Довуд ва Исо ибн Марям тилида лаънатландирлар. Бунга сабаб уларнинг қилган осий ва тажовузкор бўлганларидир, улар бир-бирларини қилган нолайиқ ишларидан қайтармас эдилар. Бу қилмишлари нақадар ёмон иш!» [Моида 78-79]

Маъруфга буюриб, мункардан қайтармоқ бутун Умматга фарз бўлиб, мункарга сукут қилмоқ ножоиздир. Агар Уммат бунга сукут қилса, ҳамма гуноҳкор бўлади. Бугунги кунда бу амал ҳар бир мусулмон учун фарзи айнди. Чунки мункар ишлар ҳамон мавжуд бўлиб, ўзгаргани ҳам йўқ, мусулмонлар ҳаётдан йўқолгани ҳам йўқ. Бу гуноҳ соқит бўлмайди, фақат мункарларни ўзгартириш учун бевосита шуғулланган ва айни фарзни бажаришдан тўхтамаган кишидангина соқит бўлади.

Энди, бу борада жамият фикрларини ўзгартириш ва ҳокимиятда Аллоҳ нозил қилган нарсалар билан ҳукм юритишга эришиш учун моддий иш қилиш масаласи қолди. Бу мункарни моддий иш қилиш билан ўзгартириб бўлмайди. Йўқ, мункарнинг Ислом фарз қилган ўзгартириш тариқати фикрий фаолият олиб бориш ва жамиятга таъсир ўтказишдир. Бу ишда Умматда қаноат ҳосил қилишга эришиш учун фикрий ва сиёсий кураш олиб борилиб, Умматдаги Исломга асосланган ўзгариш ғояси ҳақида раъйи ом ва ваъйи ом даражаси оширилади. Шундан сўнг нусрат келтиришлари мумкин, деб билинган кишилар орқали ҳокимият қўлга киритилади. Демак, ўзгариш тариқати юқорида айтганимиздек, моддий ҳаракат эмасдир.

Бу ерда, ҳукмдорларни мункардан қайтариш ва уларни ағдариш учун сўз ва амалда кураш олиб бориш бошқа нарса, исломий ҳаётни қайта барпо қилиб, Аллоҳ нозил қилган аҳкомлар билан ҳукм юритишга эришиш бошқа нарса, булар бир-бирига аралаштириб юбормаслик керак. Бирининг ўз аҳкоми ва бу аҳкомлар маноти ва шаръий далиллари бор ҳамда иккинчисининг ҳам воқелиги бўлиб, унинг ҳам маноти ва аҳкомлари бор. Воқелик

ёки манотга келсак, масалан, ҳукмдорларда очик аниқ куфр зоҳир бўлса, яъни, гувоҳлар ўнгида курфга рухсат бериб, Аллоҳдан ҳам, бандаларидан ҳам уялишмаса, Аллоҳ Азза ва Жалланинг эҳтиромли нарсаларини ҳам, мусулмонларнинг моллари, номуслари ва жонларини ҳам ҳурмат қилишмаса, мана шундай ҳолат бўлса, ушбу манотга ўша ҳукмдорларни йиқитиш учун уларга қарши чиқиш ва уларга сукут қилмаслик аҳкомлари туширилади. Зеро, булар – Уммат ҳаёт-мамот масаласи ўлароқ қараши лозим бўлган тақдирий масалалар бўлиб, уларга мутлақо сукут қилмаслик керак. Айниқса, моддий куч билан айни вазифани амалда бажаришга қодир бўлган куч марказлари ҳаргиз сукут қилмаслиги керак. Чунки улар Умматнинг бир бўлаги ҳисобланади. Агар бутун Уммат бирор минтақадаги ҳукмдорларни ағдаришга қодир кучни ишга сола олса, бу иш Умматга вожиб бўлади ва уларнинг бундай очик куфрда давом этишларига сукут қилиши ҳаром бўлади. Бу ерда қарши чиқиш ва курашишнинг маноти қодирлик ва қила олишга боғланган. Уммат бу ҳукмдорларга қарши курашга чиққан пайтда мунофиқлар ва гумашталар ҳукмдорлар тарафида туришса ва уларга ёрдам беришса, уларга ҳам ўша ҳукмдорларнинг ҳукми тушади ва уларга ҳам қарши курашилади.

Учинчи мавзуга, яъни, маъруфга буюриб, мункардан қайтариш натижасида ўзни ҳалокатга отиш мавзусига келсак, улуғ саҳоба Абу Айюб Ансорий ҳалокатга отишни Аллоҳнинг ҳукмини тарк қилиш ва унга амал қилиш, деб тушунган. Дарҳақиқат, баъзи саҳобалар

﴿وَلَا تَلْفُوا بِأَيْدِيكُمْ إِلَى الْتَهْلُكَةِ﴾

«Ўзингизни ҳалокатга ташламанг»

[Бақара 195]

оят қаримасини тафсир қилишган. Масалан, Константинопол фатҳида ўзини душман орасига ташлаган мусулмонлардан бирининг ҳодисасида Абу Айюб Ансорий бундай дейди: «Бу оят биз ансорлар ҳақимизда нозил бўлди. Ўшанда биз экинлар ва мевалар билан бир оз банд бўлиб, Аллоҳ йўлида жиҳод қилишга эътибор бермай қўйгандик». Демак, ҳукмдорларнинг мункар ишларига ва уларнинг мусулмонлар юртларида татбиқ қилаётган куфр қонунларига сукут қилиш ўзни ҳалокатга отишдир. Ҳукмдорларни йиқитиш ва татбиқ қилаётган ёвузликларини йўқ қилишга ҳаракат қилиш ўзни ҳалокатга отиш эмас экан.

Тўртинчи мавзу: Мункарни қайтариш билан ундан ҳам мункарроқ нарса келиб чиқади, деган адаштиришлар. Бундан

уйдирмани сарой уламолари золим ҳукмдорларни тахтини сақлаб қолиш мақсадида тўқиб чиқаришди ҳамда ҳукмдорларнинг мункар ишларини шахснинг мункар ишларига қиёс қилишди, ўзгартириш масаласида шахснинг битта мункар ишни ўзгартиришни Умнатнинг ҳукмдорларнинг мункар ишларини ўзгартиришига қиёслашди... Бу нотўғри қиёслашдир. Чунки шахсларнинг мункар ишларини ҳукмдорларнинг мункар ишлари билан ва уларни ағдариш тариқати билан қиёслаб бўлмайди. Зеро, буларнинг ҳар бирининг алоҳида воқелиги, аҳкомлари, шаръий нусуслари ва далолатлари бор. Бу масалада мусулмонга ўз зиммасидаги бурчни ҳали у, ҳали бу натижаларга қараб бажаришдан воз кечишига рухсат берувчи ҳеч қандай очиқ далил келган эмас. Билъакс, ҳадислар Ҳамза رضي الله عنه ни ва золим имомга қарши чиқиб ҳақ сўзни айтган кишини шаҳидларнинг саййиди, дея мақтади. Шунингдек, очиқ куфр кўринган ҳукмдорга қилич кўтаришга буюрди. Агар Умнат ушбу вазифадан умумий равишда воз кечадиган бўлса, мазкур ҳадислар бундай Умнатни қаттиқ айблади. Агар Умнат ҳукмдорларнинг мункар ишларига сукут қилса, уни умумий равишда қоралади. Росул صلى الله عليه وسلم бундай дедилар:

«إِذَا رَأَيْتَ أُمَّتِي تَهَابُ فَلَا تَقُولُ لِلظَّالِمِ يَا ظَالِمُ، فَقَدْ تَوَدَّعَ مِنْهُمْ»

«Агар умматимнинг кўрқаётганини ҳамда золимга сен золимсан, деб айта олмаётганини кўрсангиз, ундайларни тарк қилинг». (Ҳоким «Мустадрак»да ривоят қилган).

Энди, айти мавзуда ишларнинг оқибатларига келсак, уларга ақл ёки манфаат асосида қаралмайди. Балки, уларга далолат қилувчи бирор шаръий далил бўлиши шарт. Чунки вожиб-вазифа – унинг оқибатидан қатъий назар – иш (ҳаракат)дир. Шу боис, ишларнинг оқибатлари, деган нарса шаръий усулда йўқдир. Бу ерда амалдан келиб чиқадиган нарсани Аллоҳ Азза ва Жалладан ўзга ҳеч ким билмайди. Ўлдириш ва бир-бирига қарши жанг қилишнинг гуноҳи боғий-золим зиммасидадир, фарзни бажарган киши зиммасида эмас.

Адаштириш ва динни ўзгартиришлардан яна бири, Оиша رضي الله عنها нинг ҳадиси таъвил қилинди ҳамда уни ҳокимни ўзгартириш тушунчасига қиёсланди. Ҳадисда Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم ўша пайтдаги фарз амали тўғрисида эмас, мандуб бир амал тўғрисида, яъни, Байтул ҳаромга оид маълум ишларни қўшимча қилиш ва олиб ташлаш иши тўғрисида Оиша رضي الله عنها га хитобан сўзлагандилар. Росул صلى الله عليه وسلم одамларнинг жоҳилиятга яқин бўлишгани ва бу уйни жуда муқаддас, деб билишгани учун буни тарк этдилар. Баъзилар

қалбида имон мустаҳкам эмаслиги натижасида ул зот бу иш нотўғри тушунилиб қолинади, деб чўчидилар ва уни бузишни тарк қилдилар. Бироқ бутларни тарк қилмадилар. Зеро уларни бузиб-вайрон қилиш мандуб ҳам, мубоҳ ҳам эмас, балки фарздир. Шунингдек, Байтни муқаддаслаш ва унинг йўлида қурбонликлар қилиш каби баъзи одатларни ҳам қолдирмадилар, балки уларни йўқ илиш ва буткул ўзгартиришга буюрдилар.

Сўзимизни ниҳоялашдан олдин қуйидагиларга эътибор қаратмоқчимиз:

Биринчи: бугунги кунда Аллоҳнинг динига қарши уйдирмалар тарқатиш тўхтамаяпти. Аллоҳнинг динига қарши уйдирмалар тарқатаётганларнинг энг ёмони Унинг душманларидир. Бу душманлар кофирлар, уларга малай ҳукмдорлар ва адашган адаштирувчи «уламолар»дир. Бизнинг замонамиздаги мункарларнинг энг ёмони анави ҳукмдорлардир. Уларнинг барчаси мусулмонларга тузоқ қўйишяпти, Аллоҳ нозил қилган аҳкомлар билан ҳукм юритмай, куфр қонунларини татбиқ қилишяпти, Аллоҳ, Росули ва мўминларга қарши уруш олиб боришяпти, яҳудий ва насронийларнинг «терроризм»га қарши, деган иддао остида Исломга қарши олиб бораётган курашларига ёрдам беришяпти.

Иккинчидан: ҳукмдорларга қарши чиқмай, мункар ишларига сукут қилиш фитналарга олиб боради. Булар жумласига демократия, мўътадиллик, воқеликка мослашиш, куфр билан Ислом ўртасида кенгбағир бўлиш, озодлик каби номлар остида Исломдан муртад бўлиш фитнаси ҳам киради. Шунингдек, хотин-қизларни ўз қадриятлари, ахлоқ ва ҳаёларидан маҳрум этиш ҳам мусулмон юртларида қасддан тузилаётган режалар жумласига киради. Буларга АҚШ ва яҳудий вужудига хизмат қилиш учун мусулмонларнинг Фаластин, Шом ва Ироқдаги масалаларига сиёсий жиҳатдан хиёнат қилиш фитнасини ҳам қўшимча қилиш мумкин.

Учинчидан: Ҳукмдорларнинг бу каби фитналари фақат уларга қарши чикиб, курашиш билангина ўзгаради. Уларга насиҳат қилиш ва бошқа услублар қўллашнинг фойдаси йўқ. Чунки то мазкур шарт-вазифалар адо этилмагунча бу ҳукмдорлар тахтдан кетишмайди. Уларни сўз ва насиҳат билан ўзгартириб бўлмайди. Аксинча, улар Уммат орасида мункар қилмишларини борган сари кучайтириб, қасддан, систематик равишда кенг ёйишмоқда. Зотан, Ислом асосида ўзгариш яшаш олдида турган асосий тўсиқ ҳам мана шу ҳукмдорлардир. Шунинг учун уларнинг ҳаммасига қарши

чиқиб, Уммат тепасидан уларни ағдариш, асосан шу ишга қодир қудрат эгаларининг, шунингдек, Уммат орасидаги уларни ағдаришга қодир кишиларнинг бурчидир.

Сўзимиз ниҳоясида шуни таъкидламоқчимизки, бу тоғутлар туғени қанча кучли бўлмасин, халқлар ҳаракати қаршисида туролмайди. Уммат кўзғолонлар бошланишида тоғутлардан бир нечтасини тахтдан ағдарди ва агар кўзғолонни ҳар томондан жиловлаб, адаштирилмаганда эди, Уммат уларнинг ҳаммасини тахтдан йўқ қилишга муваффақ бўлган бўлур эди. Умматнинг ушбу ҳаракати унинг тириклигига ва ҳукмдорлар мункарларини қайтараётганига далилдир. Бу эса, шундай бир яхшилик аломатики, Уммат куфрни татбиқ қилиш ва мустамлака бўлишни истамаяпти, билъакс, ўз дини ва шариати билан яшашни истамоқда. Тез орада Аллоҳ Таоло ўз изни ила, Умматни унинг қўлидан ушлаб, нажот қирғоғига элтадиган холис бир етакчи билан сийлайди. Биз Аллоҳ Таолодан ушбу кунни яқин қилишини сўраб қоламиз. □

КАТТА БАДР ҒАЗОТИ «ФОНИДА» ҒОЛИБ ҚЎШИННИНГ СИФАТЛАРИ

Муоз ибн Рифоа ибн Рофиъ Зуракий отасидан – унинг отаси Бадр ахлидан эди – ривоят қилган ҳадисда унинг отаси шундай дейди: **«Жаброил Набий ﷺ га келиб, орангиздаги Бадр ахлини нима деб ҳисоблайсизлар – деди. Набий ﷺ: Мусулмонларнинг энг афзали, дедилар ёки шунга ўхшаш гапни айтдилар. Шунда Жаброил: Бадрга гувоҳ бўлган фаришталар ҳам шундайдир (яъни фаришталарнинг энг афзалидир) – деди».** (Бухорий саҳиҳи). Ҳижратнинг иккинчи йили Рамазон ойининг ўн еттинчи кунда рўй берган катта Бадр ғазотининг натижалари Қурайш кофирларига тушган чакмоқ, уларни силкитган зилзила каби бўлди. Ҳақ билан ботил ўртасидаги моддий ва фикрий кураш компасини аниқлашда унинг таъсири катта бўлди. Чунки мусулмонлар қуввати ҳамда Мадинаи Мунавварада барпо бўлган давлати кучайди ва Ислом овози юксак кўтарилди. Шунингдек, ўн уч йил давомида Маккаи Мукаррамада Қурайш кофирлари томонидан хорланиб келган мусулмонларнинг ўз динларига ва ўзларига бўлган ишончи ошди. Бошқа томондан, Қурайш кофирлари мусулмонлар қўшини олдида мағлубиятга учраб, уларнинг энг сара кишилари ўлганидан кейин Қурайшнинг ҳайбати синди. Мусулмонлар қўшини жангга тайёрланиб чиқмаган эди, балки Абу Суфённинг Шомдан келаётган карвонини тўсиб қўйиш учун чиққан эди. Аллоҳ Субҳанаҳу воқеалар йўналишини буриб юборишни истади. Шундай қилиб, воқеалар йўналиши карвон йўлини тўсиб, савдо молларини ўлжа қилиб олишдан Набий ﷺ етакчилигидаги мусулмонлар билан Абу Жаҳл ибн Ҳишом етакчилигидаги Қурайш кофирлари ўртасидаги ҳақиқий жанг томонга бурилди. Ҳолбуки, икки гуруҳ ўртасида сонда ҳам, тайёргарликда ҳам катта фарқ бор эди.

Шу ўринда, Аллоҳ Бадр ғазотида ғолиб қилган буюк қўшиннинг сифатларига тўхталиб, уларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, кейин катта Бадр ғазотида мусулмонларни нусратга лойиқ қилган сабабларни хулоса қилиб чиқариш биз учун фойдалидир. Биз буларни ўрганиб, тўғри хулоса чиқаришимиз учун икки ҳақиқатни эътиборга олишимиз лозим.

Биринчи: Нусрат Аллоҳ Табарока ва Таолонинг марҳамати бўлиб, нусратга лойиқ бандаларгина шу марҳаматга сазовор бўладилар. Демак, мусулмонларнинг сони ҳар қанча кўп, тайёргарлиги кучли бўлса ҳам, нусрат уларнинг ўзларидан

бўлмайди, балки, нусрат ёлғиз Аллоҳ ҳузуридан келади. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَمَا جَعَلَهُ اللَّهُ إِلَّا بُشْرَىٰ وَلِتَطْمَئِنَّ بِهِ قُلُوبُكُمْ وَمَا النَّصْرُ إِلَّا مِنْ عِنْدِ اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ عَزِيزٌ

حَكِيمٌ﴾

«Аллоҳ фақат хушхабар бўлсин, деб ва кўнгиларингиз хотиржам бўлиши учун шундай қилди. Нусрат фақат Аллоҳнинг даргоҳидан бўлур. Ҳақиқатдан, Аллоҳ ғолиб ва ҳикматлидир» [Анфол 10]

Шунинг учун ушбу ҳақиқатга, яъни нусрат аниқ Аллоҳ ҳузуридан бўлишига ишониш мусулмонларга вожибдир. Ушбу ҳақиқат имон келтириш вожиб бўлган ақидадир. Аммо мусулмонларнинг тайёргарлик кўриши ва режа тузиши алоҳида таклифий шаръий буйруқдир. Аллоҳ Субҳанаҳу мусулмонларга ўз имкониятлари доирасида нусрат сабабларини бажаришни фарз қилган. Шунинг учун мусулмонлар ушбу сабабларга таяниб қолмаслиги ёки шу сабаблар нусрат келтиради, деган эътиборда бўлиб қолмаслиги керак. Балки улар башар сифатида Аллоҳга қуллик қилиш учун ушбу сабабларни бажаришлари лозим. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا إِن تَنْصُرُوا اللَّهَ يَنْصُرْكُمْ وَيُثَبِّتْ أَقْدَامَكُمْ﴾

«Эй мўминлар, агар сизлар Аллоҳга ёрдам берсангизлар (яъни Унинг йўлида жиҳод қилсангизлар), У зот ҳам сизларга нусрат-ёрдам берур ва жанг майдонида қадамларингизни собит-барқарор қилур» [Мухаммад 7]

Нусратнинг ёлғиз Аллоҳ ҳузуридан келиши алоҳида масала бўлиб, у ақидага тааллуқли масаладир. Мусулмонларнинг Аллоҳ Таолога итоат қилган ҳолда сабабларни бажаришга мукаллаф эканлиги ва сабаларни бажариш шартлиги эса, бошқа бир масала бўлиб, у шаръий аҳкомлардандир. Бу ўринда шартни шундай тушуниш лозимки, ушбу шарт топилмаса нусрат ҳам топилмайди. Лекин бу шарт топилганда нусрат топилиши ҳам, топилмаслиги ҳам мумкин бўлади. Зеро, сабабларни ва нусрат шартларини ушлаш нусратнинг Аллоҳ ҳузуридан келиши масаласидан алоҳида бўлиб, шаръий аҳкомларга тааллуқли масаладир.

Иккинчи: Бадр ғазотида қатнашган қўшинга Аллоҳ берган нусрат бошқа мусулмонларга берилмай фақат ўша қўшингагина чекланиб қоладиган нусрат эмас. Балки, у Аллоҳ Таолонинг ўзгармас қонунидир. Шунинг учун Бадр ғазоти қўшинидаги мавжуд сифатларга эга бўлган ҳар бир замон ва макондаги ҳар қандай исломий қўшинга нусрат беришни Аллоҳ ўз зиммасига

олган. Мусулмонлар Бадр ғазотидан бошқа жуда кўп жангларда ғолиб бўлишган ва бундай жанглар беҳисобдир. Биз қуйида Бадр кўшини эга бўлган энг кўзга кўринган муҳим сифатларни келтириб ўтамыз, бундай сифатлар мусулмонларнинг Аллоҳ томонидан бериладиган нусратга лойиқ бўлишларига сабаб бўлади.

Бадр кўшини ва Исломи давлат

Росулуллоҳ ﷺ Маккаи Мукаррамадан ҳижрат қилганларидан кейин Мадинаи Мунавварада Исломи давлатни барпо қилдилар. Набий ﷺнинг мусулмонлар билан биргаликда ҳижрат қилишлари давлатнинг янги даври бошланишининг эълони бўлди. Бу янги даврга мувофиқ Ислом билан куфр ўртасидаги кураш табиати белгиланди ҳамда давлат фикрий ва сиёсий курашдан ҳарбий курашга кўчди. Яъни, мусулмонлар Маккаи Мукаррамада ишнинг бошида мушрикларга қарши жанг қилмаган эдилар. Ҳижратдан кейин эса, бандаларни бандаларга қуллик қилишдан Аллоҳга қуллик қилишга ҳамда динлар зулмидан Ислом адолатига олиб чиқиш учун ҳарбий жангларни олиб бордилар. Улар шу жанглар орқали кофирларни Ислом ва мусулмонлар ҳукмронлигига ихтиёран ва мажбуран бўйсундирдилар. Демак, аввало мусулмонларнинг сиёсий вужуди бўлган Исломи давлат тикланди. Бу давлат ичкарида Исломни татбиқ қилиш, ташқарида Ислом давлатини жиҳод орқали бутун оламга етказиш орқали мусулмонларнинг ички ва ташқи ишларини бошқарар эди. Демак, жиҳод исломи давлатни бутун оламга ёйишнинг шаръий тариқати бўлиб, у Ислом давлати ташқи сиёсатининг марказидир. Жиҳод ҳарбий куч билан, яъни кўшин билан амалга оширилади. Давлат эса, кўшин йиғиб, уларни Аллоҳнинг йўлида жиҳод қилишга сафарбар қилади.

Шунинг учун, ҳар қандай кўшин аввало сиёсий қарорга, яъни давлат ва Халифалик қарорига эга бўлсагина, у кўшин деб номланади ҳамда унда кўшин учун керакли ҳарбий сифатлар тўла бўлади. Бу кўшин қарор соҳиби бўлган киши, яъни халифа томонидан чиқарилган қарорни бажариш билангина жиҳод орқали давлатни етказиш вазифасини амалга оширади. Ибн Умардан ривоят қилинган ҳадисда Росулуллоҳ ﷺ айтадилар:

«أَمْرُ أَنْ أَقَاتِلَ النَّاسَ حَتَّى يَشْهَدُوا أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ، وَأَنَّ مُحَمَّدًا رَسُولُ اللَّهِ...»

«Одамлар Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ ва Муҳаммад Аллоҳнинг элчиси, деб гувоҳлик бергунларигача уларга қарши жанг қилишга буюрилдим...». (Бухорий саҳиҳи). Демак, Росулуллоҳ ﷺ давлатнинг сиёсий қарор соҳиби бўлган ҳокими сифатида Абу

Суфён карвони йўлини тўсиш қарорини чиқардилар. Воқеалар йўналиши карвонни таъқиб этишдан Қурайш билан жанг қилиш ва унга ҳарбий қаршилик кўрсатиш томонига ўтганидан кейин уруш қилиш қарорини қабул қилдилар. Давлат марказий нуқта бўлиб, кўшин давлат қарори билан шу нуқтадан жангга чиқади ва ўз вазифасини бажариб, кейин базасига қайтади. Агар кўшинга кутилмаганда душман ҳужум қилса, кўшиннинг бу душманга кучи етмайдиган бўлса, кўшин ўз гуруҳига (имоми ҳузурига) қайтади. Ибн Умардан ривоят қилинган ҳадисда у айтади: **«Росулуллоҳ ﷺ бизни бир сарияда жангга юбордилар. Шунда одамлар душманга ҳужум қилишдан қочдилар (бўйин товладилар). Биз энди ҳалок бўлдик (жангдан бўйин товлаб осий бўлдик) дедик ва Мадинага келиб (жангдан қочганимиз учун уялиб) яшириндик. Сўнг Росулуллоҳ ﷺнинг ҳузурига келиб: Эй Росулуллоҳ биз жангдан бўйин товловчилармиз, дедик. Шунда у Зот: Сизлар аккорсизлар (ёрдам олиш учун имоми ҳузурига қайтувчисизлар), дедилар».** (Термизий сунани: Ҳасан ҳадис). Буларга асосланиб айтиш мумкинки, Бадр кўшини давлат буйруғига бўйсунадиган ва унинг қайтарганидан қайтадиган Исломиё давлат жиҳозларидан бир жиҳоз бўлган. Мусулмонларнинг бугунги кўшинлари сони кўп ва тайёргарлиги етарли бўлса ҳам бундай эмас. Ҳа, бугунги кунда мусулмонларнинг миллионлаб сондаги кўшинлари бор, лекин, уларни мусулмонлар юртларига бостириб кираётган кофирларга қарши жанг қилиш учун ҳаракатга келтирадиган халифаси, қалқони бўлган имоми қани?

Исломиё Халифалик давлати йўқлиги сабабли мусулмонларнинг кўп сонли кўшинлари казармалардан чиқмай қолди. Бу кўшинларнинг аскар ва зобитлари Фаластинга у ердаги Ақсо масжидига, Шомга ва у ердаги аёлларга ҳамда Роҳинга ва у ердаги ёш болаларга ёрдам кўрсатиш учун оёғини чанга ботирмай ойлик маошини кутиб ётишибди... Қолаверса, мустамлакачи кофир малай ҳукмдорлар воситасида уларни ўз хандақига жойлаб, улар билан мусулмонларга зарба бермоқда. Бу кўшинлар кўп ҳолларда, масалан Мисрдаги Таҳрир ва Робиа Адавий майдонида мусулмонлар фарзандларини ўлдиришмоқда. Шомда жиноятчи Баъс режими туғёнига қарши бош кўтарган Шом кўзғолончиларига Башарнинг ёлланма кучлари ҳамда Эрон ва Ҳизбуллоҳнинг кўнгилли жангчилари ўз кучини кўрсатмоқда. Бу кўшинлар ва хоин ҳукмдорлар муборак Фаластин заминини босиб олган яҳудийларга қарши номига бўлса ҳам қурол кўтариб қўйишмади.

Катъиятли қўмондонлик ва пухта режа:

Абу Суфён кутулиб, Қурайш кофирлари унга ёрдам кўрсатиш учун чиққанидан кейин Набий ﷺ жанг юз бериши муқаррарлигига ишонч ҳосил қилдилар. Лекин, Росулulloҳ ﷺ жангга чиқмадилар ва жангга ҳозирлик кўрмадилар. Масофа узоқ бўлгани сабабли давлат қароргоҳидан, яъни Мадинаи Мунавварадан мадад кучларини талаб қилиш қийинлашди. Вазият жуда танг аҳволда эди. Агар мусулмонлар Қурайшга қарши чиқмай қайтиб кетса, араблар орасида «Муҳаммад ва у билан бирга бўлганлар Қурайшга қарши чиқишдан кўрқиб қочиб кетди?» – деган гап бўлади. Бу билан мусулмонларнинг ва янги барпо бўлган Ислom давлатининг ҳайбати синади. Қолаверса, мусулмонлар қалбидаги исломий фикрат қуввати заифлашади. Бундан ташқари, мушрик араблар қабилалари ким ғолиб бўлишини билиш учун тоқатсизлик билан кутаётган эди. Бошқа томонда эса, Қурайш гердаиб, ўз қавмига қайтиб кетади. Унинг йигитлари бутлар олдида ва кўшиқчи аёллар ўртасида қилич ўйнатиб ўйин қилишади. Улар мажлисларда майхўрлик қилиб, шоирлари мусулмонлар устидан эришилган зафар ҳақида фахрланиб шеър битишади. Бутун араб ярим ороли, унинг олд томонидаги яҳудийлар ва мунофиқлар ҳамда орт томондаги румлик ва форсликлар «Муҳаммад ва унинг асҳоблари ҳеч нарсага эришмай ортга қайтиб кетишди» – деб гапиришади.

Бундан ташқари, бу воқеалар ҳақида тарқалган хабарларнинг оқибатлари ваҳимали ва жамоатчилик фикрига таъсири кучли бўлади. Маҳаллий жиҳатдан Мадинаи Мунавварадаги яҳудий ва мунофиқларга, регионал жиҳатдан Араб ярим оролидаги араб қабилаларига, халқаро жиҳатдан Араб ярим оролига кўшни оламнинг энг буюк давлатлари бўлган Форс ва Рум давлатларига бу воқеалар кучли таъсир қилади... Шунинг учун, нима қилиш керак: Мусулмонлар қайтиб кетадиларми ёки жангга кириб, бутун уруш оқибатларини кўтарадиларми?

Росулulloҳ ﷺ асҳоблари орасида туриб «**Эй одамлар, менга маслаҳат беринглар**» – дедилар. Сўнг Абу Бакр ва Умардан ўзи истаган гапни эшитдилар. Кейин «**Менга маслаҳат беринг, эй одамлар**», деб яна такрорладилар. Росулulloҳ ﷺ ушбу сўзлари билан ансорларни назарда тутган эдилар. Чунки ансорлар ўз фарзандлари ва аёлларини нимадан ҳимоя қилсалар, ўша нарсадан Росулulloҳ ﷺни ҳам ҳимоя қилишга байъат беришган эди. Росулulloҳ ﷺ ансорларнинг «Мадинада у зотга хужум қилган душмандангина у зотни ҳимоя қилиш бизнинг зиммамиздадир» деб тушунган бўлишларидан кўрқаётган эдилар. Ансорлар

Росулulloҳ ﷺнинг уларни назарда тутганликларини билишгач, у зотнинг байроқдори Саъд ибн Муоз Росулulloҳ ﷺга қайрилиб: Аллоҳга қасамки, сиз бизни назарда тутаётганга ўхшайсиз? – деди. Росулulloҳ ﷺ «ҳа» – дедилар. Шунда Саъд ибн Муоз шундай деди: «Биз сизга имон келтирдик, сизни тасдиқладик, сиз келтирган нарсани ҳақлигига гувоҳлик бердик ва бунинг устида кулоқ тутиб итоат қилишга аҳду-паймон бердик. Эй Росулulloҳ, хоҳлаганингизни қилаверинг, биз сиз билан биргамиз. Сизни ҳақ ила юборган зотга қасамки, агар бизга бир денгизни кўрсатиб унга шўнғисангиз, биз ҳам ортингиздан битта қолмай шўнғиймиз. Эртага душманга йўликишдан кўркмаймиз. Биз уруш вақтида сабр қиламиз, тўқнашув пайтида сизга содиқмиз. Шоядки, Аллоҳ бизга кўзингизни қувонтирадиган ишларни насиб этса. Сиз бизни Аллоҳнинг баракоти билан йўлга бошланг. Саъд сўзини тугатмасиданоқ Росулulloҳ ﷺнинг юзи хурсандчиликдан ёришиб кетди ва шундай дедилар: **«Юринглар ва хурсанд бўлинглар! Аллоҳ Таоло менга икки тоифадан бирини ваъда қилди. Мен у қавмнинг йиқиладиган жойларини кўраётгандекман».** (Исломиё давлат китоби).

Ушбу етакчилик услуби билан Росулulloҳ ﷺ мусулмонлар руҳиятини кўтаришга ва уларни шижоатлантиришга эришдилар. Зеро, жанг юз беришидан олдин нусрат ҳақида хуш-хабар бердилар. Бу бир томондан. Бошқа томондан, муҳожир ва ансорларнинг вакиллари орқали кўшин жангчиларининг розилигини олиб ва уларнинг ихтиёри билан жанг қарорини қабул қилдилар. Эҳтимол, Росулulloҳ ﷺ томонидан уларнинг розилиги билан жанг қарорини қабул қилиниши жангга иқбол қилишга ва жанг майдонида сабот билан туришга сабаб бўлар. Мана шундан кейин жангни бошлашдан олдин фақат керакли координаталарни белгилаш қолди. Яъни, душманнинг жойлашган ўрнини, сони ва тайёргарлигини билиш, кўшинга лагер тикиладиган жойни ва жанг майдонини белгилаш ҳамда мусулмон разведкачилар аниқлаган координаталарга мувофиқ жанг режасини тузиш қолди. Ибн Исҳоқ Муҳаммад ибн Яҳё ибн Ҳиббондан ривоят қилиб айтади: «Росулulloҳ ﷺ бир араб қария устида тўхтаб, ундан Қурайш ҳақида, Муҳаммад ва унинг асҳоблари ва унга етиб келган уларга доир хабарлар ҳақида сўрадилар. Шунда қария: Менга кимлигингизни айтмагунингизга қадар мен сизга бирор хабар айтмайман, деди. Росулulloҳ ﷺ: **«Агар бизга хабар айтсангиз биз ҳам айтамыз»** – дедилар. Қария: сиздан угина, биздан бугинами? – деди. Росулulloҳ ﷺ: Ҳа – дедилар. Қария шундай

деди: Менга етиб келган хабарга кўра, Муҳаммад ва унинг асҳоблари фалон куни чиққан. Агар менга хабар берган киши тўғри айтган бўлса, улар бугун фалон жойда, деб Росулulloҳ ﷺ жойлашган жойга ишора қилди. Яна шундай давом эттирди: Менга етиб келган хабарга кўра, Қурайш фалон куни чиққан. Агар менга хабар берган киши тўғри айтган бўлса, улар бугун фалон жойда, деб Қурайш жойлашган жойга ишора қилди. У сўзини тугатиб, сизлар кимсизлар – деди. Росулulloҳ ﷺ: «Биз сувданмиз» – деб қайтиб кетдилар... Ибн Исҳоқ Бану Саламадан бўлган кишилардан уларнинг шундай деб айтганларини ривоят қилади: Хубоб ибн Мунзир ибн Жамуҳ айтади: Эй Росулulloҳ, бу жой Аллоҳ сизни туширган, биз учун бориш ва бормасликда ихтиёр бўлмаган жойми ёки бу раъй, уруш ва хийлами? Росулulloҳ ﷺ: «**Бу раъй, уруш ва хийладир**» – дедилар. Хубоб ибн Мунзир шундай деди: «Бу яхши манзил эмас, одамларни турғизинг, биз улардан кўра сувга яқинроқ жойга борайлик. Биз у ерга тушиб уларнинг ортидаги қудуқларни кўмиб ташлаймиз ва бир ҳовуз қуриб, уни сувга тўлдирамиз, сўнг уларга қарши жанг қиламиз. Шунда биз сув ичамиз, улар ича олмайдилар». Росулulloҳ ﷺ: «**Яхши раъй билдирдинг...**» – дедилар. Ибн Исҳоқ Абдуллоҳ ибн Абу Бакрдан Саъд ибн Муознинг шундай деб айтганини ривоят қилади: «Эй Аллоҳнинг пайғамбари, сизга чодир тикиб у ерга уловларингизни тайёрлаб қўйиб, кейин душманамиз билан жангга кирмайликми?! Агар Аллоҳ бизни азиз қилиб, душманларимиз устидан ғолиб қилса, бу биз истаган нарса бўлади. Агар бошқача бўлса, сиз уловларингизга миниб ортимизда қолганларга етиб оласиз. Зеро, бу ерга сизнинг ҳузурингизга келмай ортда қолган кишилар ҳам бор. Эй Аллоҳнинг пайғамбари, биз сизни улардан кўра қаттиқроқ яхши кўролмаймиз. Агар улар сизнинг жангга киришингизни билишганида ортда қолмаган бўлардилар, Аллоҳ улар билан сизни ҳимоя қилар эди. Улар сизга дўстона маслаҳат бериб, сиз билан бирга жиҳод қилар эдилар. Шунда Росулulloҳ ﷺ унга яхши мактовлар ўқидилар ва унга яхшилик тилаб дуо қилдилар». (Сийрати ибн Ҳишом, 1 жилд, 616 – 621 саҳифа).

Кейин, Росулulloҳ ﷺ кўшиннинг сафларини тартибга келтирдилар. Муҳаммад ибн Исҳоқ Ҳиббон ибн Восийдан, у ўз қавмининг шайхларидан ривоят қилган ҳадисда айтади: «Росулulloҳ ﷺ Бадр кунда асҳоблари сафларини тартибга келтирдилар. У зотнинг қўлида камон ўқи бор бўлиб, у билан сафларни тартибга келтирар эдилар. Бану Ади ибн Нажжор иттифоқчиси бўлган Сувод ибн Ғазийя ёнидан ўтганларида унинг

сафдан чиқиб турганини кўриб, қорнига ўқ билан урдилар ва «**Эй Сувод ибн Ғазийя тўғри тур**» – дедилар... (Тарихи Табарий, 2 жилд, 446 саҳифа). Росулulloҳ ﷺ кўшин ортидан юрадиган пиёдаларга Қайс ибн Абу Саъсаа Амр ибн Зайд ибн Авф ибн Мабзулни бошлиқ қилиб тайинлади. Унга кўшин сувдан (қудук ёнидан) узилган пайтда мусулмонларни санашни буюрди. У бунинг учун Абу Анба қудуғи олдига тўхтаб уларни санади ва бу ҳақда Росулulloҳ ﷺ га хабар берди. У ўзининг олдидан икки кишини мушриклар олдига бориб хабар келтирадиган жосус қилиб тайинлади. Улар Сабс ибн Амр ва Адий ибн Абу Зағболар бўлиб, бу иккиси ансорлар иттифоқчиси бўлган Жухайна қабиласидан эди. Улар Бадр қудуғи олдига бориб, маълумот тўплашди, сўнг Росулulloҳ ﷺ нинг олдидан қайтиб келишди. (Имтоул Асмо, 1 жилд, 84 саҳифа).

Катта Бадр ғазотидаги етакчилик ва пухта режа тузиш санъатининг ушбу қисқача шарҳидан кейин 180 даражага буриламизда, мусулмонларнинг бугунги воқелигига тўхталиб ўтамиз. Зеро, бугун мусулмонларнинг қатъиятли, пухта режа тузувчи ва мусулмонларга қайғурувчи етакчиси йўқ. Мусулмонлар ҳукмдорлари хиёнатда бош бўлиб, улар юрту фуқарони мустамлакачи кофирга топшириб қўйишди. Улар юрту фуқарони мустамлакачи кофирга ҳеч қандай эвазсиз ҳадя қилишди. (Ортидан яна ўлпон тўланадиган ҳадя). Биз биламизки, Ҳофиз Асад Қунайтара қулашидан олдин унинг яхудийлар қўли билан қулатилганини эълон қилди. Қирол Ҳусайн эса, ўз кўшини яхудийлар олдидан биринчи ўқ отилганидаёқ қочилари учун уларни эски қуроллар билан қуроллантирди. Анвар Садат эса, 1973 йилги октябр урушида Миср кўшини Бар-Лев линияси ва Сувайш каналини ёриб ўтишга эришганидан кейин, қолаверса, Аришга етиб борганидан кейин урушни тўхтатишга буйруқ берди. Бугун эса, Эрдоган «Фурот қалқони» амалиёти билан Ҳалаб шаҳрини Сурия режимига топширди ва «зайтун новдаси» амалиёти билан Шом қўзғолонини қулфурушлар бозорида сотди. У ўзини бу амалиётлари билан «золим подшоҳлик» етакчилари қаторидан ўрин олди. Лекин золимлар туни ҳар қанча узун бўлса ҳам, Ислом ва мусулмонлар азизликка эришадиган кун, Пайғамбарлик минҳожидан асосидаги рошид Халифалик тонги яқиндир.

Бадр кўшинининг ҳарбий сақофати жиҳодий сақофатдир

Аллоҳ Табароқа ва Таоло айтади:

﴿يَا أَيُّهَا النَّبِيُّ حَرِّضِ الْمُؤْمِنِينَ عَلَى الْقِتَالِ﴾

«Эй пайгамбар, мўминларни жангга чорланг!» [Анфол 65]

Шавконий айтади: Аллоҳ Таолонинг «мўминларни жангга чорланг» – деб айтган сўзи: уларни кўзганг ва унданг – деганидир. Чорлаш сўзининг луғатдаги маъноси: ундашда муболаға қилишдир... (Фатҳул Қадир, 2 жилд, 370 саҳифа). Зилол соҳиби айтади: Кейин, мўминларни Аллоҳ йўлида жанг қилишга чорлаш буйруғи келади. Зеро, бу чорлов билан ҳар бир жон (жангга) ҳозир бўлади, ҳар бир қалб тайёрланади, ҳар бир асаб ва томир таранглашиб, қалбларга хотиржамлик ва ишонч кириб боради... (Фи Зилалил Қуръон, 3 жилд, 1549 саҳифа). Анас ибн Молик رضي الله عنه дан ривоят қилинган ҳадисда Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم айтадилар:

«**قَوْمُوا إِلَى جَنَّةِ عَرْضِهَا السَّمَاوَاتُ وَالْأَرْضُ**»

«Кенглиги осмонлару ерча бўлган жаннат сари кўзғалинглар».

Умайр ибн Хумом Ансорий: Эй Росулulloҳ, жаннатнинг кенглиги осмонлару ерчами? – деди. Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم «**Ха**» – дедилар. У: оҳ-оҳ – деди. Шунда Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم: Сени оҳ-оҳ деб айтишга нима ундади – дедилар. У: Эй Росулulloҳ, унинг аҳлидан бўлиш умиди – деди. Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم: «**Сен унинг аҳлидансан**» – дедилар. Шунда у, ўқдонидан хурмоларни чиқариб, ея бошлади. Кейин, агар мен шу хурмоларимни еб бўлгунимгача яшасам бу жуда узун ҳаёт бўлади – деди. У ёнидаги хурмоларини ташлаб, мушрикларга қарши то ўлдирилгунимгача жанг қилди». (Муслим саҳиҳи).

Юқорида айтилганлар шунга далолат қиладики, жиҳодий ҳарбий сақофат фарз бўлиб, у ҳарбий фанларга киритилиши керак. Чунки у жиҳод аҳкомларидандир. Жиҳод эса, бошқа халқларга исломий даъватни етказишнинг шаръий тариқатидир. Бадр кўшини ушбу сақофатни амалда ўзлаштиришда биринчилардан бўлди. Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم жангдан олдин мусулмонларни жангга чорлаб, уларни сабрга ва душман олдида сабот билан туришга чақирдилар ҳамда уларга Аллоҳ йўлида жиҳод қилиш ва шаҳид бўлишнинг ажрини шарафли қилиб кўрсатдилар. Шунинг учун мусулмонлар душманга яқинлашар экан, уларнинг олдида жаннат намоён бўлар ва худди намозга саф тортгандек ўлим учун саф тортар эдилар. Уларнинг кўзига қийинчилик ва машаққатлар арзимас бўлиб кўринар, Аллоҳ Субҳанаҳунинг розилигига эришиш умидида ўзлари учраши мумкин бўлган барча қийинчиликка сабр-тоқат қилишар эди. Катта Бадр ғазотида мусулмон жангчининг руҳиятига ҳарбий сақофатнинг таъсири кучли бўлди. Сиз Умайр ибн Хумомнинг хурмоларини ташлаб мушриклар орасига қандай отилиб кирганига ва ҳатто шаҳид бўлиб Аллоҳга йўлиққунимгача

уларга ҳужум қилганига бир қаранг! Муаввиз ибн Афрога ва Муоз ибн Амр ибн Жамухга бир қаранг! Улар ёш бўлишларига қарамай, Абу Жаҳлга ташландилар ва Бану Маҳзум уни ўрмондек ўраб турганига қарамай, унга зарба бериб кулатдилар. Уларнинг ҳолати гўё: «У биздан олдин ўлмагунига қадар соямиз унинг соясини тарк этмайди» – деётгандек эди.

Бунинг акси ўлароқ, 1967 йили яҳудий вужуди олдида мағлубиятга учраган араб давлатлари қўшинларининг ҳарбий сақофати Исломдаги ҳарбий сиёсатга асосланган жиҳодий ҳарбий сақофат бўлмаган эди. Балки, у душманни кучсиз қилиб кўрсатиш ўрнига унинг қувватини бўрттириб кўрсатадиган ҳарбий сиёсатга асосланган ватанпарварлик ёки миллий сақофат эди. Бундай сақофат билан тарбияланган араб жангчиси душмани қаршисига қалби кўркувдан титраган ҳолда чиқди. Шунинг учун у яҳудийлар қўшини олдида бир неча кун ҳам тура олмади. Саҳналаштирилган ушбу сахна ўйинида муборак Фаластин замини шармандаларча яҳудийларга топширилганига тарих гувоҳдир. Бугунги кунда террорга-Исломга қарши уруш мусулмонлар армияси ҳарбий сақофатида марказий ўринни эгаллади. Бу билан мусулмонлар ўз ўрталарида кучли-қудратли бўлиб қолдилар. Улар Америка, Россия ва яҳудийларга қарши бир саф бўлиб туриш ўрнига бир-бирларини қиришмоқда. Шундай қилиб, Аллохнинг йўлида жиҳод қилиш бекор қилинди ва кофир мусулмонлар юртларида истаганча иш тутадиган бўлиб қолди. Фаластин зое кетди, Афғонистон, Шарқий Туркистон, Қрим ва булардан бошқа юртлар босиб олинди. Қуруклигимиз, денгизимиз ва ҳаво бўшлиғимиз мустамлакачи кофир учун истаганча кезиб юрадиган майдонга айланди. Мусулмонлар армиялари кофирнинг ҳаракатларини кузатиб турибди, унинг тажовузига қарши жавоб қилмаяпти. Мусулмонлар армиялари унинг ортидан хорларча эргашиб, баъзида қўшма ҳарбий машғулотларда иштирок этса, баъзида, Яман, Ироқ, Сурия ва Афғонистонда мусулмонларни қирғин қилишда унинг буйруқларини бажармоқда.

Бадр қўшини ва ақида робитаси:

Мадинаи Мунавварада Ислом ва ақида робитаси асосида тузилган исломий жамиятга ўхшаб, Бадр қўшини ҳам исломий ақида асосида тузилди. Қўшин таркиби асл келиб чиқиши Адноний бўлган муҳожирлардан ва асл келиб чиқиши Қахтоний бўлган Авс ва Хазраж ансорларидан ташкил топди. Бу қўшинда араб, ҳабаш ва румлик бўлган турли ирқ ва синфлар қоришиб кетди, синфий тафовут йўқолди. Озод қилинган қуллар ҳам

бошқалар каби тенг ҳуқуқли бўлди. Олий табақанинг куйи табақадан афзаллиги фақат тақво билан бўлди. Уларнинг барчаси – Аллоҳ улардан рози бўлсин – миллий ўзликларини ортга улоқтириб, Росулulloҳ ﷺ байроғи остида бирлашдилар. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَإِنْ يُرِيدُوا أَنْ يَخْدَعُوكَ فَإِنَّ حَسْبَكَ اللَّهُ هُوَ الَّذِي آتَىكَ بِنَصْرِهِ وَبِالْمُؤْمِنِينَ ﴿٦٢﴾ وَالْفَ بَيْنَ قُلُوبِهِمْ لَوْ أَنْفَقْتَ مَا فِي الْأَرْضِ جَمِيعًا مَّا أَلْفَتْ بَيْنَ قُلُوبِهِمْ وَلَكِنَّ اللَّهَ أَلْفَ بَيْنَهُمْ إِنَّهُ عَزِيزٌ حَكِيمٌ﴾

«Агар улар сизни алдамоқчи бўлсалар, бас, албатта сизга Аллоҳнинг ўзи кифоядир. У сизни ўз ёрдами ва мўминлар билан қувватлантирган ва уларнинг (мўминларнинг) дилларини бирлаштирган зотдир. Агар (сиз) ердаги бор нарсани сарфласангиз ҳам, уларнинг дилларини бирлаштира олмаган бўлур эдингиз. Лекин Аллоҳ уларни бирлаштирди. Албатта, У қудратли, ҳикматлидир» [Анфол 62-63]

Муҳожирлар ўз насабларини унутдилар, ансорлар (Буос кунидаги) хотираларини рад этдилар. Мусулмонлар орасидаги қуллар сайийдга айланиб, Қурайшнинг энг сара кишиларига қарши курашда биринчи сафдан ўрин олдилар ва уларнинг қиличлари бир сафда кўтарилди. Улар Аллоҳга, Росули ва мўминларга дўст, куфр ва кофирларга душман бўлганлари учун Аллоҳнинг душманларини – агар улар ўзларини энг яқин қариндошлари бўлса ҳам – ўлдирдилар, асирга олдилар. Ибн Асокир Ибн Сирриндан ривоят қилиб айтади: Абдуррахмон ибн Абу Бакр Бадр кунида мушриклар билан бирга эди. У Исломга киргач отасига: Сиз Бадр кунида менга дуч келдингиз ва мен сизни ўлдирмай қайтиб кетдим – деди. Шунда Абу Бакр: Лекин, агар сен менга дуч келганингда мен қайтиб кетмас эдим – деди. (Суютийнинг Халифалар тарихи китоби, 33 саҳифа). Аллоҳ Таолонинг

﴿لَا تَجِدُ قَوْمًا يُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ يُوَادُّونَ مَنْ حَادَّ اللَّهَ وَرَسُولَهُ وَلَوْ كَانُوا آبَاءَهُمْ أَوْ أَبْنَاءَهُمْ أَوْ إِخْوَانَهُمْ أَوْ عَشِيرَتَهُمْ﴾

«Аллоҳга ва охираат кунига имон келтирадиган қавмнинг Аллоҳ ва Унинг пайғамбари чизган чизиқдан чиққан кимсалар билан — гарчи улар ўзларининг оталари ёки ўғиллари ёки ога-инилари ёки қариндош-уруғлари бўлсалар-да, дўстлашаётганларини топмассиз» [Мужодала 22]

сўзи тафсирида Куртубий айтади: Ибн Масъуд бу оят Абу Убайда ибн Жарроҳ ҳақида нозил бўлган, у Бадр куни (бошқа ўринда Уҳуд кунида деб келади) отаси Абдуллоҳ ибн Жарроҳни ўлдирган – дейди. (Куртубий тафсири, 17 жилд, 307 саҳифа). Мусъаб ибн Умайрнинг бир ота-онадан бўлган иниси Абу Азиз ибн Умайр ибн Ҳишом асирлар орасида эди. Абу Азиз айтади: Иним Мусъаб ибн Умайр ва мени асирга олган ансорлардан бўлган киши ёнимдан ўтди. Шунда Мусъаб: Унга қўлингни чўз, чунки унинг онаси бой, эҳтимол, уни сендан сотиб олар – деди. (Сийрати Ибн Ҳишом, 1 жилд, 645 саҳифа).

Ибн Исҳоқ айтади: Менга аҳли илмларнинг баъзилари Росулulloҳ ﷺнинг шундай деганларини ривоят қилишди:

«يَا أَهْلَ الْقَلَيْبِ، بِنَسِّ عَشِيرَةِ النَّبِيِّ كُنْتُمْ لِنَبِيِّكُمْ، كَذَّبْتُمُونِي وَصَدَّقَنِي النَّاسُ، وَأَخْرَجْتُمُونِي

وَأَوَانِي النَّاسُ، وَقَاتَلْتُمُونِي وَنَصَرْتَنِي النَّاسُ...»

«Эй қудук аҳли, ўз пайғамбарини ёлғонга чиқарган пайғамбар уруғи нақадар ёмон. Зеро, сизлар мени ёлғонга чиқардингиз, одамлар тасдиқлади. Мени чиқариб юбордингиз, одамлар бошпана берди. Менга қарши жанг қилдингиз, одамлар менга ёрдам берди...». (Бидоя ва Ниҳоя, 5 жилд, 151 саҳифа).

Росулulloҳ ﷺ бу билан Бадр куни ўлдирилган мушрикларни назарда тутдилар. Бу сўзлар мусулмонлар уларни қудукка ташлаганларидан кейин айтилган эди. Дарҳақиқат, исломий ақида робитаси ўша пайтда Араб ярим оролига ҳукмронлик қилган барча робиталардан ажралиб турувчи мустаҳкам демографик тузилмани вужудга келтирди. Мусулмонлар шу ақида билан уйғондилар. Бу уйғониш уларни юксалтирди ва уларни одамлардан алоҳида ягона умматга айлантди. Улар каттаю кичик барча куфр кучлари устидан шу ақида билан ғолиб бўлдилар. Ҳатто уларга бутун араблар, Форс ва Рум ихтиёран ёки мажбуран бўйсунди.

Мен бугунги мусулмонлар кофир душманлари олдида мағлубиятга учраганларидан қандай зиён кўрганларини билмайдилар, деб ўйламайман. Зеро, уларнинг юртлари миллатчиликка ва ватанпарварликка асосланган давлатларга бўлиниб кетди.

Улар Аллоҳга садоқат кўрсатган эдилар, Аллоҳ ҳам уларга садоқат кўрсатди:

Абу Ҳурайра رضي الله عنه Росулulloҳ ﷺнинг шундай деб айтганларини ривоят қилади:

«إِنَّ اللَّهَ - عَزَّ وَجَلَّ - أَطَّلَعَ عَلَى أَهْلِ بَدْرٍ فَقَالَ: اْعْمَلُوا مَا شِئْتُمْ، فَقَدْ عَفَرْتُ لَكُمْ»

«Аллоҳ Азза ва Жалла Бадр аҳлига қараб шундай деди: Хоҳлаганингизни қилинг, Мен сизларни мағфират қилдим». (Муснади Аҳмад). Бадр аҳли Аллоҳга садоқат кўрсатган эди, Аллоҳ ҳам уларга садоқат кўрсатди. Улар Ислом давлатини барпо қилганларида Аллоҳга содиқ бўлдилар. Кейин, Росулulloҳ ﷺнинг буйруғи билан жангга чиққанларида Аллоҳга содиқ бўлдилар. Бу жанг катта Бадр ғазоти бўлган эди. Улар Аллоҳга содиқ бўлиб, Унинг ва Росулulloҳ ﷺнинг буйруғини бажарганлари сабабли ушбу буюк ғазотда Аллоҳ уларни Ўз даргоҳидан бўлган аскарлар билан қўллаб-қувватлади. Мусулмонлар жисмига роҳат бағишлаш учун Аллоҳ уларни Ўз тарафидан уйкуга чўмдирди. Шунда улар соғлом, кучли ва жангга шай бўлиб уйғондилар. Уларнинг устидан ёмғир ёғдириб, улардан шайтон васвасасини кетказди ва уларни жанобатдан поклади. Мусулмонлар жойлашган жой қумли бўлгани учун ёмғир қумни қатириб юришга қулайлаштирди. Мушриклар жойлашган жой қумсиз бўлгани учун ёмғир у жойни балчиққа айлантирди. Шунингдек, Аллоҳ уларни фаришталар билан қўллаб-қувватлади ва кофирлар қалбига кўркув солди. Аллоҳ Субҳанаху айтади:

﴿إِذْ يَعْشِقُكُمُ الثَّعَالَىٰ مِنْهُ وَيُنزِلُ عَلَيْكُمْ مِنَ السَّمَاءِ مَاءً لِّيَطَهِّرَكُمْ بِهِ وَيُذْهِبَ عَنْكُمْ رَجْزَ الشَّيْطَانِ وَلِيَرْبِطَ عَلَىٰ قُلُوبِكُمْ وَيُثَبِّتَ بِهِ الْأَقْدَامَ ۗ﴾ ﴿إِذْ يُوحِي رَبُّكَ إِلَى الْمَلَأِكَةِ أَنِي مَعَكُمْ فَتَثَبَتُوا الَّذِينَ ءَامَنُوا سَأَلْتَنِي فِي قُلُوبِ الَّذِينَ كَفَرُوا الرُّعْبَ فَأَضْرِبُوا فَوْقَ الْأَعْنَاقِ وَأَضْرِبُوا مِنْهُمْ كُلَّ بَنَانٍ﴾

«Ўшанда хотиржам бўлишингиз учун сизларни Ўз тарафидан уйкуга чўмдирган ва поклаб, сизлардан шайтон васвасасини кетказиш учун дилларингизни бир ва қадамларингизни маҳкам қилиш учун устингизга самодан сув-ёмғир ёғдирган эди. (Эй Муҳаммад), ўшанда Парвардигорингиз фаришталарга: «Албатта, Мен сизлар билан биргаман, бас, сизлар имон келтирган зотларнинг (нусрат қозонишларига бўлган ишончларини) маҳкамланглар! Мен кофир бўлган кимсаларнинг дилларига кўркув солажакман. Бас, уларнинг бўйинларини узинглар, бутун-ҳамма бармоқларини чопинглар», деб ваҳий қилган эди» [Анфол 11-12]

Аллоҳ Росулulloҳ ﷺга тушларида мушрикларни оз қилиб кўрсатиш орқали ўз қудратини намоён қилди:

﴿إِذْ يُرِيكُمُ اللَّهُ فِي مَنَايِكَ قَلِيلًا وَلَوْ أَرَدْنَاكُمْ كَثِيرًا لَفَشَلْنَاكُمْ وَلَتَنزَعْتُمْ فِي الْأَمْرِ وَلَكِنَّ اللَّهَ سَلَّمَ إِنَّهُ عَلِيمٌ بِذَاتِ الصُّدُورِ﴾

«(Эй Муҳаммад), сизга тушингизда Аллоҳ уларни оз кўрсатганини эсланг! Агар сизга уларни кўп кўрсатганда эди, албатта сизлар сустлашиб қолган ва бу иш (яъни кофирларга қарши жангга чиқиш) хусусида тортишиб қолган бўлур эдингизлар. Лекин Аллоҳ сизларни бундан сақлади. Албатта, у дилларни эгаллаб олган сирларни билгувчидир» [Анфол 43]

Мужоҳид айтади: Набий ﷺ тушларида уларни оз сонда кўрдилар, сўнг буни асҳобларига айтиб бердилар. Аллоҳ бу билан мўминларни собитқадам қилди... (Қуртубий тафсири, 8 жилд, 22 бет). Аллоҳ Таоло қилинадиган ишни амалга ошириш учун, яъни мушрикларни йиқиладиган жойларига туртиш ва мусулмонларни Аллоҳнинг нусратига ишонган ҳолларида олға босишга ундаш учун мушриклар кўзига мусулмонларни оз қилиб, мусулмонлар кўзига мушрикларни кам қилиб кўрсатган пайтида Аллоҳнинг қудрати арши аълода намоён бўлди:

﴿وَإِذْ يُرِيكُمُوهُمْ إِذِ التَّقَاتُمْ فِي أَعْيُنِكُمْ قَلِيلًا وَيُقَلِّلُكُمْ فِي أَعْيُنِهِمْ لِيَقْضَى اللَّهُ أَمْرًا كَانَ مَفْعُولًا وَإِلَى اللَّهِ تُرْجَعُ الْأُمُورُ﴾

«(Эй мўминлар), Аллоҳ қилинадиган ишни амалга ошириш учун тўқнашган пайтингизда сизларнинг кўзингизга уларни кам қилиб кўрсатганини, уларнинг кўзларига эса сизларни оз қилиб кўйганини эслангиз! Барча ишлар Аллоҳга қайтарилур» [Анфол 44]

Ибн Масъуд رضي الله عنه айтади: Улар кўзимизга оз бўлиб кўринди, ҳатто мен ёнимдаги кишига: кўряпсанми, улар етмиштами – дедим. У: менингча улар юзта – деди. Сўнг биз бир кишини асирга олиб, унга: нечта эдинглар? – деб айтдик. У: мингта эдик – деди. Саддий айтади: Мушрикларнинг баъзилари: карвон ўтиб кетди, бас шундай экан, сизлар қайтинглар – дейишди. Шунда Абу Жаҳл: Сизларга энди Муҳаммад ва унинг асҳоблари кўрингандая? уларни таг-томири билан йўқ қилмагунигизгача қайтманглар, Муҳаммад ва унинг асҳоблари юзтагаям етмайди – деди. (Бағавий тафсири, 2 жилд, 298 саҳифа). Ибн Асирда шундай келади:

Абдулмутталибнинг қизи Отика Маккага (Абу) Замзам келишидан уч кун олдин кўрқинчли туш кўрди. У кўрган тушини акаси Аббосга айтиб, уни сир сақлашини илтимос қилди. У шундай деди: Туяга минган одамни кўрдим, у Абтоҳга келиб тўхтади. Баланд овозда: Эй оли ғудар (вафосизлар) уч кун

давомида ўлим топадиган жойингизга келинг! – деб бақирди. Отика айтади: Мен унинг олдига одамлар тўпланганини кўрдим. Кейин Масжидга кирди, сўнг туясини ҳайдаб Каъбанинг ортига тўхтади. Кейин айна шаклда яна бақирди. Сўнг туясини ҳайдаб, Қубайс тепалигига чиқиб, айна шаклда яна бақирди. Сўнг бир катта қоя парчасини олиб, пастга думалатди. Пастга думалаган қоя парчаланиб кетди. Маккада қоя парчаси кирмаган бирон уй қолмади»... «Қурайш Жухфага етганида Жухайм ибн Салт ибн Махрама ибн Мутталиб ибн Абдуманноф туш кўрди. У шундай деди: Мен тушимда отнинг устига келган бир кишини кўрдим. Унинг ёнида туяси бор эди. У: Утба, Шайба, Абу Жаҳл ўлдирилди деди ва улардан бошқа ўша куни ўлдирилган одамларни айтди. Яна давом этиб шундай деди: Кўрдимки, у туясининг бўғзига уриб, сўнг уни лагер тикилган жойга қўйиб юборди. Унинг кони етмаган бирон чодир қолмади». Шунда Абу Жаҳл: Бану Мутталибдан яна бир пайғамбар топилди, эртага ким ўлдирилишини билиб олади – деди. (Комил фиттарих, 2 жилд, 13 - 17 бет). Бу икки тушнинг Қурайш кофирлари руҳиятига таъсири кучли бўлди. Шунинг учун улар жангга истар-истамас, тараддуланиб чиқишди. Мусулмонлардаги мавжуд жасорат уларда йўқ эди. Чунки икки яхшиликдан бирига, яъни нусрат ёки шаҳодатга ишонган ҳолда жанг майдонига чиққан мусулмон билан, қалбидаги нафрати ва қўлга киритмоқчи бўлган бир ҳовуч динорлар уни жангга киришга ундаган кофир ўртасида катта фарқ бор.

Аллоҳ Таоло «Фурқон куни» деб номлаган катта Бадр ғазоти мана шудир. Мусулмонлар муборак Рамазон ойида Бадр ғазотидаги ҳамда ушбу муборак ойда юз берган ҳар бир ғазот ва жангдаги азизлик исини туядилар. Улар Халифалик кулатилганидан бери юзта Рамазонни азизлик таъмини тотмай ва нусрат ҳаловатини туймай ўтказдилар. Урушга лаёқатсиз ҳамда Америка, Россия, Европа ва яҳудийларни дўст тутган ҳукмдорлар қўли остида мусулмонлар қандай азизлик таъмини тотсинлар? Бундай ҳукмдорлар ҳақида Аллоҳ Таоло шундай дейди:

﴿بَشِّرِ الْمُنَافِقِينَ بِأَنَّ لَهُمْ عَذَابًا أَلِيمًا ﴿٦٠﴾ الَّذِينَ يَتَّخِذُونَ الْكَافِرِينَ أَوْلِيَاءَ مِنْ دُونِ الْمُؤْمِنِينَ أَتَيْتُغُونَ عِنْدَهُمُ الْعِزَّةَ فَإِنَّ الْعِزَّةَ لِلَّهِ جَمِيعًا﴾

«Бундай мунофиқларга улар учун аламли азоб борлигидан «хушxabар» бериб қўйинг! Улар мўминларни қўйиб кофирларни дўст тутадилар. Улар ўша кофирлар олдидан куч-қудрат

излайдиларми?! (Овора бўладилар!) Зеро, бор куч-қудрат Аллоҳникидир» [Нисо 138-139]

Лекин бу ҳукмдорлар қочиб қутулиб бўлмайдиган қазо эмас. Чунки ҳукмдорлар саройлари уларни қулатишга ва уларнинг хиёнатидан одамларни кутқаришга шай турган Уммат оқимига дош беролмайдиган даражада заифдир. Дарҳақиқат, уларнинг айби очилиб ярқисизлиги фош бўлди, ёвузликларини яшириб турган ниқоблар тушди. Улардан куни кеча ваҳхобий (салафий) шайхлар тўнини кийган айримларини, бугун очиқчасига Америкага малайлик қилиб хоинлик қилишаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Ҳокимиятга келиш учун исломий шиорлар ортига яшириниб одамларни алдаётган айрим кишилар бугун Ироқ ва Шомда террорга қарши курашишга чақириб ҳайқиришмоқда. Куни кеча «Америкага ўлим» деб қичқираётганлар, бугун тоифачиликка чақириб Қуддусга ёрдам кўрсатишга ишлатилмаган қуроллари билан мусулмонларни ўлдирадиган бўлиб қолишди. Ҳолбуки, улар «Қуддус кўшини» дея Қуддус номи билан аталган қўшинни ташкил қилишган эди. Бироқ, бу қўшин Қуддусга ёрдам кўрсатиш учун асло ҳаракатга келмади.

Фақат халифагина, қалқон бўлган имомгина мусулмонларни хорликдан қутқаради. Халифага байъат берилиши билан мусулмонлар битта давлатда бирлашадилар. Халифанинг қичқариғи билан мусулмонлар армияси хоҳ енгил, хоҳ оғир ҳолида (яъни истаса, истамаса) Аллоҳ йўлида жиҳодга чиқади. Мусулмонлар армияси яҳудийларга қарши жанг қилиб, уларни ўлдиради ва Американи мағлуб қилади. Аллоҳ Американинг жанговар кемалари ва базаларини бизга ўлжа қилиб беради. Қолаверса, биз Америкага қарши ҳовлисининг ичида жанг қиламиз. Орамиздаги ёшлар: Эй Ҳалаб ва Ғута қўзғолончилари, биз Россиядан, Башардан ва мусулмонларга озор етказишга журъат қилганларнинг барчасидан қасос оламиз – деб ҳайқирадилар. □

ХИЗБ УТ-ТАХРИР АЪЗОСИ МУҲАММАД МУҲАЗЗИБ ҲАФФОФ
БУГУНГИ КУНДАГИ ФИДОЙИ АВЛОДНИНГ ЁРҚИН
НАМУНАСИДИР

﴿مَنْ الْمُؤْمِنِينَ رَجَالٌ صَدَقُوا مَا عَاهَدُوا اللَّهَ عَلَيْهِ﴾

**«Мўминлар орасида ўзлари Аллоҳга берган (У зотнинг
йўлида жиҳод қилиб, шаҳид бўлиш ҳақидаги) аҳду
паймонларига содиқ бўлган кишилар бор»**

Ҳажарий Саид – Яман

Аллоҳ Таоло азиз Китобида бундай деди:

﴿أَمْ حَسِبْتُمْ أَنْ تَدْخُلُوا الْجَنَّةَ وَلَمَّا يَعْلَمِ اللَّهُ الَّذِينَ جَاهَدُوا مِنْكُمْ وَيَعْلَمَ الصَّادِرِينَ﴾

**«(Эй мўминлар), ёки Аллоҳ сизларнинг ичингиздан ким ҳақ йўлда
курашган-у, ким сабр-тоқат қилганини мутлақо билмай туриб
жаннатга кирарми, деб ўйладингизми?!»** [Оли Имрон 142]

Яна бундай деди:

﴿مَا كَانَ اللَّهُ لِيَذَرَ الْمُؤْمِنِينَ عَلَىٰ مَا أَنْتُمْ عَلَيْهِ حَتَّىٰ يَمِيزَ الْخَبِيثَ مِنَ الطَّيِّبِ﴾

**«Аллоҳ мўминларни сизлар бўлган мана шу ҳолатда (яъни ким
мўмин-у, ким мунофиқлиги маълум бўлмаган ҳолатда) ташлаб
қўювчи эмас. Ҳали у (Уҳудда мунофиқларни мўминлардан
ажратиш қўйгани каби) нопокни покдан ажратади»**

[Оли Имрон 142]

Аллоҳ яна бундай деди:

﴿أَلَمْ أَحْسِبِ النَّاسَ أَنْ يُتْرَكُوا أَنْ يَقُولُوا ءَامَنَّا وَهُمْ لَا يُفْتَنُونَ ۗ وَلَقَدْ فَتَنَّا الَّذِينَ مِنْ قَبْلِهِمْ فَلَيَعْلَمَنَّ اللَّهُ الَّذِينَ صَدَقُوا وَلَيَعْلَمَنَّ الْكٰذِبِينَ﴾

**«Алиф, Лом, Мим. Одамлар – имон келтирдик, дейишлари
билангина, имтиҳон қилинмаган ҳолларида, қўйиб
қўйилишларини ўйладиларми?! Ҳолбуки, Биз улардан аввалги
кишиларни имтиҳон қилган эдик-ку!! Бас, албатта Аллоҳ
(«имон келтирдик» деб) рост сўзлаган кишиларни ҳам, ёлгончи
кимсаларни ҳам аниқ билур»** [Анкабут 1-3]

Ушбу ояти карималар Аллоҳ Азза ва Жалланинг бизни албатта
имтиҳон қилажagini, У шу имтиҳон билан кимнинг Аллоҳга
ишонгани учун жаннатга киради-ю, кимнинг Аллоҳга ишонмагани
учун жаннатдан – Аллоҳ асрасин – маҳрум бўлишини билишини,
мўмин банданинг ботилга қарши ҳақ мавқеда туришини
текшираётганини бизга ҳикоя қилмоқда. Мавло Субҳанаҳу шундай
мавқеда турган зотларни мақтаб, бундай деган:

﴿مِنَ الْمُؤْمِنِينَ رِجَالٌ صَدَقُوا مَا عَاهَدُوا اللَّهَ عَلَيْهِ فَمِنْهُمْ مَن قَضَىٰ نَحْبَهُ وَمِنْهُمْ مَن يَنْتَظِرُ ۚ وَمَا بَدَّلُوا تَبْدِيلًا ۝ لِيَجْزِيَ اللَّهُ الصَّادِقِينَ بِصِدْقِهِمْ وَيُعَذِّبَ الْمُنَافِقِينَ إِن شَاءَ أَوْ يَتُوبَ عَلَيْهِمْ إِنَّ اللَّهَ كَانَ غَفُورًا رَّحِيمًا﴾

«Мўминлар орасида ўзлари Аллоҳга берган аҳду паймонларига содиқ бўлган кишилар бордир. Бас, улардан (айрим) кишилар ўз аҳдига вафо қилди, (яъни шаҳид бўлди), улардан (айрим) кишилар эса (шаҳид бўлишга) интизордир. Улар (мунофиқларга ўхшаб Аллоҳга берган аҳду паймонларини) ўзгартирганлари йўқ. Аллоҳ (ўз аҳду паймонларига) содиқ бўлган кишиларни ростгўйликлари сабабли мукофотлаш учун, мунофиқларни эса агар Ўзи хоҳласа (мунофиқ ҳолларида ўлдириб) азобга гирифтор этиш, ёки тавбаларини қабул қилиш учун (мазкур синовга дучор қилди). Аллоҳ мағфиратли ва меҳрибон бўлган зотдир» [Ахзоб 23-24]

Анас ибн Молик бундай деди: «Бу оят менинг амаким Анас ибн Назр тўғрисида нозил бўлди. Ўшанда у Росулulloҳ ﷺ билан бирга Бадр жангининг гувоҳи бўлолмади ва бундан қаттиқ хафа бўлиб, агар Аллоҳ менга бирор жангни насиб қилса, албатта Аллоҳга нима қилишимни кўрсатаман, деди. Ухуд жанги бўлиб, мерганлар буйруқни бузишган кун Анас ибн Назр мушриклар томон отилиб чиқди ва уларни қарши олиб, шаҳид бўлди. Олган жароҳатлари кўплигидан уни таниб бўлмади, фақат сингиси уни бармоқларидан таниди».

Таъкидлаш лозимки, бизга Қуръони Карим буюк мавқеда туриб, биз учун ибрат-намуна бўлган мўъминларни зикр қилди. Масалан, ғофир сурасидаги Фиръавн оиласидан бўлган бир мўъмин кишининг мавқеи каби. Баъзи уламолар сураи ғофирни сураи мўъмин, деб атаганлар. Фиръавн хонадони Аллоҳнинг росули Мусо ﷺнинг тилидан айтилган Аллоҳнинг даъватига қарши чикиб, Мусони ўлдиришга қасд қилишганда, шу мўъмин киши бундай дейди:

﴿أَتَقْتُلُونَ رَجُلًا أَنْ يَقُولَ رَبِّيَ اللَّهُ وَقَدْ جَاءَكُمْ بِالْبَيِّنَاتِ مِنْ رَبِّكُمْ ۗ وَإِنْ يَكُ كَذِبًا فَعَلَيْهِ كَذِبُهُ ۗ وَإِنْ يَكُ صَادِقًا يُصِيبْكُمْ بَعْضُ الَّذِي يَعِدْكُمْ ۗ إِنَّ اللَّهَ لَا يَهْدِي مَنْ هُوَ مُسْرِفٌ كَذَابٌ﴾

«Бир кишини, «Роббим Аллоҳдир», дегани учун ўлдиурмисизлар?! Ҳолбуки, у сизларга Роббингиз томонидан аниқ ҳужжатлар келтиригандир. Агар у ёлгончи бўлса, ёлғони ўз

бўйнига. (Аммо) агар ростгўй бўлса, сизларга у (кофирлар учун) ваъда қилаётган (азоблардан) айримлари етиб қолади-ку! Албатта Аллоҳ ҳаддан ошгувчи, ёлгончи кимсаларни ҳидоят қилмас» [Ғофир 28]

Яна Қуръон бизга бир мўмин Ёсин Ҳабиб Нажжор ва унинг тутган буюк мавкеи ҳақида ҳикоя қилади. У қавмини Аллоҳнинг росулларига эргашиш ва уларни ёлгончи қилмасликка даъват қилиб, ҳақ мавкеини эгаллайди. Аллоҳ Таоло бу киши ҳақида бундай деган:

﴿وَجَاءَ مِنْ أَقْصَا الْمَدِينَةِ رَجُلٌ يَسْعَىٰ قَالَ يَا قَوْمِ اتَّبِعُوا الْمُرْسَلِينَ ﴿٢٠﴾ اتَّبِعُوا مَنْ لَا يَسْئَلُكُمْ أَجْرًا وَهُمْ مُهْتَدُونَ ﴿٢١﴾ وَمَا لِي لَا أَعْبُدُ الَّذِي فَطَرَنِي وَإِلَيْهِ تُرْجَعُونَ ﴿٢٢﴾ ءَأَتَّخِذُ مِنْ دُونِهِ ءَالِهَةً إِن يُرِدْنِ الرَّحْمَنُ بِضُرٍّ لَا تُغْنِي عَنِّي شَفَعَتُهُمْ شَيْئًا وَلَا يُنْقِذُونِ﴾

«Бир киши шаҳарнинг бир чеккасидан шошиганча келиб, деди: «Эй қавмим, бу элчиларга эргашинглар! Ўзлари ҳидоятда бўлган ва сизлардан бирон ажр-мукофот сўрамайдиган зотларга эргашинглар!». У (яна) деди: **«Нега мен ўзимни яратган Зотга ибодат қилмайин? Сизлар ҳам (дунёдан ўтгач) ёлғиз Унгагина қайтарилурсизлар. Мен У зотни қўйиб (жонсиз бутларни) илоҳ қилиб олайми?! (Ҳаргиз ундай қилмасман, чунки) агар Раҳмон менга бирон зиённи ирода қилса, у (бут)ларнинг оқловлари мени бирон нарсадан беҳожат қила олмас ва улар мени (Аллоҳнинг азобидан) қутқара олмаслар»** [Ёсин 20-23]

Ушбу оятларда Ҳабиб Нажжор қавмига ботил ва унинг тарафдорлари сизга ҳам, менга ҳам фойда келтиришолмайди, агар Аллоҳ менга бирор зарарни ирода қилган бўлса, мени оклашга уринсангиз ҳам, асло қутқаролмайсиз, деди. Бироқ қавми унга қулоқ солмай, мана шундай солиҳ бир бандани ўлдиришди. Ушбу банда ҳақида Аллоҳ куйида бундай деди:

﴿قِيلَ ادْخُلِ الْجَنَّةَ ۗ قَالَ يَلَيْتَ قَوْمِي يَعْلَمُونَ ﴿٢٦﴾ بِمَا غَفَرَ لِي رَبِّي وَجَعَلَنِي مِنَ الْمُكْرَمِينَ﴾

«Жаннатга кир», дейилди, у – қани эди қавмим ҳам мени Парвардигорим мағфират қилганини ва мени иззат-икромли кишилардан қилганини билсалар эди, деди» [Ёсин 26-27]

Дарҳақиқат, бу кишининг қатл этиш услуби ҳақида кўп гаплар бор. Баъзилар унинг тошбўрон қилинганини айтса, бошқалар кофирлар ҳаммалари бир бўлиб унга ташланиб ўлдиришганини айтишади. Ибн Исҳоқ ўзининг айрим асҳобларидан, улар Ибн Масъуддан ривоят қилади: «Мушриклар Ҳабиб Нажжорни шу

даражада оёқлари билан тепкилашдики, ичак-чавоғи ағдарилиб кетди».

Булар бир нарсага далолат қилади. Яъни, ҳақ даъватни кўтариб чиқаётган киши жуда даҳшатли суратда ўлим топса-да, бироқ бу Аллоҳ томонидан иззат-икром ҳисобланади. Зеро, Аллоҳ Таоло Ҳабиб Нажжорнинг ўз ўлимидан кейин бундай деганини зикр қилди:

﴿قَالَ يَلَيْتَ قَوْمِي يَعْلَمُونَ ﴿۲۶﴾ بِمَا عَفَرَ لِي رَبِّي وَجَعَلَنِي مِنَ الْمُكْرَمِينَ﴾

«(Ҳабиб Нажжор) деди: Қани эди қавмим мени Роббим мағфират қилганини ва иззат-икромли кишилардан қилганини билсалар эди» [Ёсин 26-27]

Ҳабиб Нажжор ўлимидан сўнг Аллоҳ томонидан иззат-икромла сийланганини қавмининг билишини истади. Аммо қавми эса, уларнинг оқибати зиён билан тугади. Бу ҳақда Аллоҳ Таоло бундай дейди:

﴿وَمَا أَنْزَلْنَا عَلَىٰ قَوْمِهِ مِن بَعْدِهِ مِن جُنْدٍ مِّنَ السَّمَاءِ وَمَا كُنَّا مُنْزِلِينَ ﴿۲۸﴾ إِنْ كَانَتْ إِلَّا صَيْحَةً وَاحِدَةً فَإِذَا هُمْ خَامِدُونَ﴾

«Биз (Ҳабиб Нажжорни ўлдирганларидан) кейин унинг устига (уларни ҳалок қилиш учун) осмондан бирон қўшин (яъни азоб фаришталарини) туширмадик. Биз (ҳеч нарса) туширгувчи бўлмадик. Фақат биргина даҳшатли қичқириқ бўлди-ю, баногоҳ улар «ўчиб» қолдилар» [Ёсин 28-29]

Мудом ҳақ даъвати ҳамда бу даъватнинг Аллоҳ ризосини ҳис эттирувчи мавқеда туриш билан лаззат олувчи аҳли бор экан, ҳар бир замон ва макондаги даъват юкини кўтарувчилар бошига мана шундай синовлар тушаверади. Росулulloҳ ﷺ дан олдинги ўтган қавмлар аҳволи ҳам шундай бўлгани ҳақида Қуръонда зикр қилинган. Ул зотнинг ҳаётларида эса, синовлар саҳобаи киромларга етган.

Шунингдек, Росули акрамдан кейин ҳам синовлар такрор давом этмоқда. Булар даҳшат ва ҳақиқат жиҳатидан илгаргилардан кам бўлмапти. Мана, биз ўз замонамизда ҳам шундай бир фидоийлик ва шаҳидлик манзарасини гувоҳи бўлиб турибмизки, у шаҳид Муҳаммад Муҳаззиб Ҳаффофда гавдаланди. У Ҳизб ут-Тахрирнинг Ливиядаги аъзоларидан бири бўлиб, унинг фидоийлик ва шаҳидлик манзараси шу юртнинг тоғути ва фиръавни Қаззофийга қарши курашда намоён бўлди.

Шаҳид Муҳаммад 1947 йил Ғарён вилоятининг Қавосим кишлоғида таваллуд топди. У Ливиянинг Триполи университети

механик-муҳандислик факултетини битирди. Кўплаб исломий ҳаракатлар билан танишиб чиққач, Ҳизб ут-Таҳрирга аъзо бўлди. Шаҳид Муҳаммад фикрий ва сиёсий ҳаракатларнинг ҳаммаси билан яхши алоқада бўлди. Шу билан бирга, қамокхона ичкараси ва ташқарисидаги барча исломий етакчилар билан ҳам муносабати яхши бўлди.

Мафкуравий кураш ва турли ғоялар билан гавжум майдонда шаҳид Муҳаммад 1970 йил май ойида ўтказилган машҳур «Инқилоб мафкуравий форуми»да Ливия Инқилоб Қўмондонлиги Кенгашининг икки аъзоси майор Башир Ҳаводий ва майор Умар Маҳиший билан, шунингдек, Муаммар Қаззофий билан тўқнашади. Форумдаги мулоқотда шаҳид Муҳаммаднинг билдирган дунёқарашлари Муаммар Қаззофий ва икки майор билдирган дунёқарашлардан ўзининг жуда чуқур ва объектив дунёқараш экани билан ажралиб туради. Ҳатто шаҳид Муҳаммад ўз нуқтаи назари билан Ливиядаги ва Ислом дунёсидаги сиёсий саҳнани ақл-идрок, фаросат ҳамда чуқур онг асосида тушунган. Бу эса, ўша лаҳзадан бошлаб режимда шаҳидга нисбатан ҳасад ва адоват келтириб чиқаради.

Шаҳид Муҳаммаднинг тиним билмай фаолият қилиши, чиройли ва таъсирли услублар қўллаши ҳамда унинг номи билан фикрларининг кенг тарқалишидан хавфсирашиб, 1973 йил апрелда уни қамокқа ташлашди. Бу ҳодиса қамокқа олиш кампанияси бошланган йилнинг охирида, яъни, бешинчи йилида бўлди. Яъни, таъқиб ва қамокқа олиш кампанияси Қаззофийнинг машҳур «Зуара маърузаси» ортидан бошланиб, Ливиядаги бутун зиёлилар, сиёсатчилар ва ўқимишли кишилар ҳам омон қолмаган. Бунинг ортидан «маърифий инқилоб», деб аталган ноёб маърифий миссия бошланди, унда китоблар ва кутубхоналар мусодара қилинди ва ёқиб юборилган ҳамда фикр, ғоя ва ижодкорликка тақиқ қўйилди, ҳарбий ҳолат эълон қилинди. Ўша пайтда Ливия бошдан кечирган анархия вазияти юзага келди.

Шаҳид Муҳаммад билан бирга акалари Аҳмад ва Фаражлар ҳам қамокқа олинди. Фараж беш йилга ҳукм қилиниб, сўнг орттирган касаллиги билан вафот этади, Аллоҳ раҳмат қилсин. Аҳмад икки ярим йил қамокда ўтириб, озодликка чиқди. Шаҳид Муҳаммадга ўлим ҳукми эълон қилинган куннинг эртасига унинг онаизори ҳам ҳаётдан кўз юмди. Отаси тўксонинчи йиллар охирларида вафот этади, Аллоҳ унинг ота-онасини раҳматиغا олсин. Шаҳид Муҳаммад оила қурмади, унинг жасади ҳам оиласига топширилмади ва қаерга дафн қилингани ҳанузгача номаълум.

Ливия режими шаҳид Муҳаммад қамокқа олинган пайтда ҳатто аслида бундай исмдаги маҳбуснинг борлигини ҳам инкор этди ва ўзининг доимги одати бўйича «болангиз қамокда йўқ», деди. Аммо кейинчалик режим унга нисбатан содир этган жиноятини эътироф этди, аммо жасадини оиласига топширмади.

Юқорида айтганимиздек, шаҳид Муҳаммад ўзининг сафдошлари билан бирга ўша машъум маъруза ортидан хибсга олиниб, қамокқа ташландилар ва у ерда қаттиқ қийноқларни бошдан кечирдилар. Кейин айблов хонасига олиб келиндилар ва ўша ерда умуман айб қўйилмасдан озод этилдилар. Бироқ бу Муаммар Қаззофийни безовта қилди ва судьяларни сўқиб, «уларни қайтаришинлар керак», деди. Ҳизб аъзолари қамокдан озод этилган кунинг ўзидаёқ яна қамокқа қайтарилдилар ва ўн ойдан сўнг «халқ суди»га олиб келиндилар.

Суд шаҳид Муҳаммадни ўн беш йил қамок жазосига ҳукм қилди. Лекин бу ҳукм ҳам Қаззофийни қониқтирмади ва у қамокда умрбод ўтириши керак, деган мазмунда буйруқ берди. Оқибатда шаҳид Муҳаммаднинг ўн беш йиллик қамок ҳукми умрбод қамок ҳукмига ўзгартирилди. Кейин эса, умрбод ҳукми ўлим ҳукмига ўзгартирилди ва бунинг сабабини фақат «Инқилобчилар ҳукумати» билди, холос. Бундай ўзгаришлар сири ҳақида «Авда» журнали хабар қилди. Журналда Ливия Талабалар бош Иттифоқига қарашли «Шаҳид» бўлими бундай ёзади:

«... Шаҳид Муҳаммад Ҳаффафда қамокдан чиқиш имкони бор эди. Зеро, унга иззат-нафсини сотиш таклиф қилинди. Бироқ у шаҳидлар ва солихлар йўлини танлади. Сизларнинг эсингизда бўлса керак, шаҳид Муҳаммад Ҳаффаф тутган мавқе тарихда ёзилиб қолди. Чунки ўшанда у ўзининг нозиккина тани-жони билан шон-шараф, ғурур ва иззат позициясида турди. Тоғут Муаммар уни бутун умр бўйи қамокда чиритиш билан таҳдид қилганда, шаҳид Муҳаммад «бу менинг учун фахр ва шарафдир» дея куч-қудрат, ростгўйлик ва имонга тўла сўзни айтди».

Эҳтимол, шаҳид Муҳаммад устидан чиқарилган умрбод қамок ҳукмини ўлим ҳукмига ўзгартирган нарсa журналнинг аввалги абзацида айtilган позиция бўлса керак. Ливия Талабалар Иттифоқи шаҳид Муҳаммаднинг ҳурматини жойига қўйиб, ўзининг (ҳижрий 1403 йил зул-қаъда, милодий 1983 йил августдаги) учинчи талабалар конференциясини «Шаҳид Муҳаммад Муҳаззиб Ҳаффаф конференцияси... нурафшон эртанги кун учун», деб номлади.

Шаҳид Муҳаммадни қатл қилиш услуби қонли манзарада бўлди ва бундан халққа, юртга ва Муҳаммад ﷺ рисоласига нисбатан Ливия режимининг ичи нафратга лиммо-лим экани намоён бўлди. Ўшанда қатл куни эрталаб соат еттида шаҳид Муҳаммадни Қаззофий билан учрашиш учун тоғутлар қароргоҳига олиб келишди. Иккиси юзма-юз учрашганда тоғут унга – ҳали ҳам тавбангга таянмадингми? деди. Шаҳид Муҳаммад унга «бизлардан ким Аллоҳнинг Китобига қарши чиқибдики, тавба қилсин?», деб жавоб қилди. Қаззофий – олиб кетинглар буни, деди.

Ливия режими Триполи университетининг талабалари, профессорлари ва ишчиларини ҳамда ўрта мактаб ўқувчиларини университет майдонига мажбуран йиғди, нима муносабати билан эканини айтмади. Талабалар бирор қутилмаган хабар айтилса керак, деган хаёлга бориб, бир-бирларидан – нега йиғилдик, дея сўрай бошлашди. Бири университет профессорлари ёки талабаларидан бирортаси мукофотланса керак, деса, яна бири – янги коллеж, кутубхона ёки лабораториянинг очилиши маросими бўлса керак, деди. Яна бири – халқаро маърифат доираларидан бирор меҳмон келгандир, деди. Яна бошқаси – инқилоб қахрамонларидан бирортаси мукофотланса керак, деди. Яна бири – бундай йиғилишга «юрт оғаси» ташриф буюриб, буюк Республикамиз эришган ютуқлар тўғрисида тантанали нутқ сўзласа керак, деди!... Йиғинга чақирган кимсаларнинг кўнглида нима яширинганидан беҳабар бўлган йиғин қатнашчилари ўртасида мана шундай беғубор тахминлар айланаётган бир пайтда, майдон ўртасига кўчма дор олиб келинди... университет ташқарисига машина тўхтаб, ичидан бир йигитни олиб тушишди, йигитни олиб келишгунга қадар атрофида йиртқич итлар тинмай ҳуриб, ғажиб ташлаш учун унга ташланар эди. Мана шундай қутилмаган «тарбиявий» манзара олдида барча тахминлар яқун топди, ҳамма даҳшатга тушди, фақат йигитни сиртмоқ остига етиб келгунича унга тинмай ташланиб турган итларгина бу ҳолдан даҳшатга тушишмади, балки энг жирканч равишда ўлим топган эгаларига содиқ ва ихлос билан итоат қилишди. Кейин ушбу улкан илмий жамоа қаршисида Ҳизб ут-Таҳрир аъзоси Муҳаммад Муҳаззиб Ҳаффоф дорга осилди... Шу билан кифояланишмади, балки «Яшил маърифий инқилоб» фақиҳларидан бири қурбоннинг жасадини у ёқ-бу ёққа чайқаб, «бу сотқин, бу сотқин», дея кичқирди.

Ўша 1983 йил 7 апрел кунининг ўзида муборак Фаластин заминлик тўрт нафар мударрис ҳам осиб ўлдирилди. Холид

Хумайс, Носир Муҳаммад Сарис, Али Аҳмад Эвазуллоҳ ва Бади Ҳасан Бадрлардан иборат бу мударрисларни Ливиянинг Аждабия шаҳридаги ўзлари мударрислик қилган мадраса майдонида шогирдлари кўз ўнгида осишди.

Шаҳид Муҳаммад Муҳаззиб Ҳаффофнинг солиҳ, оккўнгил ва гўзал хулқли ҳамда Аллоҳнинг Китоби ва Росул ﷺнинг суннатларига амал қилиб, фикр, ақида ва ахлоқда Ислоҳ қадриятларига риоя қилувчи инсон бўлганига барча гувоҳлик беради. Шаҳид Муҳаммад саҳий, ифбатли ва ғайратли бўлиб, маърузалар қилар, кўплаб ҳалқалар берар ва ўтиришлар қиларди, бир нечта маърифий, ижтимоий ва фикрий тадбирларга ҳисса қўшарди. Шундай яхши фазилатларига қўшимча, у дарсада ҳаммадан илғор эди. Бир сўз билан айтганда, Ҳизб аъзоси Муҳаммад Муҳаззиб Ҳаффофнинг ўзи бир Уммат эди.

Шаҳидимизни қатл қилишдан олдин ўз принципидан воз кечиши учун ўн йил тўхтовсиз таҳдид қилиб, қамоқларга ташлаб, қийноқларга солишди... Бироқ шаҳид Муҳаммаднинг имони, аҳд-паймони ва иродаси тоғутлар ўйлаганидан анча устун келди. Фитна, кўрқитиш ва қийнаш услубларининг бирортаси шаҳид Муҳаммаднинг аҳдидан қайтаролмади, тутган позициясидан заррача четлатолмади. балки унинг қадрият ва принципларини исботлашда жуда ажойиб зарби масал бўлиб қолди. Зеро, у айни қадрият ва принципларига имон келтириб, улар билан яшаган ва улар учун ширин жонини қурбон қилган эди.

Ҳа, имтиҳон албатта муқаррардир. Аллоҳ уни жаннатга кириш учун шарт қилган. Токи, покдан нопок ажралсин: ким ҳақ тарафда, кимлар ҳақ аҳли, ким Аллоҳ йўлида жиҳод қилиб, ҳақ устида сабр қиляпти... ким ботил тарафида турибди, кимлар ботил аҳли, кимлар Аллоҳ йўлида жиҳод қилмаяпти, Унинг розилиги учун ҳаракат қилмаяпти... мана шулар аён бўлсин.

Биз бугунги кунда инсонлар бир неча синфда эканига гувоҳ бўляпмиз: бир синф борки, улар ҳақ аҳлидан бўлиш учун ҳақни қидирадилар ва ҳақ тарафида, ҳақ сафида турадилар. Шаҳид Муҳаммад Муҳаззиб Ҳаффоф шундай инсонлар синфидан. Яна бир тоифа одамлар ёлғон-яшиқ гапларни тарқатувчилар сафида туришади, уларнинг ҳаққа қарши курашаётганларини билса ҳам шундай қилишади. Яна бир тоифа борки, ҳайратдан ёқа ушлайсан киши ва улар кўпчилик... улар на ҳаққа қизиқишади, на ботилга! Ўзлари истаганча ҳаёт кечиришни исташади, бу ботил Аллоҳ Азза ва Жаллани рози қилмаслигига, балки Аллоҳ ботилни йўқ қилиб, ўрнига ҳақни барпо этишни буюрганига парво ҳам қилишмайди.

Бошқа бир синф инсонлар борки, улар ҳақни билишади, ботилни ҳам танишади, ботилга яқин юришмайди ва унинг тарафида туришмайди. Бироқ Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таолони рози қиладиган ҳеч бир мавқени эгаллашмайди.

Муҳаммад Муҳаззиб Ҳаффоф зулмга қарши туриб, ҳақни айтган ҳолда Роббиси даргоҳига реҳлат килди ва Роббиси йўлида вафот топди. Уни ўлдирган жинояткор қотил Муаммар Қаззофий ҳам орадан йигирма саккиз йил ўтиб ўлди, унинг тақдири шундай хор-жирканч ўлим билан тугадики, барча тоғут ҳукмдорларга ибрат бўлиб қолди. Ўлимидан олдин Қаззофий очиқ куфр билан ҳукм юритди, Ислом аҳкомларини ер-кўк ларзага келадиган даражада бузди ва ҳақоратлади... Аллоҳга мана шундай ёвуз қилмишлар билан йўлиқадиган бўлди. Бас, бу икки шахс ўртасида чексиз фарқ мавжуддир. Албатта бунда ақл эгалари учун ибрат бордир.

Биз биринчи синфга мансуб инсонларни ушбу синов ва имтиҳондан муваффақиятли ўтадилар, деб биламиз. Зеро, улар аввало ҳақни қидириб, уни танимоқдалар, сўнг унга амал қилмоқдалар, унинг тарафида туриб, унга даъват қилиб, ҳақ йўлида фаолият қилаётганлар билан бирга ҳаракат қилмоқдалар. Улар нафс-ҳаволарига эргашмаяптилар, билъакс, Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таолони рози қиладиган барча амалларга рия қилмоқдалар. Аммо бетараф позицияда туриб, ютқазган ва бой берган синфга келсак, улар кураш моҳиятини англашмади ва бу дунёга нега келганларини ҳам билишмади. Эртага ундайларнинг қора саҳифалари Роббилари олдида очилади ва улардан биридан «фалон ва пистон кунда нега ҳақни гапирмадинг?», деб сўралади. У «эй Роббим, одамлардан кўркиб гапирмадим», деб жавоб қилади. Парвардигор «кўркилишга ҳақлироқ Мен эдим» дейди. Бундайларга Росулulloҳ ﷺ қандай мавқени эгалламоқлари керак эканини аллақачон куйидагича очиқ баён қилганлар:

«أَلَا وَإِنَّ رَحَاَ الْإِيمَانِ دَائِرَةٌ، فَذُورُوا مَعَ الْكِتَابِ حَيْثُ يَدُورُ، أَلَا وَإِنَّ السُّلْطَانَ وَالْكِتَابَ سَيَفْتَرِقَانِ، أَلَا فَلَا تُفَارِقُوا الْكِتَابَ، أَلَا إِنَّهُ سَيَكُونُ عَلَيْكُمْ أُمَرَاءُ، إِنْ أَطَعْتُمُوهُمْ أَضَلُّوكُمْ، وَإِنْ عَصَيْتُمُوهُمْ فَتَلُوكُمْ قَالُوا: كَيْفَ نَصْنَعُ يَا رَسُولَ اللَّهِ؟ قَالَ: كَمَا صَنَعَ أَصْحَابُ عِيسَى بْنِ مَرْيَمَ، حُمِلُوا عَلَى الْحَشَبِ، وَنُشِرُوا بِالْمَنَاشِيرِ، مَوْتٌ فِي طَاعَةِ اللَّهِ خَيْرٌ مِنْ حَيَاةٍ فِي مَعْصِيَةِ اللَّهِ»

«Огоҳ бўлингларки, имон тегирмони айланиб туради. Бас, Китоб айланган томонга у билан бирга айланинглар. Огоҳ бўлингларки, яқинда салтанат билан Китоб ажралади. Шунда сизлар Китобдан ажралманглар. Огоҳ бўлингларки, яқинда

сизларнинг устингизга амирлар бошлиқ бўлади. Уларга итоат қилсангиз сизларни адаштиради. Уларга қарши бўлсангиз сизларни ўлдиради. Асҳоблар сўрашди: бизни нимага буюрасиз, ё Росулulloҳ? дедилар: Исонинг асҳоблари қилган ишни қиласизлар. Улар ёғочларга михландилар, арра билан арраландилар. Зеро, Аллоҳга итоат қилиб ўлиш, Унга осий бўлиб яшашдан кўра яхшироқдир».

Ушбу ҳадис Умматга ҳақ тарафида туришни ва ҳақ устида собит туриш учун жонлар сарфланса-да, аммо ботилдан четланишни шарт қилмоқда. Энди, сўнгги синфдаги кимсаларга, яъни, фосиқ золим фожир ҳукмдор тарафида турган, унинг розилиги учун фатволар бериб, унга ишониб, уни оқлаб, унга ёрдам бериш учун даъватни кўтариб чиққанларга қарши курашаётган синфдагиларга келсак, улар қиёмат кунидаги азобда мана шу ҳокимга шерик бўладилар. Зотан, улар динларини ҳукмдорлар дунёси эвазига сотиб юборишган... Бас, бу нақадар ёмон савдо ва нақадар ёмон оқибатдир.

Айнан Муҳаммад Муҳаззиб Ҳаффоф каби инсонлар позицияси Аллоҳ Субҳанаҳуни рози қилувчи позициядир. Аллоҳ Таолодан бизни шундай инсонлар йўлидан юргизишини сўраймиз. Ҳақ Субҳанаҳудан бизни рушд-ҳидоятда қилишини, бизга ҳақни кўрсатиб унга амал қилишимизга, ботилни кўрсатиб ундан узоқ юришимизга насиб этишини тилаймиз. Сўнгги дуомиз бутун оламлар Парвардигори Аллоҳга ҳамд бўлсин, демоқдир. □

(Исроил) ижтимоий алоқа воситалари орқали араб ёшларини ўзига жалб қилмоқда

Вашингтон Пост газетаси (Исроил)даги мухбири Рут Эглашнинг ҳисоботини чоп этди. Мухбирнинг айтишича, (Исроил) ўртада расман дипломатик алоқалар ўрнатилмаган араб давлатлари билан «Рақамли дипломатия» (алоқа воситалари ва интернет орқали боғланиш) орқали алоқаларни ривожлантиришга ҳаракат қилмоқда. Арабия 21 канали таржима қилган ҳисоботда айтилишича, Фейсбукдаги саҳифаларга ва ташқи ишлар вазирлигига қарашли ижтимоий алоқа воситаларига бошчилик қилувчи Линда Минухин ўзига хос элчига айланиб қолган. Унинг мақсади яҳудийлар билан бизнинг ўртамиздаги ўхшаш ва муштарак кадриятларни кўрсатмоқчи. Газетада келишича, Минухин шундай дейди: «Якуний сўз шуки, сиз ҳосилга эмас, экаётган урукқа қаранг. Мен уни парвариш қиласиз деган умиддаман». Рут Эглаш (Исроил) ташқи ишлари вазири Кацнинг қуйидаги сўзларини келтиради: «Бу араб ва мусулмон дунёси билан боғланишнинг бошқача йўлидир». Газетада Тель-Авив университетидаги Моше Даян номли Ўрта Шарқ ва Африка тадқиқот маркази мудир Узи Робининг қуйидаги сўзлари чоп этилган: «Биз кўриб турган воқеа ўтиш давридир». Робининг кўшимча қилишича, араб дунёсининг 60 %и ўттиз ёшдан паст фуқароларни ташкил қилади. Улар хорижда ўқишни хоҳлайдилар... Бугун одамлар (Исроил) муаммо эмас, деб биладилар.

Эглаш айтадики: Аксар видео тасмалар Фаластин (Исроил) келишмовчилигига аралашмайди, балки улар (Исроил) сақофати ва ҳаётини намойиш этади. Ҳисоботда келишича, Минухин ўн кишидан иборат гуруҳ билан ташқи ишлар вазирлигида ишлайди. Улар «Фейсбук», «Твиттер», «Инстаграм» ва «Ютуб» каналларида араб тилида саҳифалар очишган. Ҳисоботда яна келишича, уларнинг турли араб давлатларида ўн миллиондан ортиқ кузатувчилари бор.

Ал-Ваъй: Бу (Исроил)нинг маккорона услубларидандир. Ишлар чигаллашиб кетгач, (Исроил) исломий халқлар билан тинчлик ўрнатмоқчи. У тақдим этаётган нарсадан огоҳ бўлиш лозим. Яъни уларнинг интернетдаги саҳифаларини очмаслик керак. Токи, ўқувчи, кузатувчи ва подписчик сифатида қайд қилиниб қолмасин.

Вашингтон Пост: 2019 йил кўзғолонлар йили эмас, балки сабоқ оладиган ўзгаришлар йили бўлди

«Вашингтон Пост» газетаси Жэксон Дильга алоқадор бир мақолани чоп этди. Жэксон Диль «арабий 21» канали таржима қилган мақолани шундай сўзлар билан бошлайди: «Олам бўйлаб турли минтақаларда халқ кўзғолонларига гувоҳ бўлган 2019 йил яқунланар экан, Судан ва Жазоирда узоқ йиллар ҳукуматни эгаллаган ҳокимлар ўз мансабидан бўшади... Ливан ва Ироқ бош вазирлари эса, ишдан мажбуран четлаштирилди. Жэксон Дильнинг фикрига кўра, 2019 йилнинг ўзгачалиги шуки, унда демократик ва диктатор ҳукуматлар намоишчиларни музокара, чекиниш ва ислоҳот ўтказишга ваъда бериш орқали бўйсундиришган. Бу эса, етакчилар Тяньаньмэнь майдони ва Асаднинг ваҳшийлигидан сабоқ олганига ишора қилмоқда. Демак, ҳукуматлар ваҳший деб ном олгиси келмаяпти. Бу нарса айрим режимларни қулашдан сақлаб қолган. Шунингдек, сиёсий ўзгариш имконияти олдида эшик очилган, бунга 2019 йилдаги ходисалар далилдир». Дильнинг айтишича, Чили ҳукумати маиший норозиликлар бошлангач, ўтган ҳафта 100 минг иш ўринлари яратишга қаратилган 5,5 миллиард долларлик сарф харажат пакетини эълон қилган.

Шунингдек, ойига 1,3 миллион оилага ёрдам кўрсатилиши, энг кам ойлик маошини кўтариш, соғлиқни сақлаш бўйича янги программа қабул қилиш ҳақида эълон қилди. Унинг ишора қилишича, бу ерда амалга оширилган энг яхши ишлардан бири шуки, ҳукумат диктатор Августо Пиночет даврида ёзилган конституция масаласида келгуси апрел ойида референдум ўтказиш тўғрисида муҳолафат билан битим тузган. Ёзувчининг ифодалашича бунинг натижаси ўлароқ узоқ йиллардан бери Чили аҳолисининг ғазабига сабаб бўлган социал программалар ва таълим соҳасида кенг миқёсли ўзгаришлар бўлиши мумкин. Диль айтадики: «Аниқ айтиш қийин бўлса-да, агар чекинишлар бўлса, Ливан ва Ироқда айнан мана шу дастур татбиқ этилиши мумкин. Лекин намоишлар давом этаётгани сабабли эҳтимолли ишдир. Ёзувчи яна шундай огоҳлантиради: «Ироқдаги бир неча сиёсатчилар янги сайловлар ўтказишга чакираётган бўлса, Ироқ ва Ливанда конституцияни ислоҳ қилиш борасида чакириклар бор. Икки мамлакат тарихидан келиб чиқиб айта оламизки, яқин ўртада ўзгариш рўй бериши эҳтимолдан йироқдир. Лекин қаршиликлар

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймади ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>кўчадан парламентга кўчиши мумкин». Диль ўз мақоласини «Бу кўзғолон эмас, сабоқ олса бўладиган ўзгариш бўлади».</p>		
<p>Ал-Ваъй: Ушбу мақола нафақат минтақа, балки олам бўйлаб давлатларда рўй берган кўзғолонларга алоқадор мақоладир. Бу эса, бугун олам бўйлаб ҳукмронлик қилаётган ва оғир аҳволни вужудга келтирган капиталистик ҳазоратнинг муваффақиятсизликка учраганини кўрсатмоқда. Аммо мусулмон юртларда рўй берган кўзғолонлар эса, бир лўқма нон учун бўлган кўзғолонлар эмас... Балки улар Умматнинг йўқолган ўзлигини қайтариш ва унинг Исломиё Уммат сифатидаги масалаларини табанний қилишига алоқадор кўзғолонлардир. Уммат барча соҳадаги эҳтиёжларини етарли даражада таъминлайдиган яхлит Исломиё давлатда яшашни хоҳлайди.</p>		
<p>Ҳиндистон ҳиндулар давлатини тиклаш учун мусулмонларга душманлик қилмоқда</p>		
<p>Ҳинд ҳукумати Ҳиндистондаги мусулмонларга йўллаган «Хуш келмасиз» мазмунидаги мактубида Ҳинд парламентига у ерда яшаётган мусулмон қочоқ ва муҳожирларни фуқаролик олиш ҳукукидан қатъан ман қиладиган қонунни қабул қилишига руҳсат берди. Ўзгартирилган фуқаролик қонунига кўра, янги Ҳиндистон фуқаролигини олиш қайси динга мансублиги асосида юритилади. Ушбу қонуннинг қабул қилинганидан кўриниб турибдики, демократик Ҳинд-мушрик давлати, деган нарсани тиклашга уринаётганлар ўз орзуларини рўёбга чиқарадиган режа тузишмоқда. Айтилишича, ушбу қонундан бошқа мақсад кўзланган. У ҳам бўлса, Ҳиндистонда мусулмонларни иккинчи даражали фуқарога айлантириш ва Бангладешдан келган ҳиндларга фуқаролик бериш. Бу эса, давлатнинг сақофий сиймосида ўзгариш юз беришига олиб боради. Бунинг ортидан ҳиндлар жиддий шаклда фақат ҳиндларга хос давлат тиклаш сари йўлга отланадилар. Шуни ҳам унутмаслик керакки, Ҳиндистон бош вазири Моди ва босқинчи (Исроил) билан 2014 йилда тузган иккитомонлама келишуви мавжуд. Бугун уларнинг ўртасидаги алоқалар авжига чиққан. Чунки Ҳиндистон (Исроил) қурол аслаҳаларини энг кўп сотиб олувчи давлатга айланган. Шунингдек у хавфсизлик масалаларида, шафқатсизликларни амалга оширишда ҳамда Кашмир босқинини янада кучайтиришда (Исроил) қуроллари ва воситаларини ишлатмоқда. Янги қурилаётган аҳоли пунктларига келсак, худди Ғарбий Қирғоқда яҳудийлар</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>яшаётганидек, уларда ҳиндлар яшамоқда. Шунинг учун ўзгартирилган фуқаролик қонуни диний мансубликка асосланган бўлиб, у дунёнинг турли жойларидан келаётган яҳудийларга (Исроил) фуқаролигини олишига рухсат берадиган (Исроил) қайта тикланиш қонунининг акс садосидан бошқа нарса эмас. Ҳиндистон бугун худди шу андозадаги ҳиндлар давлатини курмоқчи.</p>		
<p>Ал-Ваъй: Эътибор берсангиз ушбу минтақада Ислом ва мусулмонларга қарши фалокатли иттифоқ тузилгани кўзга ташланади. Шунингдек, Хитойнинг уйғурларга қарши амалга ошираётган зулми, Ҳиндистоннинг Кашмирга қарши қилаётган зулми ва фуқаролик қонуни ҳамда Моъянманинг роҳинга мусулмонларига қарши амалга ошираётган тажовузи фош бўлади... Трамп ва унинг Исломга душман ташки ишлар вазири Помпеонинг қилаётган ишлари ҳамда яҳудийларнинг ушбу давлатларда нотинчликларни келтириб чиқараётгани ва одамларни Ислом ва мусулмонлардан кўркетаётгани (яъни исломофобия) мазкур жинойтлардан унчалик узоқ эмасдир... Биз барчага айтамикки, агар Исломий Уммат тирик Уммат бўлмаганида, оламшумул қора макр ва ҳийла бу шаклда уларга қарши йиғилмаган бўлар эди.</p>		
<p>Трамп ҳарбий зобитни Ироқда шармандали ҳарбий жинойтларга аралашиб қолганига қарамасдан кечирмоқда</p>		
<p>Америка президенти Дональд Трамп Ироқда ҳарбий жинойтларга аралашиб қолишига қарамай афв этган бригада командирини Америка денгиз флоти кучлари аскарлари ёмон сифатлар билан сифатлашган. Уларга кўра, у ёвуз, психопат ва барчага заҳарини сочадиган одамдир. Олий даражадаги масъул ходим Кори Скотт «Нью-Йорк Таймс» газетасига шундай интервью берган: Махсус операциялар командири, айбдор Эдди Галлахер ҳар қандай ҳаракатланаётган нарсани ўлдиришни хоҳлар эди. Турли тармоқларда тарқалган видео лавҳада «SEAL 7» махсус гуруҳи аъзоси Галлахерни ёши 12дан ошмаган болани нишонга олаётгани ва ўлим жароҳатини олган асирга ов пичоғини санчаётганини айтиб берган. Галлахер июл ойида ҳарбий судьялар томонидан оқланган ва ундан қотиллик айбловлари олиб ташланган. Лекин ИШИД асирини суратга олганлик айби билан унвони пасайтирилган. Аммо ноябр ойида президентнинг аралашуви орқали ундан барча айблар олиб ташланган ва унвони ҳам қайтарилган. Галлахернинг адвокати Нью-Йорк Таймс газетасига берган интервьюсида – видео лавҳалар ёлғон ва</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>зиддиятларга тўла бўлгани учун у оқланди, деди. Газетада ёзилишича, терговчилар билан бўлган видео лавҳаларда аскарлар Галлахерни хушсиз асирни бир неча марта сабабсиз пичоқлагани ва шундан сўнг байрамона кайфият қилганини айтишган. Аскарлардан бири Галлахернинг хатти ҳаракатлари ўз ҳаётида гувоҳи бўлган энг шармандали иш бўлганини таъкидлаган».</p> <p>Ал-Ваъй: Бу бир кўзли дажжол бўлмиш Американинг адолатидир. Бунинг ажабланарли жой йўқ. □</p>		

ҚУРЪОНИ КАРИМ СУҲБАТИДА



﴿الَّذِينَ يَأْكُلُونَ الرِّبَا لَا يَقُومُونَ إِلَّا كَمَا يَقُومُ
الَّذِي يَتَخَبَّطُهُ الشَّيْطَانُ مِنَ الْمَسِّ ذَلِكَ بِأَنَّهُمْ قَالُوا
إِنَّمَا الْبَيْعُ مِثْلُ الرِّبَا وَأَحَلَّ اللَّهُ الْبَيْعَ وَحَرَّمَ الرِّبَا فَمَنْ
جَاءَهُ مَوْعِظَةٌ مِنْ رَبِّهِ فَانْتَهَى فَلَهُ مَا سَلَفَ وَأَمْرُهُ
إِلَى اللَّهِ وَمَنْ عَادَ فَأُولَئِكَ أَصْحَابُ النَّارِ هُمْ فِيهَا
خَالِدُونَ ﴿۲۷۵﴾ يَمْحَقُ اللَّهُ الرِّبَا وَيُرْبِي الصَّدَقَاتِ وَاللَّهُ لَا
يُحِبُّ كُلَّ كَفَّارٍ أَثِيمٍ﴾

«275. Судхўр бўлган кимсалар (қиёмат кунда қабрларидан) турмайдилар, магар жин чалган мажнун каби турадилар. Бунга сабаб уларнинг: «Бай (олди-сотди) ҳам судхўрликнинг ўзи-ку?» — деганларидир. Ҳолбуки, Аллоҳ байни ҳалол, судхўрликни ҳаром қилган. Бас, кимга парвардигоридан мавъиза-насихат етгач (судхўрликдан) тўхтаса, у ҳолда аввал ўтгани ўзига ва унинг иши Аллоҳга (топирилади). (Яъни Ўзи хоҳласа афв қилар). Ва ким (судхўрликка) қайтса, ўшалар жаҳаннам эгаларидир ва унда абадий қолажаклар. 276. Аллоҳ судхўрликнинг (фойдасини) йўқ қилади ва садақаларнинг (фойдасини) зиёда қилади. Аллоҳ ҳар қандай (судхўрликни ҳалол деб биладиган) кўрнамакни ва (судхўрлик қиладиган) жинойятчини севмайди» [Бақара 275-276]

Ҳизб ут-Таҳрир амири Ато ибн Халил Абу Роштанинг (у кишини Аллоҳ хифзу ҳимоясида асрасин) «Тайсир фи Усулит Тафсир» номли китобида қуйидагича келади:

Аллоҳ Таоло Аллоҳнинг йўлида ҳалол, пок инфоқ қилувчиларнинг ажру савобларга ноил бўлишларини баён қилганидан кейин энди бу оятларда ҳаромга, Аллоҳ ва Пайғамбар ﷺ га гуноҳ қилишга сарфлайдиганларнинг оқибатини баён қиляпти.

Аллоҳ бу оятларда рибони, судхўрликни зикр қилиб, унинг нақадар катта гуноҳлигини, уни қилган одамга азоб жуда каттик бўлишини баён қиляпти.

1 – Аллоҳ Таоло судхўр ҳақида бир масал зарб қияпти. У туришида ҳам, юришида ҳам, ўтиришида ҳам худди жин чалган жиннига ўхшайди. Бир текис бўлмай, тинимсиз қалқиб туради. Чунки у рибони савдони, олди-сотдини рибо билан хил, деб ҳисоблайди. Ҳолбуки, Аллоҳ рибони ҳаром, савдони эса ҳалол қилди.

Кейин Аллоҳ Таоло жоҳилият пайтида бўлиб ўтган рибо гуноҳини кечиришини айтиб, мўминларга рибо ҳаром қилингани ҳақидаги бу оят нозил бўлганидан кейин Аллоҳга ва Пайғамбар ﷺ га итоат этиб, рибодан тийилишларини, Аллоҳ ҳаром қилган нарсани ҳалол қилиб олган кимсага аламли азоб бўлишини, бундай одам дўзах эгаларидан бўлиб, у ерда абадий қолиб кетишини баён қияпти.

(إِنَّ الَّذِينَ يَأْكُلُونَ الرِّبَا) *судхўр бўлган кимсалар*), яъни, уни оладиган кимсалар. Бу гап ундан фойдаланадиган ҳаммага тегишлидир. (يَأْكُلُونَ) Қуръони Каримда ёмонлашга далолат қилиш учун ҳам қўлланган.

﴿إِنَّ الَّذِينَ يَأْكُلُونَ أَمْوَالَ الْيَتَامَىٰ ظُلْمًا إِنَّمَا يَأْكُلُونَ فِي بُطُونِهِمْ نَارًا﴾

«Етимларнинг молларини зулм йўли билан ейдиган кимсалар ҳеч шак-шубҳасиз қоринларига олов еган бўлурлар. Ва албатта дўзахга киражақлар!» [Нисо 10]

﴿يَتَمَتَّعُونَ يَأْكُلُونَ كَمَا تَأْكُلُ الْأَنْعَامُ وَالنَّارُ مَثْوًى لَّهُمْ﴾

«(Мана шу ҳаёти дунёнинг ўтқинчи лаззатларидан) фойдаланиб, чорва ҳайвонлари еганидек еб-ичурлар ва дўзах уларнинг жойлари бўлур!» [Мухаммад 10]

(لَا يَقُومُونَ) *турмайдилар*) яъни, киёмат кунида.

(إِلَّا كَمَا يَقُومُ الَّذِي يَتَخَبَّطُهُ الشَّيْطَانُ) *магар шайтон гандираклатиб қўйган телба каби турадилар*) яъни, улар қабрларидан қайта тирилиб чиқиб келаётганларида худди бу дунёдаги жин чалган одамдек, гандираклар чиқиб келадилар. Бу уларнинг ўша кундаги шармандалигидир. Бу гап рибонинг тақиқланиши қатъийлигини кўрсатади. Унинг ҳаромлигини яна бир бор таъкидлайди.

(مِنَ الْمَيْتَةِ) яъни, жиннилик. Фалончини жин чалиб кетибди, дейилганда шу сўз ишлатилади. (خبط) сўзи тик бўла олмаслик, кўр туядек гандираклар маъносини англатади.

﴿الَّذِي يَتَخَبَّطُهُ الشَّيْطَانُ مِنَ الْمَسِّ﴾ *шайтон гандираклатиб қўйган*

телба каби)нинг тафсири хусусида бир қанча ривоятлар ворид бўлган. Рожих гап шуки, инсон телба бўлиб қолган пайтида унга шайтон ўзининг васвасалари орқали кўпроқ таъсир кўрсатади. Бир неча ишларни унинг хаёлига солади. Натижада у гандираклатиб қолади.

Шайтоннинг ўзи уни йиқитади, жинни қилади, деган гапга келсак, оят бундай демаяпти. Аллоҳ Таоло, шайтон уни телба қилиб, гандираклатади, демаяпти. Балки,

﴿يَتَخَبَّطُهُ الشَّيْطَانُ مِنَ الْمَسِّ﴾

(*Шайтон гандираклатиб қўйган телба каби*), дейляпти. Яъни, у телбалиги туфайли шайтон уни гандираклатади. Хуллас, олдин у телба бўляпти, кейин уни шайтон гандираклатяпти.

Шунингдек,

﴿يَتَخَبَّطُهُ الشَّيْطَانُ مِنَ الْمَسِّ﴾

киноя ва мажоз деган гап ҳам бор. Улар йиқилган одам ҳақида уни жин чалди, деган иборани ишлатишади. Бундай дейдиганлар жиннилик билан жин сўзларининг ўзаги бир, деб биладилар. Бу гап ҳам маржухдир. Чунки ҳақиқий маънони қўллаш узрли бўлиб қолгандагина, мажозий маънога мурожаат қилинади. Бу ерда эса ҳақиқий маънони қўллаш узрли бўлаётгани йўқ. Шайтон мажнуннинг миясига ҳар хил хаёлларни солиши ва шу билан унинг гандираклатиши мумкин. Мана шу шайтоннинг уни гандираклатгани бўлади. Бундай мажозий маънога таъвил қилганлар шайтоннинг инсонни жинни қилишига йўл берилмаган, деб ҳисоблаганлари туфайли шахсни шайтоннинг ўзи йиқитади, шайтоннинг ўзи уни жинни қилади, дейдиганларга раддия билдириш учун шундай қилган бўлишлари ҳам мумкин.

﴿وَمَا كَانَ لِي عَلَيْكُمْ مِّنْ سُلْطَانٍ﴾

«(Лекин) мен учун сизларнинг устингизда ҳеч қандай ҳукмронлик йўқ эди» [Иброҳим 22]

Ҳар иккисининг гапи ҳам маржухдир. Рожих гап юқорида биз айтиб, баён қилиб ўтган гапдир.

Қизиги шундаки, ҳар икки гуруҳ тафсирларида бир-бирларини диндан чиққанликда айблашгача борганлари кузатилади. Ҳолбуки, оят ҳар иккисининг ҳам фикрини қатъий айтмаган.

Мен ҳам шу оятнинг тафсирига оид исро ва меърож ҳодисаси ҳақида келган мана бу ҳадисдан бошқа биронта ҳам саҳих ҳадис

топмадим. Бу ҳадис ҳам улардан бирортасининг ҳам фикрини қатъий тасдиқламаган. Пайғамбар ﷺ айтадилар:

«فَانطَلَقَ بِي جِرْبِيلُ فَمَرَرْتُ بِرِجَالٍ كَثِيرٍ كُلٌّ مِنْهُمْ بَطْنُهُ مِثْلَ الْبَيْتِ الصَّخْمِ ... إِلَى أَنْ يَقُولَ: فَإِذَا أَحَسَّ بِهِمْ أَصْحَابُ تِلْكَ الْبُطُونِ قَامُوا فَتَمَيَّلَ بِهِمْ بَطُونُهُمْ فَيُصْرَعُونَ، ثُمَّ يَقُومُ أَحَدُهُمْ فَيَمِيلُ بِهِ بَطْنُهُ فَيُصْرَعُ ... إِلَى أَنْ يَقُولَ: قُلْتُ: يَا جِرْبِيلُ، مَنْ هَؤُلَاءِ؟ قَالَ: هَؤُلَاءِ الَّذِينَ يَأْكُلُونَ الرِّبَا لَا يَقُومُونَ إِلَّا كَمَا يَقُومُ الَّذِي يَتَخَبَّطُهُ الشَّيْطَانُ مِنَ الْمَسِّ»

«Кейин мени Жаброил ﷺ олиб кетди. Кўп кишиларнинг олдидан ўтдим. Ҳар бирининг қорни катта уй каби эди. Ҳалиги қориндорлар уни сезиб қолсалар, ўринларидан турардилар ва қоринлари уларни эгиб юбориб, йиқилардилар. Кейин улардан бири турарди (туришга уринарди) ва уни ҳам қорни эгиб юбориб, йиқилиб тушарди. ... Мен, эй Жаброил ﷺ, улар кимлар, деб сўрадим. Улар судхўрлар, телбалигидан шайтон уни гандираклатаётган кишиларга ўхшаб турадилар, деб жавоб берди Жаброил ﷺ».¹ Бу ерда қоринлари оғирлигидан эгилиб, йиқилиб тушадиган судхўрлар жиннилигидан шайтон уни гандираклатадиган кимсага ўхшатиляпти.

Шунга биноан, улардан бирортасининг фикрини қатъий тасдиқлайдиган биронта ҳам оят ёки ҳадис йўқ.

Модомики, иш шундоқ экан, яъни, бу оятни тафсир қилувчи шаръий ҳақиқат йўқ экан, демак, тилга мурожаат қилишдан бошқа йўл қолмайди. Қуръон араб тилида нозил бўлган. Тилга мурожаат қилинганда бизнинг фикримиз рожиҳлиги ойдинлашади. Биз улар жиннилиги туфайли уни шайтон гандираклатаётган кимсага ўхшайди, дедик. Яъни, шайтон гандираклатишидан олдин унинг жинни бўлганини айтдик. Хуллас, киши олдин қайсидир сабаб билан жинни бўлган, кейин эса уни шайтон ўзининг васвасалари билан гандираклатган.

Кишини шайтоннинг ўзи йиқитгани, яъни, жинни қилгани йўқ. Агар шундай бўлганда бу муборак оят жар қилувчи (من) ҳарфи билан эмас, (→) ҳарфи билан келган бўларди. Чунки жар қилувчи (→) ҳарфи ёпиштиришни ифодалайди. Яъни, унга жинниликни шайтон ёпиштирган, деган маъно чиқарди. Айни пайтда бу ерда киноя ва мажозга ҳам, яъни, шайтонни ўзининг ҳақиқий маъносидан мажозий маъносига кўчиришга ҳам ҳожат йўқ. Чунки уни ҳақиқий маъносида қўллаш узрли эмас.

⁽¹⁾ Аҳмад: 2/353, 363. Ҳорис ибн Усома муснади: 1/17. Ибн Можа: 2/763, 2273 ракам.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам айтамикки, биз шуни рожих, деб биламик, лекин бу гапимизни қатъий қилиб айтмаймик, кимки тил қоидаларига таяниб, Қуръон ва Суннат ҳукмларига асосланиб, бундан рожихроқ гап айтса, ўшанга эргашилади.

Бу масал ҳис этиладиган, ўта даҳшатли масал. Унда судхўрликнинг нақадар оғир гуноҳлиги ўз аксини топган. Ҳамма муфассирлар гарчи зарбул-масал борасида ихтилоф қилишган бўлса-да, мана бу натижа борасида муттафакдирлар.

Аллоҳ Таоло имон билан ўтган биродарларимизнинг ўз тафсилларида қилган хатоларини мағфират айласин. Ёрдам Сўралувчи Аллоҳдир.

﴿بِأَنَّهُمْ قَالُوا إِنَّمَا الْبَيْعُ مِثْلُ الرِّبَا﴾

(«*Бай (олди-сотди) ҳам судхўрликнинг ўзи-ку?*»), яъни уларнинг гуноҳларининг қаттиқлиги учун ёмон мисол қилиб келтирилган Аллоҳ Таолонинг мана бу қавлиди:

﴿الَّذِي يَتَخَبَّطُهُ الشَّيْطَانُ مِنَ الْمَيْسِ﴾

(*Шайтон гандираклатиб қўйган телба каби*). Бунга сабаб уларнинг рибони ҳалол санаб, рибони байга ўхшаган деб эътибор қилишлари. Бунда уларга дунё ва охиратда етадиган хорлик ва азобга далолат қиладиган нарсаси бор.

﴿وَأَحَلَّ اللَّهُ الْبَيْعَ وَحَرَّمَ الرِّبَا﴾

(*Аллоҳ байни ҳалол, судхўрликни ҳаром қилган*). Бу улар рибо билан байни баробар қилганликлари учун Аллоҳ Таоло тарафидан уларга берилган раддияни ўз ичига олган янги жумладир.

﴿فَمَنْ جَاءَهُ مَوْعِظَةٌ مِنْ رَبِّهِ﴾

(*Бас, кимга парвардигоридан мавъиза — насиҳат етгач*), яъни кимгаки рибонинг ҳаромлиги ҳақидаги насиҳат етган бўлса. «من» шарт калимаси бўлиб, «جاء»дан муаннаслик аломати туширилганига сабаб чунки «الموعظة» муаннаси ҳақиқий эмас, балки у «وعظ» маъносидадир. Шунинг учун феъл музаккар келтирилган.

﴿فَأَنْتَهَى﴾ калимаси «جاءه»га атф қилинган. «فَأَنْتَهَى» калимаси «фо» билан келганлиги қайтарув етган пайтда панд-насиҳат олишнинг тез, дарҳол бўлишига далолат қилади.

(*«фо» шартнинг жавоби. «фо» шартнинг жавоби.*) «فَلَهُ مَا سَلَفَ»

Бундан мурад ҳаром қилинишдан аввал тўла қилиб олганларини

ундан қайтариб олинмайди. Ҳаром қилинишдан аввал берган, лекин ҳали қайтариб олмаган маблағларига мана бу оят татбиқ қилинади:

﴿فَلَكُمْ رُءُوسُ أَمْوَالِكُمْ لَا تَظْلِمُونَ وَلَا تُظْلَمُونَ﴾

(Дастмоянғиз ўзингизга — золим ҳам, мазлум ҳам бўлмайсиз).

(﴿وَأْمُرُهُ إِلَى اللَّهِ﴾ ва унинг иши Аллоҳга (топиширилади)), яъни, унинг келажакдаги иши Аллоҳга ҳавола. Чунки Аллоҳ Субҳанаҳу унинг рибодан қайтиши қанчалигини билади.

(﴿وَمَنْ عَادَ﴾ ва ким (судхўрликка) қайтса), яъни, ким рибо байга ўхшайди, деб аввалги ҳолатига қайтса, яъни рибони ҳалол санаса.

(﴿فَأُولَئِكَ أَصْحَابُ النَّارِ هُمْ فِيهَا خَالِدُونَ﴾ ўшалар жаҳаннам эгаларидир ва унда абадий қолажаклар), чунки у рибони ҳалол дейишга қайтиши билан кофир бўлади ва Исломдан қайтган бўлади. Кофир эса дўзахда абадий қолади.

2 – Сўнгра Аллоҳ Субҳанаҳу кейинги оятда судхўрнинг ва садақа қилувчининг оқибатини баён қиляпти. Аллоҳ Таоло рибо молига бу дунёда барака бермайди, унинг сохибига охиратдаги аламли азобни ваъда қиляпти.

Аллоҳ Субҳанаҳу садақа қилувчига барака бериб, охиратда унга жуда катта ажрни ваъда қиляпти.

Кейин Аллоҳ Таоло оятни кофирларни ёмон кўришини баён қилиш билан тугатяпти. Бунда рибо ҳалол дейишга ва уни бай билан тенглаштиришга қайтаётганлар гуноҳкор кофирлар эканлигига огоҳлантириш ишораси бор.

(﴿يَمْحَقُ اللَّهُ الرَّبَوَاتِ﴾ Аллоҳ судхўрликнинг (фойдасини) йўқ қилади)

яъни, рибонинг баракасини кетказади, агарчи кўп бўлса ҳам. Ибн Масъуд Пайғамбар ﷺ дан ривоят қилади:

«إِنَّ الرَّبَا وَإِنْ كَثُرَ فَعَاقِبَتُهُ إِلَى قُلٍّ»

«Албатта рибо гарчи кўп бўлса ҳам, унинг оқибати озликка олиб боради (яъни барака йўқ бўлади)».¹

«محاق القمر», яъни ойнинг кичрайиб боришлиги.

(﴿وَيُرِي الصَّدَقَاتِ﴾ ва садақаларнинг (фойдасини) зиёда қилади)

яъни, Аллоҳ Таоло дунёда садақа молига барака бериб ўстиради,

⁽¹⁾ Ибн Можа: 2270. Аҳмад: 1/395, 424.

охиратда эса унинг савобини бир неча баробар қилиб беради. Муслим ривоят қилади: Пайғамбар ﷺ айтдилар:

«إِنَّ صَدَقَةَ أَحَدِكُمْ لَتَنْفَعُ فِي يَدِ اللَّهِ فَمُرِّيْهَا لَهُ كَمَا يُرِي أَحَدُكُمْ فُلُوهُ أَوْ فَصِيلَهُ حَتَّىٰ يَجِيءَ يَوْمُ الْقِيَامَةِ وَإِنَّ اللُّقْمَةَ عَلَىٰ قَدَرٍ أُحْدِ»

«Сизлардан бирингизнинг садақаси Аллоҳга бориб етади. Аллоҳ Таоло бу садақани худди сизлардан бирингиз ўз тойчоғини ёки бўталоғини тарбия қилганидек тарбия қилади ҳатто қиёмат куни келса, бир лукма садақа Уҳуд тоғининг катталигича бўлади».¹

«وَإِنَّ اللُّقْمَةَ عَلَىٰ قَدَرٍ أُحْدِ» Аллоҳ ҳар қандай (судхўрликни ҳалол деб биладиган) кўрнамакни ва (судхўрлик қиладиган) жиноятчини *севмайди*) яъни, рибони ҳалол дейишлик билан куфрони неъмат қилаётган ҳар бир кишини, рибони ейишликда ва Аллоҳ ва Росули ﷺга осий бўлишликда давом этаётгани сабабли ёмон кўради. «*كُفَّارٍ*» калимасини муболаға сийғасида келтириш судхўрлик жиноятининг жуда ёмонлигига далолат қилади.

Учинчи оятда Аллоҳ Таоло Исломни ҳақ, деб эътиқод қилаётганлар ва унинг шаръий ҳукмларини маҳкам ушлаётганларга буюк ажрни ваъда қияпти. Улар учун ҳеч қандай хавф-хатар йўқ ва улар ғамгин бўлмайдилар. □

⁽¹⁾ Бухорий: 1321. Муслим: 1685.

**АЛЛОҲ СУБҲАНАҲУ ВА ТАОЛОГА БЎЛГАН АНИҚ ИШОНЧ
ҲАМДА У ЗОТГА ТАВАККАЛ ҚИЛИШ**

– Ибн Аббос رضي الله عنه ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ ﷺ айтадилар:

«اللَّهُمَّ لَكَ أَسَلَمْتُ، وَبِكَ آمَنْتُ، وَعَلَيْكَ تَوَكَّلْتُ، وَإِلَيْكَ أَنْبَتُ، وَبِكَ خَاصَمْتُ.
اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِعِزَّتِكَ لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ أَنْ تُضِلَّنِي، أَنْتَ الْحَيُّ الَّذِي لَا يَمُوتُ، وَالْجِنُّ
وَإِنْسٌ يَمُوتُونَ»

«Эй Аллоҳим, Сенга бўйсундим, Сенгагина ишондим, Сенгагина таваккал қилдим, Сенгагина тавба қилдим ва Сен учун душманлар билан уришдим. Эй Аллоҳим, Сенинг куч қудратинг ҳаққи, сендан паноҳ сўрайман. Сен Ўзинг ёлғиз Аллоҳсан, мени адашишдан сақлагин. Барча жин ва инсонлар ўлганда ҳам сен ўлмайдиган зотсан». (Муттафақун алайх. Лафзи Муслимники).

Ибн Аббос бундай дейди: «(حسبنا الله ونعم الوكيل) бизга ёлғиз Аллоҳнинг ўзи кифоя), деган калимани Иброҳим رضي الله عنه ўтга ташланганда айтган. Шунингдек, Қурайш одамлари Пайғамбар ﷺга сизларга қарши одамлар (саноқсиз лашкар) тўплаган кўркингиз, деганларида Муҳаммад ﷺ уларга жавобан айтганлар...». Бухорий ривояти.

– Абу Ҳурайра ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз ﷺ айтадилар:

«يَدْخُلُ الْجَنَّةَ أَقْوَامٌ أَفْنَدْتَهُمْ مِثْلَ أَفْعَدَةِ الطَّيْرِ»

«Жаннатга қушнинг юрагидек юраги борлар киради». Муслим ривояти. Умар رضي الله عنه ривоят қилган ҳадис ушбу ҳадисни тафсир қилади. Умар رضي الله عنه айтади: Мен Расулуллоҳ ﷺни шундай деганларини эшитганман:

«لَوْ أَنَّكُمْ تَوَكَّلْتُمْ عَلَى اللَّهِ حَقَّ تَوَكُّلِهِ لَرَزَقْنَاكُمْ كَمَا يَرْزُقُ الطَّيْرَ، تَغْدُوا حِمَاصًا وَتَرَوْحُ
بَطَانًا»

«Агар сизлар Аллоҳга ҳақиқий таваккал қилганингизда, Аллоҳ сизларни қушни ризқлантирганидек ризқлантирар эди. Чунки қуш (эрталаб) қорни оч ҳолда чиқиб кетиб, қорни тўқ ҳолда қайтади». Термизий ривоят қилган ва ҳасан ҳадис деган.

– Жобир ривоят қилади: Бир куни Пайғамбаримиз ﷺ билан бирга Нажд томонга ғазотга чиқдим. Росулulloҳ ﷺ у ердан қайтгач, мен ҳам қайтдим ва биз дарахтлари кўп бир водийга келдик. Росулulloҳ ﷺ шу ерда тўхтадилар ва одамлар соя излаб тарқалишди. Росулulloҳ ﷺ эса, сояси қалин бир дарахт остида қолдилар ва қиличини ўша дарахтга осиб кўйдилар. Биз озгина ухлаган эдик Росулulloҳ ﷺ бизни чақирдилар, борсак бир аъробий турган экан. Шунда Росулulloҳ ﷺ: «Бу ухлаб қолган пайтим қиличимни олибди, уйғонсам тепамда қилич ушлаб турган экан. У менга сени менадан ким ҳимоя қилади деган эди, уч марта Аллоҳ деб жавоб бердим». Росулulloҳ ﷺ уни жазоламадилар ва у ўтирдилар. Муттафақун алайҳ.

– Абу Амора Бароъ ибн Озиб ривоят қилган ҳадисда Росулulloҳ ﷺ шундай дейдилар:

«يَا فُلَانُ إِذَا أَوَيْتَ إِلَى فِرَاشِكَ فَقُلْ: اللَّهُمَّ أَسَلَمْتُ نَفْسِي إِلَيْكَ، وَوَجَّهْتُ وَجْهِي إِلَيْكَ، وَفَوَّضْتُ أَمْرِي إِلَيْكَ، وَأَلْجَأْتُ ظَهْرِي إِلَيْكَ. رَغْبَةً وَرَهْبَةً إِلَيْكَ، لَا مَلْجَأَ وَلَا مَنجَى مِنْكَ إِلَّا إِلَيْكَ، آمَنْتُ بِكِتَابِكَ الَّذِي أَنْزَلْتَ، وَبِنَبِيِّكَ الَّذِي أَرْسَلْتَ، فَإِنَّكَ إِنَّمَا مِنْ لَيْلَتِكَ مُتَّ عَلَى الْفِطْرَةِ، وَإِنْ أَصْبَحْتَ أَصَبْتَ أَجْرًا»

«Эй фалончи, агар тўшагингга ётсанг ушбу дуони ўқигин: Эй Аллоҳим мен Сенга ўзимни топширдим, юзимни Сенга қаратдим, ишимни Сенга топширдим, Сени хохлаб ва Сендан кўрқиб Сенинг ҳимоянгга кирдим, Сенгагина илтижо қиламан ва нажот фақат Сендан. Сен юборган Китоб ва Пайғамбарга имон келтирдим. Шундан кейин Росулulloҳ ﷺ бундай дедилар: Агар сен шу ҳолда ўлсанг, фитратга кўра (мусулмон бўлиб) ўласан. Агар тирик тонг оттирсанг, яхшиликка етасан». муттафақун алайҳ.

– Абу Умайя Ҳузайфанинг қизи, мўминлар онаси, Умму Салама Махзумия ривоят қилади: Пайғамбар ﷺ уйдан чиқсалар:

«بِسْمِ اللَّهِ، تَوَكَّلْتُ عَلَى اللَّهِ، اَللّٰهُمَّ اِنِّيْ اَعُوْذُ بِكَ اَنْ اَضِلَّ اَوْ اُضَلَّ، اَوْ اُذَلَّ اَوْ اُذَلَّ، اَوْ

اُظْلِمَ اَوْ اُظْلِمَ، اَوْ اُجْهَلَ اَوْ يُجْهَلَ عَلَيَّ»

«Аллоҳнинг исми билан, Аллоҳга таваккал қилдим. Эй Аллоҳим мен сендан адашиб қолишдан ва мени адаштиришларидан, хато қилиш ва мени ҳақдан буришларидан, зулм қилиш ва зулм кўрсатишларидан, жохиллик қилиш ва менга ақлсизлик қилиб зарар етказишларидан паноҳ сўрайман» - деб айтар эдилар. Бу саҳиҳ ҳадис бўлиб, уни Абу Довуд ва Термизийлар ривоят қилишган.

– Анас رضي الله عنه ривоят қилган ҳадисда Росулulloҳ ﷺ:

«مَنْ قَالَ - يَعْني إِذَا خَرَجَ مِنْ بَيْتِهِ - : بِسْمِ اللَّهِ تَوَكَّلْتُ عَلَى اللَّهِ، وَلَا حَوْلَ وَلَا قُوَّةَ إِلَّا

بِاللَّهِ، يُقَالُ لَهُ: هُدِيَتْ وَكُفِّيَتْ وَوُقِيَتْ، وَتَنَحَّى عَنْهُ الشَّيْطَانُ»

«Кимки уйдан чиқаётганида: Бисмиллаҳ таваккалту алаллоҳ, Ла хавла ва ла қуввата илла биллаҳ деса, унга ҳидоят топдинг, ҳимояландинг ва сақландинг дейилади ва шайтон ундан узоқлашади. Сўнгра ўша шайтон бошқа шайтонга: сен ҳидоят топган, ҳимояланган ва сақланган кишини қандай адаштирасан дейди». Абу Довуд ривояти. □


УЛАРНИНГ ХИДОЯТЛАРИГА ЭГРАШИНГ:

ОСИМ ИБН СОБИТ

Саййидимиз Муҳаммад :

«مَنْ قَاتَلَ فَلْيَقَاتِلْ كَمَا يُقَاتِلُ عَاصِمُ بْنُ ثَابِتٍ»

«Жим жанг қилса, Осим ибн Собит каби жанг қилсин»

Қурайш Ухуд куни Муҳаммад га йўлиқиш учун саййид-у қуллари ва лаш-лушлари билан чиқди... Уларнинг қалблари нафратга тўла ва Бадрада ўлганларга бўлган кўз ёшлари ҳали тўхтамаган эди. Улар бу билан кифояланмаган, балки эркакларни жангга қизиқтириш, паҳлавонларнинг ҳамиятини кўзғаш ва заифлашиб қолган пайтда уларни шижоатлантириш мақсадида Қурайшнинг сара аёллари ҳам жангга чиққан эди. Уларнинг ичида Абу Суфённинг хотини Ҳинд бинти Утба, Амр ибн Оснинг хотини Райта бинти Мунаббих, Сулофа бинти Саъд, унинг эри Талха ва уч ўғли: Мусофёе, Жулос, Килоб ва бошқа кўп аёллар бор эди.

Икки тараф Ухуд яқинида учрашиб, уруш қизиган пайт, Утбанинг қизи Ҳинд ва бир неча аёллар сафнинг орқасига тизилишди. Сўнг қўлларига дуфларни олишиб, қуйидаги нашидани айтган ҳолда уларни чалишди: Агар жангга кирсангиз кучоқ очиб кутиб оламиз ҳамда тўшак ва ёстикларни тўшаймиз, агар орқага чекинсангиз, сизларни нафрат билан тарк этамиз.

Уларнинг ушбу нашидалари чавандозлар қалбида ҳамиятни кўзғар ва эрлари қалбларини сеҳрлар эди. Сўнг жанг тугади ва нусрат Қурайшга насиб этди. Шунда аёллар нусрат ва зафардан маст бўлдилар ва қулоқларни батанг қилувчи овозлар билан қичқириб жанг майдонини кездилар. Улар қатл қилинганларни мусла қилишар эди: қоринларни ёришар, кўзларни ўйиб олишар ҳамда қулоқ ва бурунларни кесишар эди. Улардан бири Бадрада ўлдирилган отаси, акаси ва амакисига ўч олиш учун кесиб олинган қулоқ ва бурунлардан тақинчоқ ясаб, бўйнига осиб олди ва шу билан ўз нафратини босди.

Лекин Саъднинг қизи Сулофа Қурайш аёллари ичида мартабаси баланд аёл эди. У эри ва уч ўғлидан бири унга йўлиқишини кутиб, изтироб чекар ва безовталанар эди. Шунингдек, бошқа аёллар билан бирга нусрат нашидасини суришга тайёрланар эди. Лекин унинг кутиши бекор кетди. У жанг майдонининг ичкарисига кириб, қатл қилинганлар орасида яқинларини излаб юрган эди, эрини қонга беланган ҳолда топди ва урғочи шернинг қичқириши каби қичқирди. Сўнг ўғиллари: Мусофёе, Килоб ва Жулосни қидира бошлади, лекин уларни ҳам Ухуднинг ёнбағрида чўзилиб

ётган ҳолда топди. Мусофеъ билан Килоб ўлган эди. Аммо Жулосни охирги нафасларини олаётган ҳолда топди.


Сулофа ўлим талвасасида ётган ўғлининг бошини кўтариб, кучоғига босди. Сўнгра пешонаси ва оғзидаги тупроқларни артди. Қайғунинг қаттиқлигидан икки кўзидан ёш оқди. Сўнг уни кучоклаб: эй ўғлим сени ким бу аҳволга солди деди. Ўғли эса, унга жавоб бермоқчи бўлди-ю, аммо ўлим олди хиррагидан жавоб бера олмади. Сулофа ўз саволида қаттиқ туриб олгач, ўғли: мени ва акам Мусофеъни Осим ибн Собит шу аҳволга солди деб охирги нафасини олди ва ўлди... Шунда Саъднинг қизи Сулофанинг ғазаби келиб, баланд овозда йиғлай бошлади. Сўнг Қурайш у учун Осим ибн Собитдан қасос олмагунича ва у май куйиб ичиш учун Осимнинг мия суягини келтирмагунча йиғлашдан тўхтамасликка лот ва уззо номи билан қасам ичди. Шунингдек, ким Осимни асир қилса, ёки ўлдирса ва унинг бошини келтирса хоҳлаганича мол давлат беришни назр қилди. Унинг назр қилгани хабари Қурайш ичида тарқалди. Маккадаги ҳар бир йигит Осим ибн Собитни ўлдириш, унинг бошини Сулофага келтириш ва эвазига мукофот олишни орзу қила бошлади.

Мусулмонлар Уҳуддан Мадинага қайтишгач, жанг ва унда бўлган ҳодисалар ҳақида сўзлаша бошлашди. Улар шаҳид бўлган қаҳрамонларга Аллоҳдан раҳмат қилишини сўрашар ва жанг қилиб жароҳатланган журъатли жангчиларни мақташар эдилар. Улар мақтаган жангчилар ичида Осим ибн Собит ҳам бўлиб, улар Осим қандай қилиб бир оиладан уч кишини ўлдиргани ҳақида ажабланишарди. Улардан айримлари айтишди: Буни нимаси ажабланарли?! Ахир Росулulloҳ ﷺ Бадр урушидан олдин биздан: «Қандай жанг қиласизлар?» деб сўраганида Осим ибн Собит туриб нима деганини эсламайсизларми? Ўшанда у кўлига камонини олиб, шундай деган эди: Агар душман мендан юз газ узоқликда бўлса, камон билан ўқ узаман. Агар яқинлашса, найза санчаман ва найзалар синиб кетгунича олишаман. Агар найзалар синиб кетса, қилич олиб, олишаман. Шунда Росулulloҳ ﷺ:

«هَكَذَا الْحَرْبُ، مَنْ قَاتَلَ فَلْيُقَاتِلْ كَمَا يُقَاتِلُ عَاصِمٌ بِنُ ثَابِتٍ»

«Уруш шундай бўлади. Ким жанг қилса, Осим ибн Собитдек жанг қилсин», деган эдилар.

Уҳуд жангидан кейин ҳеч қанча вақт ўтмай, Росулulloҳ ﷺ саҳобалардан олтитасини бир жойга юборди ва уларга Осим ибн Собитни амир қилди. Бу сара гуруҳ Пайғамбаримиз ﷺнинг буйруғини бажариш учун кетди. Улар Маккадан узоқ бўлмаган

бир жойга етиб келишгач, Хузайл қабиласидан бўлган кишилар уларни билиб қолишди. Сўнг улар томонга шошилиб келиб, уларни ўраб олишди. Шунда Осим ва унинг шериклари қиличларини яланғочлаб, ўраб олган кишилар билан олишишга киришишди. Хузайлликлар: Сизларнинг биз билан олишишга кучингиз етмайди, Аллоҳга қасамки, агар таслим бўлсангиз, биз сизга ёмонлик истамаймиз ва сизларга Аллоҳни ўртага қўйиб ваъда берамиз дейишди. Шунда саҳобалар  нима қилишлари ҳақида маслаҳатлашганидек бир- бирига қарашди. Осим эса, шерикларига қараб: Мен мушрикнинг ҳимоясига кирмайман деди ва уларга Сулофанинг назирини эслатиб, қиличини яланғочлади. Сўнг: Эй Аллоҳим мен сенинг динингни ҳимоя қиламан, сен менинг гўштим ва суякларимни ҳимоя қил, Аллоҳнинг душманларига бу иккиси устидан нусрат қилишини насиб этма, деди. Сўнг Хузайлликларга ташланди, ортидан яна икки саҳоба эргашди. Улар қаттиқ жанг қилишди ва бирин-кетин яраланган ҳолда йикилишди. Аммо қолган шериклари таслим бўлишди, лекин ҳеч қанча вақт ўтмай мушриклар ваъдасига хиёнат қилишди. Хузайлликлар аввалига ўлдирилганлар ичида Осим ибн Собит борлигини билишмаган эди. Лекин буни билганлардан кейин, қаттиқ хурсанд бўлишди ва катта мукофот олишларига ишонишди. Бунинг ажабланарли жойи йўқ эди. Чунки Саъднинг қизи Сулофа Осим ибн Собит устидан нусрат қилса, унинг бош суягида май ичиш ҳақида назр қилган эди. Шунингдек, уни тирик ёки ўлик ҳолда олиб келган кишига хоҳлаганича мол-давлат беришни ваъда қилган эди.

Осим ибн Собитнинг ўлганига ҳеч қанча вақт ўтмай, Қурайш бу ҳақда хабар топди. Чунки Хузайл қабиласи Макка яқинида яшар эди. Қурайш етакчилари Саъднинг қизи Сулофанинг чанқоғини босиш ва қасамини оқлаш ҳамда унинг Осим ер тишлатган уч ўғлига бўлган қайғусини енгиллатиш учун Осимнинг қотилларидан унинг бошини сўраб элчи юборишди. Элчиларга катта мол-давлат бериб, Осимнинг боши эвазига уни беришларини буюришди.

Хузайлликлар Осим ибн Собитнинг бошини танасидан ажратмоқчи бўлишган эди, қўққисдан арилар тўдаси уни барча томондан ўраб олишди. Улар қачон Осимнинг жасадига яқинлашишни хоҳласалар, арилар учиб келиб, кўзлари, пешоналари ва жисмидаги барча жойларини чақар ва уни ҳимоя қилишар эди. Улар бу ишга бир неча марта ҳаракат қилганларидан кейин, ноумид бўлишди. Кейин айтишдики, қўяверинглар, қоронғи

тушгач, арилар кетади ва унинг жасади ҳоли қолади. Сўнг яқин жойда қоронғи тушишини пойлашди. Лекин кундуз ўз ниҳоясига етиб, тун яқинлашгач, осмонни қора булут қоплади, момақалдирок гумбурлади. Сўнг ҳатто энг узоқ яшаган одам ҳам бунақасини кўрмаган даражада ёмғир ёғди. Даралар, текисликлар ва водийлар сувга тўлди ҳамда ўша минтақа сел бўлиб оқди. Тонг отгач, Ҳузайлликлар Осимнинг жасадини излай бошлашди, лекин ундан асар ҳам қолмаган эди. Чунки сел уни ҳеч ким билмайдиган узоқ жойларга олиб кетган эди.

Шундай қилиб, Аллоҳ Таоло Осим ибн Собитнинг дуосини ижобат қилди ва унинг жасадини мусла қилинишидан сақлади. Унинг бошини эса, суягига май қуйиб ичишларидан ҳимоя қилди... Шунингдек, мушрикларга бу ишни қилишларига йўл бермади. □

ТАЙМС: «ИККИНЧИ АРАБ БАҲОРИ» РЕПРЕССИЯ БОСҚИЧИГА КИРИБ, МИЛЛИОНЛАБ МИГРАНТЛАРНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРИШИДАН ОЛДИН, ЕВРОПА УНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШИ ЛОЗИМ

Таймс газетаси ўзининг бош мақоласини араб дунёсидаги намойишларга ёки «иккинчи араб баҳори»га бағишлади. Мақолада Ўрта Шарқ минтақасидаги ёшларнинг норозилик намойишларини вайрон қилувчи репрессиялар тўлкини остида қолишнинг ҳамда Ғарб коррупциялашган давлатларни ислоҳ қилиш масаласини қўллаб-қувватлаши кераклиги айтилади. Мақолада билдирилишича, араб дунёсидаги ёшлар ларзага келган. Араб дунёси аҳолисининг 60 фоизини ўттиз ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Улар ҳокимият коррупциясидан, хорижий аралашувдан ва ҳаётларига армия ҳукмронлик қилишидан зада бўлганлар. Салкам ўн йил олдин айни шу омиллар қўзғолонларга олиб келган эди. Бугун намойишчилар яна қайта «донолик билан, лекин аввалгидан ҳам ғазабнок ҳолда» ҳаракатга келмоқда. Бугун илк қўзғолон аланга олиш арафасига келиб, лекин намойишларда иштирок этмаган Ироқ, Жазоир, Ливан ва Судан каби давлатларда юз берди. Ливан ва Ироқда халқ ғалаёнлари оғир кечмоқда. Чунки ғалаёнлар Эроннинг бу икки давлатдаги сиёсий режимга таъсир ўтказишига қарши турибди. Эрон ҳам араб давлатларига ўз таъсирини ўтказишда омади чопмаганидан ҳафсаласи пир бўлиб, ўзининг турли шаҳарларида келиб чиққан намойишларни бостирилмаяпти. Баъзилар келгуси йилда Эроннинг ўз вакили ҳисоблаган давлатларга қарши куч қўллашини тахмин қилишмоқда. Бу эса, бутун Ўрта Шарқда уруш ноғораси чалинишини англатади. Мақолада изоҳ берилишича, «иккинчи араб баҳори» хорижга хавф туғдиради. Намойишлар иштирокчилари асосан аҳолининг саводли қатлами ва ёш авлоддир. Уларга қарши куч қўлланиши уларни қайиқларга миниб Европа давлатларига қочишга мажбур қилади.

«Иккинчи араб баҳори»нинг бошқача тугашига ҳеч қандай сабаб йўқ. Лекин Ғарб ислоҳот масаласидан воз кеча олмайди. Чунки Шимолий Африкада тартибсизлик юз бериши унинг Европага кўчишини англатади. Европанинг ислоҳот масаласидан воз кеча олмаслиги ўзини ҳимоя қилиш учун эмас, балки ўтган беш йил давомида юз берганидек демократиянинг инқирозга учрашини олдини олиш учундир. Таймс газетасининг таъкидлашича, араб дунёсидаги муваффақиятлар ҳақидаги хабарлар жуда оз... Энг муҳими, араб фуқаролари ҳукуматлари томонидан ҳурмат қилинаётганларини ҳис қилишлари, ҳукумат жамоатчилик фикрини ва эркин мунозарани бостириш учун қаттиққўл сиёсатга ўтмаслиги керак. Шунингдек, ҳукуматлар ислоҳот ташаббуси орқали фуқаролар талабларига жавоб қилиши ва уларни ишонтириши лозим. Газетанинг таъкидлашича, Ғарб коммунизм қулаганидан кейин Шарқий Европада ўз ролини адо этган. У буни Ўрта Шарқда, яъни яна қайта норозиликлар ва репрессиялар босқичига кириши мумкин бўлган ушбу стратегик минтақада ҳам қўллаши мумкин.

Ал-Ваъй: Ушбу бош мақолада очиқ айтилишича, минтақа аҳолисининг 60 фоизини ташкил этган ёшларнинг ғазабга келишига «ҳукумат коррупцияси, чет элликлар аралашуви ва уларнинг ҳаётига армиянинг ҳукмронлик қилиши» сабабчидир. Биз буни янада аниқроқ қилиб айтимаски, коррупциячи ҳукмдорлар ва армиянинг ҳукмронлик қилиши ортида ўз қиёфасини ўзгартирувчи мустамлакачи Ғарб турибди. Юзлаб миллиардларга етган ташқи қарзлар ортида турган ҳам удир. Бу Ғарбнинг ўзгармас халқаро сиёсатидир. Малай ҳукмдорлар халқларни қашшоқлаштиришда ва уларни қарзга ботиришда мустамлакачиларнинг режаларини амалга оширишади, армия уларни ҳимоя қилади... Ҳатто ҳукмдорлар томонидан қўзғолонларнинг илк тўлкини бостирилиши ҳам Ғарб буйруғи билан бўлган. У қўзғолонларни бостириш билан тугата олмагач, ислоҳотларни амалга ошириш ва одамлар талабларини бажариш фикрини кўтарди. Эй мусулмонлар, Ғарбдан ечим изламанглар, чунки у заҳарни заҳарга қарши дори ўрнида берадиган илондир. Ечим фақат Аллоҳ даргоҳидан бўлади ва бу ечим Халифалик давлатини барпо этишдир. □

ЭРДОГАН «МИЛЛИЙ АРМИЯ» ЖАНГЧИЛАРИНИ ЁЛЛАНМА ЖАНГЧИ СИФАТИДА ЛИВИЯГА ЖЎНАТИШ ОРҚАЛИ СУРИЯНИ ЯНА БИР БОР УЛАРДАН БЎШАТМОҚДА

Туркия «Вифоқ ҳукумати»га қарашли кучлар билан биргаликда генерал Ҳафтар кучларига қарши жанг қилиш учун Ливияга кучларни жўнатмоқчилигини маълум қилди. Ўз навбатида, Туркиянинг Ливиядаги элчиси Амруллоҳ Элшор агар Ливия база қуриш масаласида илтимос қилса, ўз мамлакати Ливияда Сомали ва Қатардаги Туркия базасига ўхшаган база қуришга тайёрлигини билдирди. Ўрта Шарқ бўйича стратегик тадқиқот маркази эксперти Ўрхон Алтаннынг айтишича, Туркиянинг Ливия ишларига аралашуви сабаб Ливиянинг нефтга бой мамлакат эканлигидир. Шунингдек, Ливия Ўрта ер денгизидagi муҳим савдо йўлида жойлашган. Бундан ташқари шунини таъкидлаш керакки, Туркия яқинда Кипр рўпарасидаги Ўрта Ер денгизининг шарқий минтақасида, яъни шимолий Кипрнинг Туркия жумҳурияти назорат қиладиган қисмида нефт ва газ қидирув ишларини бошлаган. Шимолий Кипрнинг бу қисми Туркия назоратида эканлигини Анқарадан бошқаси тан олмайди ва халқро доирада бу эътирозларга ҳам сабаб бўлган. Эрдоғаннынг Ливияга аралашувини маълум қилиши «Шарқий Ўрта ер денгизи газ форуми»дан кейин бўлди. Юнонистон, Кипр, Италия, Миср, Иордания, (Исроил) ва Фаластинни ўз ичига олган бу форумда Туркия қатнашмади. Эрдоган бу форумни регионал тил бириктирув, деб атади. Унга кўра, бу форум Туркияни изоляция қилиш уринишидир ва минтақада янги қўшимча можаро бошланишининг омилдир. Нефт ва газ устидаги бу можарода Туркия иттифоқчига муҳтож. Туркияга савдоқат кўрсатаётганлар орасида Триполи ҳам бор. Демак, бу кураш ҳам сиёсий ва ҳам савдо урушидир.

Туркия кучларининг Ливияга юборилиши эълон қилиниши билан бир вақтда «Сурия миллий армияси» жангчиларининг ҳам юборилиши ҳақидаги маълумотлар тарқалди. Ушбу маълумотларга кўра, бу жангчиларни Туркия армияси бошқаради ва улар у ердаги жанговар миссияда Туркия кучларига ёрдамчи бўлади. Айтилишича, «Сурия миллий армияси» жангчиларининг ҳар бирига Туркия томони ойига 2000 доллардан, махсус тайёргарликдан ўтган жангчиларга 2500 доллардан тўлайди. Маълумотларга кўра, Туркияга содиқ Сурия мухолафати гурӯҳларидан юзлаб жангчилар Ливияга йўл олган.

Ал-Ваъй: Эрдоғаннынг ушбу эълони моддий манфаатлар ўйинига ва манфаатлар устидаги курашга дахлдордир. У бу масалада мусулмонларнинг Фарбга малай ҳукмдорларидан фарқ қилмайди. Эрдоғаннынг барча сиёсий қарорларида Ислоҳ ҳеч қандай аҳамият касб этмайди ва бунга унинг сиёсий тарихи гувоҳдир. Масалан, АҚШ кучлари Афғонистонга бостириб кирганида, у турли миллатлардан ташкил топган «Исаф» кучлари сафига кириб, Американинг ёнида бўлди. Бу у ерда мусулмонларнинг қирғин қилинишига ва юртлари босиб олинишига сабабчи бўлди. Америка Ироққа тажовуз қилганида ҳам Эрдоган «Инжирлик» базасини унинг тасарруфига топшириб қўйди. Бу ҳам, у ерда мусулмонлар қирғин қилинишига ва юртлари босиб олинишига сабаб бўлди. Сурия кўзғолонига зарба беришда ва кўзғолончиларни мутеъга айлантиришда ҳам Америка томонидан топширилган энг хатарли ролни бажаришни ҳамон давом эттириб келмоқда. У «Фурот қалқони» ва «Зайтун новдаси» амалиётларини амалга ошириш учун ўзига тобеъ бўлган жангчиларни олиб чиқиб кетиб, бу билан Ҳалабни Сурия режимига топшириб қўйган эди... Мана энди бугун ҳам, Суриядан жангчиларни олиб чиқиб кетишни ва ўз мамлакатининг миллий манфаатига ишлатиш учун уларни худди Американинг «Блекуотер», Россиянинг «Вагнер» кучларига ўхшаган «ёлланма» жангчиларга айлантиришни истамоқда... Эрдоғаннынг барча кирдикорлари фош бўлган. Бироқ бу ердаги муаммо у билан бирга юрган ва уни яхши кўрганларнинг кўрлигидир. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَمَنْ كَانَ فِي هَذِهِ أَعْمَىٰ فَهُوَ فِي الْآخِرَةِ أَعْمَىٰ وَأَضَلُّ سَبِيلًا﴾

«Кимки, бу дунёда кўр-гумроҳ экан, бас, у охиратда ҳам кўр ва бутунлай йўлдан озгувчидир»

[Исро 72] □